

Жамоатчилик кенгаши раиси:
Абдулла ОРИПОВ

Жамоатчилик кенгаши:
Нажмиддин ЖИЯНОВ
Азамат УМАРОВ
Минҳожиддин МИРЗО
Феруза МУҲАММАДЖОНОВА
Аҳмад ОТАБОЕВ
Шухрат СИРОЖИДДИНОВ
Аҳмад УСМОНОВ

Бош муҳаррир:
Собир УНАР

Бош муҳаррир ўринбосари:
Луқмон БЎРИХОН

Масъул котиб:
Ақбарали МАМАСОЛИЕВ

Таҳрир хайъати:
Муҳаммад АЛИ
Иқбол МИРЗО
Абдусайд КЎЧИМОВ
Сирождин САЙИИД
Алишер НАЗАР
Ўрозбой АБДУРАҲМОНОВ

Саҳифаловчи: Фиёсиддин ОМОН ўғли
Ушбу сон "Ёшлик" журнали таҳририятининг
компьютер марказида саҳифаланди.

Манзилимиз:
Тошкент. ш.
Ўзбекистон шоҳ кўчаси, 16-а" уй.
E-mail: yoshlik-xatlar@rambler.ru
Tel/fax: (8371) 227-0-227,
245-5-793, 245-0-552



© "Ёшлик" 10 (270) 2013 й.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси,
"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати муассислигидаги
ёшларнинг адабий-ижтимоий журнали
1982 йилдан чиқа бошлаган.

МУНДАРИЖА

ИСТИҚЛОЛ ФАРЗАНДЛАРИ

Шоҳруҳ АБДУРАСУЛОВ. Ҳуштак чалар вақт келмадими? 2

АДИБ ХОНАДОНИДА

Сирождин САЙИИД. Ватан барчамизга буюк онадир. 4

НАСР

Ҳамид ЭЛХОН. Оқсоч тоғлар ўлани. Ҳикоялар. 9

Абдусаттор ҲОТАМОВ. Уч ҳикоя. 28

Бахтиёр НУРИДДИНОВ. У дунё харидори. Ҳикоя. 42

Биби Робаиъ САИДОВА. Хизр ташлаган қанот. Ҳикоя. 54

Акмал САЙИИД. Қавмдошлар. Ҳикоя. 60

НАЗМ

Анвар ОБИДЖОН. Юртга керак бўлсам – шу ўзи ҳайкал 22

Дилором ИСМОИЛОВА. Энг ёруғ юлдуз ҳам яшнамас мангу. 40

Ғайрат МАЖИД. Сенинг хаёлларинг сўлим атиргул. 46

Ўроқ САИД. Уй шифтида жўжа очган қалдирғочча меҳри йўқ. 51

Шермурод СУБҲОН. Бир жуфт сўз казимиз гўё иккимиз. 52

Шербой ШЕРОВ. Яхшиларга кўшил, олдга қараб юр. 57

Фароғат ХУДОЙҚУЛОВА. Ёмғир куйин тинглайман жим. 58

Мақсуда ЭГАМБЕРДИЕВА. Ой кўқдан заминга тушолса эди. 63

АДАБИЁТШУНОСЛИК

Дилдора БАҲРИДДИНОВА. Қора кунларнинг ёруғ баёни. 25

БИРИНЧИ УЧРАШУВ

Азиза ХЎЖАКЕЛДИЕВА. Сарғайган япроқлар хаёлим олди. 27

ТАДҚИҚОТ

Нилуфар ЧЎЛИЕВА. Бобур ижодида ватан мадҳи. 39

ЖАҲОН ҲИКОЯЧИЛИГИ

Хулио КОРТАСАР. Аксолотл. Ҳикоя. 48

ЕЛПУҒУЧ

КАРАМХОНИЙ. Антиқа ахборотлар. 64

Бошишга 27. 09. 2013 йилда рухсат берилди. Қоғоз формати 60x84 1/8. Нашриёт ҳисоб тобоғи 8,7. Индекс 822.
ИССН 0207-9137. Журнал 2007 йил 4 майда Матбуот ва Ахборот агентлиги томонидан № 0253 рақами билан рўйхатга олинган.
Журналдан кўчириб босилганда "Ёшлик"дан олинди" деб изоҳланиши шарт.
"HILOL-MEDIA" МЧЖ матбаа бўлимида чоп этилди. Буюртма № 82. Адади 3740 дона.
Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Шараф ва Тўқимачи кўчалари кесишмаси.



Uzluq, uzluq farzandlari Uzluq, uzluq farzandlari

Шоҳруҳ АБДУРАСУЛОВ



ҲУШТАК ЧАЛАР ВАҚТ КЕЛМАДИМИ?

“Ҳар бир миллатнинг дунёда борлигини кўрсатдурган ойинаи ҳаёти тил ва адабиётидур. Миллий тилни йўқотмак миллатнинг руҳини йўқотмақдур”. Ўтган аср бошларида улуғ маърифатпарвар бобомиз Абдулла Авлоний томонидан айтилган ушбу фикрда заррача муболаға йўқ. Зотан, тил миллатни миллат қиладиган, унинг шаъни, номуси, ориятини сақлайдиган, тарихнинг ўчмас хотираларини келажак авлодга етказиб берадиган бебаҳо неъмат, буюк бир ижтимоий ҳодисотдир. Алҳол, унинг жамият ҳаётида тутган ўрнини, аҳамиятини ҳеч нарса билан ўлчаб бўлмайди. Тилидан айрилган халқ ўзлигидан жудодир, тилсиз миллат эса руҳсиз жондир. Бинобарин, тил-миллат руҳи, унинг жамики қарашлари, мақсадлари, интилишлари, маслағи, эътиқоди, қўйинги бор аҳволи-руҳиятини кўрсатиб берувчи омил экан, глобаллашув жараёни ниҳоятда жадал тус олган бугунги давримизда ҳар бир миллат ўз она тилини сақлаб қолишни, унга гард юқтирмасликни, ҳар қандай ёт таъсирлардан ҳимоя қилишни ҳаётий зарурият деб билиши лозим.

Маълумотларга кўра, ҳозирда курраи заминимизда олти миллиарддан ортиқ аҳоли истиқомат қилмоқда. Улар мулоқот қиладиган тилларнинг сони эса уч мингдан ошади. Табиийки, бундай шароитда кам муомала қилинадиган баъзи бир тиллар ўзининг аҳамиятини бой бериб ёнги айрим тилларга қоришиб, жамият ҳаётидан узилиб қолиши, ҳатто ном-нишонсиз, асоратсиз йўқолиб кетиши ҳеч гап эмас. Фақатгина миллатнинг асл фарзандлари, фидойилари кўрсатган саъй-ҳаракатлар туфайли тил мангулик тўнини кийиб, барҳаёт яшайверади. Айтайлик, Кавказ тоғларининг этагида жойлашган Доғистон деган миттигина мамлакатда бор-йўғи қирқ мингга яқин аҳоли яшайди. Бу ўлка Россия давлати тасарруфида бўлса-да, умумоқимдан ажралиб чиқиб, русча забонда эмас, авар деб аталувчи кичик бир тилда сўзлашадилар. Қойил-э, қирқ мингга одамга битта тилми дейсиз, бир оз ажабланиб. Ваҳоланки, тоғу тошлар орасидан наъра тортиб, ана шу халқда Расул Ҳамзатовдек забардаст бир шоир пайдо бўлдики, у ўз ижоди билан “кичик тилнинг - умри қисқа” деган нописанд иддаоларни пучга чиқариб, авар тилининг имкониятларини бутун оламга кўз-кўз

қилди. “Жаҳон минбаридан янграмаса ҳам, она тилим менга муқаддас, буюк” деб ёзади шоир машҳур бир асарида. Бугун Расул Ҳамзатов сабаб Доғистон ўлкаси ва унинг авар тилини бутун дунё танийди. Ҳўш, бизнинг тил-чи, дейсиз куюниб. У авар тилидан кўлампроқ, муомала қилувчиси ҳам кўп, боз устига анча мукамал, дерсиз. Ҳа, бундан минг йил муқаддам буюк тилшунос бобомиз Маҳмуд Кошғарий она тилимизнинг араб тили билан икки улоқчи от сингари тенг пойга қилиб, ким ўзарга баҳслашаётганлигидан ғурурланиб, асарлар битган пайтда, Ғарб адабиёти доврўғини дунёга ёйган Шекспир, Шиллер, Байрон, Пушкин каби ижодкорлар ҳали ёруғ оламга келмаган эди. “Ўрхун-Энасой” тошбитиклари, “Қутадғу билиг”, “Ҳибат ул-ҳақойиқ”, “Ҳикматлар” каби туркий обидаларимиз ўзбек тилининг нақадар чуқур тарихга эга эканлигини исботловчи далил эмасми? Шеърият мулкининг султони саналмиш Алишер Навоий ҳазратлари туркий тилда “Хамса” битиб, “тилимизда кўп ва хўп шеър айтмоқ мумкинлигини” исбот қилганида, Шарқнинг “мана ман” деган валломат шоирлари ҳам жўмардларча тан беришгани ҳақиқат-ку! Бобур-чи? Таҳқир-у маломат ботқоғига ботган тилимизда “Бобурнома” аталмиш дурдонани инкишоф этмадимми? Машраб, Гулханий, Увайсий, Нодира, Оғаҳий, Фурқат каби мумтоз шоирларимизнинг бу тил ёрдамида яратган санъат намуналарини эсламай бўладими? Аммо тилимизнинг ўтмишдаги қиёфасига маҳлиё бўлиб, “кўкрак кермоқ”дан не наф? У тарихан юксак чўққиларга кўтарилди, минглаб ашъору алфозларда ўзига хос ўрнини, рутбасини топди, узоқ йиллик тазйику истилолардан омон-эсон ўтиб, бугунга қадар бешикаст, беталофат етиб келди. Энг муҳими, ўтмиш боболаримиз орзу қилган воқеа юз берди, тилимиз давлат тили мақомини олди. Энди, гапнинг индаллосига келсак, тилимизнинг қолган умри, кейинги шону шавкати, тараққиётию, Худо асрасин, таназзули ҳам ўзимизга боғлиқ. Инчунун, тилга эътибор масаласи бугун ҳар қачонгидан-да долзарб муаммога айланиб қолди. Маданий ҳаётимизнинг турли соҳаларига назар ташласак, тилдаги кемтик нуқталар, саёзликлар, имловий ва услубий ғализликлар, сўз маъноларини билмай туриб қўллаш, адабий тилни суистеъмол қилиш, бач-

Шоҳруҳ АБДУРАСУЛОВ

1991 йилда Тошкент вилоятининг Бекобод туманида туғилган. Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтининг “Санъатшунослик журналистикаси” факультети талабаси. Ўзбекистон Республикаси Президенти стипендияси соҳиби. (2013)

кана ва тутуриқсиз жумлаларга боқиб, қулай десангиз гурур, йиғлай десангиз орият йўл қўймайди.

Айниқса, замонавий қўшиқчилик санъатида, шоу-бизнес аталмиш баҳайбат қўланканинг "залвори" дан мусаффо тилимиз минг букилиб, қайрилиб, пажмурда ҳолатга келяпти. Йўқ, ниятимиз эстрада йўналишини буткул қоралаш, бисотимизда асраб юрган тошларни улоқтириш эмас. Ўзбек эстрада санъатида ибрат қўрсата олган санъаткорлар талайгина. Аммо Ботир Зокиров, Юнус Тўраев, Мухаббат Шамаева, Раъно Шарипова, Ғуломжон Ёқубов, Насиба Абдуллаева, Муҳриддин Холиқов ва бошқаларнинг файзиёб хонишлари, дилга хуш ёқувчи оҳанглари ёнида лаҳзалик чанг-тўзон янглиғ пайдо бўлаётган тумтароқ қўшиқлар, сохта ва чучмал тароналар пайдо бўляпти. Жўрабек деган бир қўшиқчининг мазмунан саёз ва сийқа, сўзлари пала-партиш ва моҳиятан беҳаё куйидаги ашуласи дилни хира қилмайдими? Масалан,

Чикир-чикир юракчалар (?) так-так этиб, (?)

Аста бориб юзларинедан "м-м...оҳ" этиб...

Баъзи бир хонадалар гўёки иззатталаб. Ҳатто, кўнгил майли бўлмиш муҳаббатга ҳам буйруқ бермоқчи бўлишади. Бу борада Давронбек Зайнуддинов деган хонандамиз барчамизга "намунан":

Сев мани, сев мани, севгилим де мани

Синама сабримни, қадримни бил мани

Ёки хаёлимни умуман тинч қўй,

Ёки ёнимда бўл, сев мани, сев мани.

Миллий маданиятимизнинг ажралмас қисми ҳисобланган театр санъатида тил ва нутқ масаласи бирламчи омиллардан ҳисобланади. Агар спектаклнинг саҳнавий тили тўғри ва равон бўлмаса, қахрамонлар репликаси шевадан тозаланмаган бўлса, бундай спектакл ҳар қанча томошабоп, қизиқарли бўлмасин, уни бадиий жиҳатдан тўла маънода баркамол саҳна асари сифатида баҳолаб бўлмайди. Шу боис ўзбек театр санъати босиб ўтган йўлга назар ташласак, таниқли театр намоёндалари, режиссёр ва актёрлар спектаклнинг саҳнавий талқинидан аввал тил устида кўпроқ ишлаш, изланишга алоҳида аҳамият қаратганлар. Атоқли режиссёр Маннон Уйғур репетиция жараёнида бирор актёр сўзни нораво ёки ярим-ёрти талаффуз қилса, унга "Нима, тилингни ҳаққа чўқиганми?" деб дақи берар экан. Ана шу дашномдан чўчиганлари боисми, барча ижрочилар тилни муҳим санаб, ҳар бир сўз устида астойдил изланганлар. Яна бир мисол. Устоз театршунос М. Раҳмонов ёзишича, бир вақтлар машҳур режиссёр Етим Бобожонов ва драматург Комил Яшин ўртасида бир сўз туфайли келишмовчилик келиб чиқади. Шунда Етим Бобожонов репетицияни тўхтатиб, уч кун хонасидан чиқмайди. Маълум бўлишича, ана шу уч кун ичида у Навоий асарларини варақлаб, тушунмовчиликка сабаб бўлган сўзни излаган экан. Демак, яқин ўтмишимизда саҳна санъати ва умуман театр билан алоқадор инсон борки, тилни шекспирона таъбир билан айтганда, "ё ўлиш, ё қолиш" масаласи деб билган. Шу туфайли, устоз санъаткорлар ижросидаги спектаклларни ҳар гал томоша қилганимизда, уларнинг равон ва жозибали нутқи, ширали тилига маҳлиё бўлиб, ҳайратга тушамиз. "Келинлар кўзғолони" спектаклини олинг. Ҳар қанча бадиҳа қилсанг, тил қондасидан четлашсанг бўладиган асар асли. Лекин, устоз санъаткор Зайнаб Садриева худа-беҳуда майнавозчиликдан ўзини сақлаб, тил меъёрларидан четлашмаган тарзда ижро руҳиятини вазмин, сукутлардан оқилона фойдаланган ҳолатда олиб борадики, томошабин кулгу-

га мойил спектаклда тил қонуниятлари бузилганлигини кўрмайди. Ҳозир эса айрим саҳна асарлари тил масаласида жиддий изланишларга эҳтиёж сезмоқда. Вилоят театрлари маҳаллий шевачилик асоратларидан бутунлай қутулиб кетолмаётган бўлса, пойтахт театрларида ёзма ва оғзаки нутқда дифференцияни билмаслик, сўзга бифарқлик билан муносабатда бўлиш, шаҳар шевасига берилиш ҳолатлари тез-тез кўзга ташланади. Масалан, Республика ёш томошабинлар театрининг репертуаридан ўрин олган "Зумрад ва Қиммат" спектаклида арзанда Қимматнинг онаси (актриса Шамсиқамар Мансурова) қизини шу қадар алмойи-алжойи сўзлар билан эркалайдики, ҳайратдан ёқа ушлайсиз: "Вуй мани асалим, шкалатим. Ким хапа қилли сани?" Тўғри, актриса ўз фарзандини ҳаддан ташқари талтайтириб юборган онанинг қиёфасини гавдалантиришга ҳаракат қилгандир. Лекин бу каби тутуриқсиз, шева қоришиқ сўзлар билан эркалаш жажжи болакайларнинг дидини нотўғри шакллантириб қўймасмикин?

Энг оммабоп санъат тури бўлмиш кинога келсак, хусусий киностудиялар томонидан ишланаётган фильмларда адабий тил қоидаларига беписанд муносабатда бўлиш, сўзларни бузиб, чала-чулпа талаффуз қилиш, тилимизга ёт бўлган сўкиш-қарғаш ва жаргон сўзларни қўллаш одат тусини олмоқда. Мисол учун, "Жаноб ҳеч ким" фильмидаги "Қороче биз-а официалний эр-хотинмиза(?), "Бойвачча" фильмида актриса Нигора тилидан айтилган "Так что, ҳаракатингни қил ҳарип", "Нортой" да кўксига унвон ёғилаётган хонанда Жаҳонгир Позилжоновнинг "Оптом йўқотворам", "Башарангга қофия сани", "Шабнам" даги шаддоод сингил Ойдин Юсупованинг "Ў, нима дивосан тирпила (?)" каби ғайриинсоний, бепарда, ҳақорат сўзларига унча-мунча овоз ўлчагич аппаратларнинг частотаси ҳам дош беролмаса керак. Хайрият, бизнинг қулоқларимиз ҳозирча дош беряпти.

Тил ҳақида гап кетганида, атоқли адибимиз Абдулла Қаҳҳорнинг топиб айтган бир ўхшатиши ёдимга келаверади: "Кўчада бирор одам қондани бузса, дарров милиционернинг хуштаги чуриллайди, қоидабузар мўмайгина жарима тўлайди. Нега энди бутун бошли тил қоидаларини бузган инсонга ҳеч ким хуштак чалмаслиги керак?" Назаримда, хуштак чаладиган вақтимиз аллақачон келган. Эҳтимол маъмурий тартиббузарликнинг ижтимоий хавфи у қадар катта бўлмаслиги мумкин, аммо тилда йўл қўйилган хато жамият билан боғлиқ катта фалокатларга сабаб бўлиши ҳеч гап эмас. Шу боис тилга эҳтиёткорона муносабатда бўлиш, она тилимизнинг мусаффолигини таъминлаш, ҳар бир сўзни қадрлаш ва уни ўринли ишлаш барчамизнинг бурчимиздир.

Жамият орасида тилга ижобий муносабатни шакллантириш, адабий тил меъёрларига риоя қилиш тартибларини кучайтириш учун ҳар биримиз қўлимиздан келганича ҳаракат қилмоғимиз, бу ишда фаоллик, жонқуярлик кўрсатмоғимиз лозим.

Телевидение, радио, матбуот, умуман ОАВларининг барча соҳасида, театр, кино, эстрада санъатида, жамоат жойлари, марказий бўлинмалар, ташкилот, муассаса ва идораларда тил билан боғлиқ муносабатлар жиддий назоратга олиниши керак. Тилга беписанд муносабатда бўлган ҳар қандай ходимни (павозимидан қатъи назар) жаримага тортиш, маошидан ушлаб қолиш, ҳатто ишдан бўшатиш каби интизом чоралари билан тартибга чақирмоқ лозим. Ўйлашимча, бу ишда андиша қилмаган маъқул.



Сирожиддин САЙИД



ВАТАН БАРЧАМИЗГА БУЮК ОНАДИР

Кўп учрашувларда такрор ва такрор “Болалигингиз қандай ўтган”, “Шоир бўлишни болалиқдан орзу қилганмисиз”, “Болалигингиз ҳақида ҳам гапириб беринг” деган саволлар ёғилади.

Ҳамма нарса муқоясада, қиёсан солиштирилганда аён бўлади, билинади. Жумладан давру замонлар ҳам.

Ақлимни таниган пайтим деб беш ёшимни оладиган бўлсам, демак бир кам эллик йил аввал, ўтган XX асрнинг 1964 йилида олти ёшимда мен биринчи синфга борган эканман.

1991 йилда она диёримизнинг Мустақиллиги билан бир пайтда туғилган, ҳозирги кунда ўспиринлик, балоғат ёшига кириб бораётган, яна чиннидай оқ, тоза-озода мактабларда, қасрлардай кўркама коллежлар ва университетларда таълим олаётган бутунлай янги авлод, Истиқлол навниҳоллари, чечаклари ва мевалари бўлмиш азиз ука-сингилларим учун бизнинг болалиқ давримиздаги кўп ҳолатлар, гаплар ва манзаралар, қандай мактабларда ўқиб, қандай шароитларда яшаганимиз, албатта чўпчак-латифа бўлиб туюлиши табиий.

Муқоясанинг маҳсули, қиёслаб, таққослаб кўришдан келиб чиқадиган натижа, хулоса шак-шубҳасиз ибрат ва ҳикмат ўрнини боса олади.

Менинг гоҳ маҳзун, гоҳ ўкинчли, баъзан рангли, баъзида оқ-қора болалиқ лавҳаларимдан бугунги замонда етук инсонлар бўлиб етишмоқлари учун барча амалий ва маънавий-маърифий шарт-шароитлар, имкониятларга мушарраф, онгли, идрокли укаларим ўзларига керакли хулосани чиқариб оладилар деб ўйлайман.

Яқиндагина замонавий мактаблардан бирида бўлган учрашувда кўзлари чақнаб турган, пўримгина кийинган олти яшар бир билағон болакай дона-дона қилиб “Биринчи синфдалигингизда сизларда ҳам компьютер бўлганми?” деган саволни берди. Полапондай болачанинг кутилмаганда ташлаган енгилгина саволидан оғир-оғир ўйларга ботдим. Бу савол менга эмас – болалигимга, менинг эллик йил бурунги илк ўқувчилик палларимга берилган эди...

Шоирлик менга онамдан ўтган.

Албатта, “Худо юқтирмаса...” деган ҳукм-ҳикматлар ҳам бекорга келмагани рост.

Улғайгандан кейин болалигим ҳақида ёзганим “шоир бўлиб кетсам гар /бунга шу дашту қирлар/ осмонларнинг кўли бор” деган гапларимда ҳам маълум маънода жон бўлса бордир. Бироқ мен шу онанинг фарзанди, онам бўлмаганларида менга бундайин саводат икки дунёда ҳам насиб этмаслигини комил ишонч билан айта оламан.

Мен шоирликни ўчоқларидаги ўтлардан, тандирларига ёққан оловлари, улардаги чўғлари кўрлардан юқтирдим десам асло ҳайрон бўлманг.

“Бу нонингизни емайман!” деганимда, қийин, қабоҳат замонларнинг тахир зогора нонларини уриб-уриб едирганлари кўзимга ёш, кўнглимга сўз берган бўлса ажабмас.

Беш ёшларда бўлсам керак – опам, акам ва мен ўчоқ атрофида ғуж бўлишиб, чўғнинг остидан чиқадиган мўъжизани кутяпмиз. “Ҳозир пишиб қолади” дея онам ниҳоят ярми куйиб қорайиб кетган газит-

Сирожиддин САЙИД

1958 йилда Сурхондарё вилоятининг Сароисиё туманидаги Кундажувоз қишлоғида туғилган. Ўзбекистон халқ шоири (2006). ТошДУ ҳозирги (ЎЗМУ)нинг журналистика факультетини тугатган (1979). Илк шеърлар тўплами – «Рухим харитаси» (1985). Шундан кейин унинг «Салқин харсанглар кафтида» (1987), «Севги мамлақати» (1989), «Асрагил», «Меҳр қолур, муҳаббат қолур» (1990), «Куйдим» (1994), «Ватанни ўрганиш» (1996), «Ватан абадий» (2001), «Устимиздан ўтган ойлари» (2003), «Сўз йўли» (2008), «Бугдой бўй Ватан» (2011) каби шеърӣй ва бадиӣй-публицистик тўпламлари нашр этилган. А. Вознесенскийнинг «Мангу ризқ» (1990) асарини ўзбек тилига таржима қилган. «Дўстлик» ордени билан тақдирланган (1999).

қоғозга ўралган бир нимани кўр тагидан ковлаб оладилар. Тозалаб, пуфлаб, катта толтовоққа соладиларда, бир бўлак, бир бўлак кесиб ҳаммамизга тақсимлаб берадилар. Болалиқдаги қанча маталлару эртақлар эсимдан чиқиб кетди, “Кўмоч” деб аталмиш у сеҳру синоатнинг таъми билан тафти, унинг қувончларию изтироблари ҳамон мен билан. Бу менинг шоирлик қисматимдаги онамнинг меҳри билан муҳтожликлари кўрида пишган, гўдак чоғларимдаёқ маънисига етганим, англаганим, фаҳмига бориб онг ва қалбимга жойлаганим илк ёмби сўзим эди деб ўйлайман.

Онамнинг печкагами, ўчоқ ё тандиргами ўтин қалаб, ўт ёқишларини жуда яхши кўрардим. Бунинг боиси, биринчидан, совуқни, совқотишни ёмон кўрганлигимдан бўлса, иккинчи сабаби болалигимизнинг энг тансиқ неъматини – имкони бўлди дегунча онам бизга пишириб берадиган кўмма кўркабоблари эди. Тандир кўрига ҳам, ўчоқ кўрига ҳам бундай тотли кабобларни Ойбиби момом билан онамдан бошқа ҳеч ким улардай мазали қилиб пиширолмасди. Гўшти тузлай бошланганди баробарида сўлақларимиз ҳам ёппасига ишга тушар, бетларимиз чўғ рангида, ўчоқ ичи лоларангида қизиб товлангани сайин биз ҳам жонсарак тамшаниб турардик.

Ҳақиқий томоша гўшт кўр тагига кўмилгандан кейин бошланарди. Кўр остидан, чирс-чирс чўғлар орасидан чиқаётган кабоб иси билан “жиз-жиз” “биз-биз” товушлар, чўғнинг дамбадам жизиллашларию биззиллашлари чинакамига мазамизни қочирарди. Энди кабобни чиқармасдан иложи йўқ эди. Онам аҳволимизни тушунгандек “Ай болаларим-ай!..” дейдилар-да, кўрни



ковлаб, кабобни бир-икки ағдаргандан сўнг, товоққа оладилар. Бу – болалигимизнинг жуда тез тугайдиган, биз тўйиб-тўймай қоладиган катта байрамларидан энг тотлиси эди. “Тўймадинларми? – дердилар онам бир пасда бўшаб қолган лаганни кўриб ва нима учундир менга қараб: – Парво қилма балам, отанг яқинда қора кўчқорни сўяди, насиб бўлса ҳамманг маза қилиб тўясан” дея кўшиб кўядилар.

Ичимда ўзи бадқаҳр, сузонғич, лекин кўзлари нимагадир доим мунгли боқадиган қора кўчқорга раҳмим келади.

* * *

Қишнинг совуқ-рутубатли кунларида тонгги уйқумизга ором бағишлаб аввалига “чирс-чирс” товушлар келар, бу товушлар аста-аста, чирсиллаб-чирсиллаб бирданига гуриллаб кетганида, у саҳарларнинг энг ажойиб мўъжизаси – печка устидаги қора қумғон жўшиб-тошиб биқир-биқир тилга кирарди. Ота уйимизда кеч куздан то кўкламга қадар, тонгда ҳам, шомда ҳам бир пайтда бир хилда янграйдиган бу тарона, бу наво – болалигимизнинг давлат мадҳияси эди. Унинг матни ота-онамиз меҳри билан ёзилган, тайёрловчиси ўтин, ижросиси эса олов билан шу қумғон бўларди. Биз оловнинг илк чирсиллаб аланга олганидан тортиб то вариллаб ёнгунигача, ундан сўнг қумғоннинг жонли ижросига қадар кечадиган бу “тонгги концерт”ни ширин тушларимизга ўраниб интиқ-илҳақлик билан кутар, уйку аралаш жон-жонимиз билан тинглаб роҳатланиб ётардик.

Оловнинг зўридан қумғон жуда тез қайнар, сувнинг вақирлашларию вишиллашлари уйқумизни бузмасин деб онам унинг қопқоғини очиб кўяр, шунда концертнинг қумғон ва қайнаётган сув иштирокидаги сокин ва ёқимли мумтоз ашулалар қисми бошланарди.

Ақлимни таниб дастёр бўлганимдан бошлаб то мактабни битирганимга қадар мен шу ҳовли, шу қадрдон уйга ўт-алаф ташиб, ғўзапоя ғамлаб, ўтин тахлаб улғайдим.

Ҳовлимизда – ўчоқ, тандир, ёғоч сўри, ўтинхона ва оғилхона оралиғида, томорқамиз билан ошхонамиз ўртасида эрта тонгдан то кечга қадар, йил ўн икки ой катта бир рўзгор-мамлакатнинг қизгин ҳаёти давом этар, бу мамлакатнинг тинчи, ош-нони, иссиқ-совуғини таъминлаб туриш отамнинг зиммасида, унинг саранжом-саришталигига эса онам кайвони эдилар.

Ўт-ўтин, ўчоқ-олов, тандир-нон яна ўт, яна ўтин – болалигим мана шу азиз ва қадрдон сўзлар қуршовида ўтди.

Ўтиним, ўтинларим – болалиқ ўтинчларим, ўсмирлик ўкинчларим.

Менинг тилларим чучук, унинг тиллари олов эди.

Ёғочнинг ҳам тиллари бор экан. Ўтиннинг ҳам лангиллаб ёнгувчи ёлқин забонлари бор экан, жўралар.

Болалиқнинг юракни эзадиган қийин ва дилгир кунлари ғўзапоя ташиш мавсуми эди. Ота-онам, опам, акам ва мен – ғўзапоя то ғарам бўлиб, деворимиз ортида тахланмагунча уйда ҳеч биримизга кун йўқ эди. Қўлларимиз қабариб, тирналиб-ёрилиб кетганлари эвазига, кейин онам йил бўйи тандирдан узиб берадиган иссиқ нонлар, ширин кулчалар албатта тансиқ мукофотдай бўлиб туюларди.

Тириклик алифбосининг илк ҳарфларини мен шу заҳматкаш азиз инсонлардан ўргандим.

У дашту далалардан ҳарф териб катта бўлдим.

Дийдираган пайкалларда дийдираган ғўзапоялар мендан сўз, юпанч тиландилар.

Кузнинг, сўзнинг жунжикканларини кўрдим мен. Сўз ҳам одам боласидай совқотаркан, ёронлар. Сўзга ҳам таскин-тасалли, одамзоддай меҳр керак экан, сўзни ҳам иситиш керак экан, дўстлар.

Кейин умрим давомида ҳаёт ва кўнгил кўчаларида катта-кичик хатолиғларга йўл қўйганимда бот-бот ўйлайман: шу тандир, шу кўрларчаллик онамга хизмат қилолдимми? Тандир ёнида, ёнгиналарида куйиб тутаб ётган косовчаллик бўлолдимми? Тилим лол, дилим гаш-хижил – гоҳида бир сўз деёлмай қоламан.

* * *

Кетмонлари, онамнинг кетмонлари.

Дунёда меҳнатлари қаттиқ, бераҳм ва бемеҳр сўзлар бор экан. “Кетмон”, “Чопиқ”, “Кўсак”, “Ғўзапоя” деган серташвиш сўзлар бизнинг болалик идрокимизга бутунлай сингиб кетган эди.

Тупроқ кўчамиздан елкаларида кетмон, ранги уникқан гарди рўмоллар билан ўранган чопиқчи аёлларнинг ҳорғин юриб боришлари, сўлғин қиёфалари кейин бир умр ёдимда сақланиб қолади. Улар оқшом пайтлари янада ҳорғинроқ қайтардилар. Шу аҳволда яна сигир соғишлари, нон ёпишлари, қозон қайнатишлари керак эди. Хусну тароватлари сонсиз эгатларга ем бўлган, аёллик нафосати, орзу-умидларини саратон куёшлари тушликка тановул қилган гулдай қиз-жувонлар, юзлари чанг-ғубор, киприклари ойларга тегиб турган менинг мунис, меҳнаткаш Ойбарчинларим.

Эртақларим эгатларга эврилдилар.

Эгатлар. Пахта. Яна эгатлар, яна пахта. Дунёдаги энг тошбағир, тошдан ҳам қаттиқ юмшоқ, момик сўз. Томимиз устида баҳорда очиладиган биттагина лолақизғалдоққа жой қолган, холос.

Мактабга, биринчи синфга боришим керак эди. Кийишга кийимим йўқ, оёғимда резинка этик, онам чўпонлар желак ва чалвор қилиб киядиган дағал йўл-йўл тик матодан “бурук”, китоб-дафтарларим, сиёҳдонимга ҳам худди шу матодан жилдқоччиқ тикиб бердилар. “Бормайман!” дедим. Дод солдим. “Патинка, бурук об бермасанглар мактабларингга бормайман!” деб туриб олдим. Онам аввалига толхивич билан роса саваладилар. Кейин, барибир муродимга етдим – мактабга янги ботинка, шим ва кўйлақда бордим. Бутун мактаб, ҳамма менга қараётгандек ўзимда йўқ шод эдим. Бу – менинг олти ёшга кириб шу пайтга қадар илк маротаба кийган ҳақиқий росмана сарполарим эди. Ҳаммаёқ пахта билан тўлиб-тошиб ётибдию мен биринчи синф ўқувчиси, озгингина болакай – онам ун билан гуручга деб тишларининг қавагида асраб келган пулга сотиб олинган янги либосларда, завқу шавқим ичларимга сиғмай, оламдаги энг бахтиёр ўқувчи бўлиб синфхонага кириб бораман.

Ярми тўқ-сарик, ярми қорага бўялган парталарнинг ёқимсиз бўёқ ҳидини тез орада далалар ғубори кўмишини, янги дафтар ва сиёҳ иси эса кейин умр бўйи орзиқтириб димоғимдан кетмаслигини мен ҳали билмайман.



Ўз инларидан мажбуран кўчирилиб 1964 йил янги ошёнга келиб қолган қушчалардай бир-биридан бегонасираб ўтирган синфдошларимга мен ҳам ётсираб қарайман.

Кейин, чамаси икки ойлардан сўнг бизга “Алифбони ўргатган, тўғри йўлни кўрсатган” синф раҳбаримиз Озода опа синфдош қизчаларни бир қаторга тизиб шундай ашула ўргатади:

*Осмондаги юлдузни санаб этман дема,
Юракларни куйдириб ташлаб кетман дема,
Ҳо-о-о,
Ташлаб кетман дема.
Пахта экомиз бирга, терлар тўкомиз бирга.
Олтин териб Ватанга совға этомиз бирга,
Ҳо-о-о,
Совға этомиз бирга.*

Озода опа – лўмбиллаган навжувон келинчак, ўзи тили билан мусиқа чалиб, бармоқларини қарсиллатганча ўйинга тушиб кетар, парталарда ўтирган биз ўғил болалар ҳайрон, синфхонанинг очик саҳнида сочлари пилтажамалак қилиб майда ўрилган синфдош қизлар опанинг нағмасини тақоррлаб бир овозда давом эттиради:

*Ёрим етган ерларга мен ҳам бормай қолмайман,
Йўлларига кўз тутиб, соғинчидан толмайман,
Ҳо-о-о,
Соғинчидан толмайман.
Пахта экомиз бирга, терлар тўкомиз бирга...*

Биз ўзимизни мактабда эмас, гўёки пахтазор далада – эгатлар орасида ўтиргандек ҳис қилардик. Сатҳи



тупроқ зах синфхонада, эндигина қатқалоқни ёриб чиққан нозик-нимжон ғўзабарглардай дийдираб турган, тизилишиб ашула айтаётган ғўзадеккина, майсадеккина синфдош қизлар. Ашула айттиргани ҳам майли, Озода опа ўзи гурсиллаб рақс тушаркан, қизларни ҳам ўйинга тушишга мажбур этди. Бошларида чамангина дўппичалари, майда пилтажамалак кокилчалари чарх уришлари баробарида гир айланаркан, айвонимизда ин қурган, ёзда кўрганим қалдирғоч полапонларининг ёйилган қора қанотчаларига ўхшаб кетарди. Бу дардли манзара, соғинчли-армонли бу саҳна кейин умрим бўйи мени таъқиб этади, кўз олдимдан кетмайин, оромимни ўғирлаб, йиллар ўтгани сайин болалигимнинг маҳзун, мунглуғ хотирасига айланиб қолади.

Эгатлар. Эгатлар. Умр бир пайкал эса, йиллар эгатларга ўшаркан. Азиз синфдошларим – Гулнор, Гуландом, Асилау Хурматой, Ойниёзу Тўхтахол, Хурсанойлару Чиннигуллар – синфимизнинг оқиш-қорача, қизғиш ва пуштиранг капалакчалари, қайдасиз, қайлардасиз?

Оналаримиз, опа-акаларимиз ёнида биз ҳам пахта терамиз. Онам чакқон, ғайратчан теримчилардан эдилар. Бир этак пахталари 15-20 килогача чиқарди. Баъзан чарчагандай бўлиб онамнинг ўқариқ бошига қўйилган тўп-тўп этаклари устида чалқанча ётган кўйи мовий чексиз осмонларга қараб ҳар хил нарсаларни ўйлайман. Мисол учун, осмондаги паға-паға, хирмон-хирмон оқ булутлар бекор тургандан кўра ерга – далага тушса бўлмайдими? Оппа-осонгина этакларга жойлаб, топширардик қўярдик. Ёки ер – осмон, осмон эса далага айланса нима бўларди? “Осмондаги юлдузлар” ҳам синфдош қизларга ўхшаб бир пахта териб кўрсин-чи...

“Ҳўв бола!..” Меликбобо табилчининг кўпол, баджаҳл овозидан бир пасда осмони фалаклардан ерга тушиб, ўзимни эгатлар ичига ураман...

Улғайгандан кейин ўқиганимиз устозимизнинг 1964 йилда ёзилган “Ушоқ чигитни ҳам этмай деб увол /Миллион эгатларга эгилган халқим”, “Менинг нигоҳимни тортади такрор/ Миллион эгатларга сочилган ўзбек” сатрлари аро, ўша сўнгсиз туганмас пайкаллару адоқсиз эгатлар ичида йиртиқ-ямоқ чопон-желакчаларда бизнинг болалигимиз ҳам кўсак чувиб юрибди.

* * *

Худди ўша 1964 йили кундалик ҳаётимизга, ҳамишаги гурунглримиз билан юмушларимизга кумуш тангадай ярқираб бир ғаройиб жозибали сўз оралаб қолди. Уруш кўрган отамдан бошқа етти пуштимиз эшитмаган етти ёт бегона бу сўз, сеҳрли бу ном бир кунда пайдо бўлдию бирданига ҳаммамизнинг туғишган қадрдонимизга, оилавий меҳру соғинчимизга айланди.

Будапешт. Будапешт.

Менинг болалик соғинчларим, “соғинчилик салом хатларим” Будапешт. Ойбиби момонинг осмонга тарвақайлаб кетган қари тутлари, унинг тагидаги тупроқ супа кечалари Будапешт деб шовуллаб, шивирлаб чиқади. Гир-гир айлангучи урчуқларининг ғир-ғир товушларида, аллалари ноласида шу интизорлик. Тобора кичрайиб-тугаб бораётган калаванинг ипларида кунлар, ойлар айланиб камайиб бораётгандек. Тандинларидаги лаққа чўғлар, унда қизараётган нонлар Будапешт дейди. Чорбоғдаги тезпишар олмалари Будапешт дебон гулга киради, зардоллар ғўралигидан ғўлинг бўлгунга қадар Будапешт дейди. Момонинг “Олакўзим говмишим, ҳеш-ҳеш, туёқлари кумушим, ҳеш-ҳеш” дея сигир соғишлари ҳам қулоғимга “Будапешим”дай эшитилади. Тут шохига осиглиқ қатор сузма халталар шу соғинч, шу орзиқиш билан “чакчак” ёш тўкаётгандай. Момон қурбонликка сўйдирган кўйларнинг қотиб қолган очиқ жонсиз кўзларига қараб йиғлагим келади. Нон ейилса ҳам, сув ичилса ҳам роппа-роса уч йил – бир минг тўқсон беш кун муттасил кечаси ҳам кундузи ҳам шу гурун, шу кўмсов: Будапешт. Будапешт.

“Камолиддин худди Вингирга, Будапеш деган шаҳарга тушибди” дея хабар бердилар онам ҳарбийга кетган тоғамдан ниҳоят икки ойлар деганда илк мактуб келганда. Онам “Будапешт”ни ўзимиздаги Бўйрапўш қишлоғига менгаб гапирганларига отамнинг жаҳллари чиқади: “Бу сенинг Бўйрапўшинг эмас, Будапешт бу, немисдан жанг қилиб олганмиз!” Ўша кунлар тоғамга хатлар ёзиш – менинг энг севимли машғулотимга айланиб қолди:

“Соғинчилик салом хат. Қайсики ул гўзал Будапешт шаҳрида гулдай очилиб, булбулдай сайраб хизмат қилиб юрган Камолиддин тоғамга Ойбиби момондан, Холбиби онамдан соғинчли саломлар бўлсин...”

Хатнинг бошланиши андозасини опамнинг мактубидан сездирмайгина кўчириб олган эдим, буёғига нима ёзишни билмай анча қийналдим. Бирдан оғилхонамизда рўй берган хурсандчилик воқеа, энг катта янгилик эсимга тушиб, давомига шуни қўшиб қўйдим:

“Тарғил сигиримиз иккита бузоқ, қартанг сигиримиз битта бузоқ туғди”. Ундан сўнг “мен биринчи синфда ўқияпман” деган хабар билан саломномамни якунига еткизаман.

Будапешт. Будапешт.

Ойбиби момоннинг ғўзапояларини ғарамлаётганимизда ичимда ўз-ўзидан савол туғилади: “Будапештда ҳам ғўзапоя ўсармикан?..”

– Юр балам, Соро момонгни кўриб келамиз, – дедилар бир куни онам.

Соро момо кимлигини мен ҳали билмайман, бироқ онам у кишини кўргани мени ҳам олиб бораяптиларми, демак бир яқин хешлиги бўлса керак-да.

Ости ҳам, усти ҳам бўйро нимқоронғи бир уй. Лойшувоқ деворларида сомонлар сарғиш игналардай хира ялтирайди. Уйдаги наMAT, эски-туски кўрпачаларни ҳам элас-элас эслайман. Бироқ аниқроғи, энг қизиғи – бўйро, четлари кўрпачалардан чиқиб кўриниб турган бўйро, ёғоч синчларнинг устидан шифт қилиб тайланган бўйро, таги ҳам, шифти ҳам бўйро бир уй. Қамиш-бўйро ҳиди, лойшувоқ хиди менга жудаям таниш.

– Хола яхшимисиз, соғ-саломат келдингизми? – дея сўрашадилар онам.

Шундагина қоронғу уйнинг ғира-шира бурчагида бош томони оқишроқ, қолган қисми қизғиш-жигарранг, муштдайгина бир кўланка аста ғимирлаб товуш берганини илғайман. Соро момо онамнинг холаси, Абдукарим амакимизнинг онаси экан. Жавзи узумнинг майизидай бужмайибгина қолган, қовжираб, кичрайиб кетган момо кўзимга жуда ҳам қари ва нимжон бўлиб кўринади.

“Бу қайси баланг бўлади Холиви?.. — деб менга қанд, майиз узатганида момонинг тери ва қоқ суяқдангина иборат титроқ-қалтироқ панжаларидан ғалати аҳволга тушаман. Улар кўлдан кўра томорқамиздаги тупроқнинг ичидан чиқиб турган қуруқ томирларни эслатарди.

Момонинг бетлари шудгор қилингандай чўтир-чўтир ва ажинзор, қошу қабоқлари кўшилишиб уйқашиб кетган, чуқур ботган кўзлари опамнинг эски қора камзулидаги қора хира тугмачалардай зўрға кўринади. Ўшанда мен беш яшар болакай, Соро

момо эса бир юз беш ёшда экан. Шу аҳволда “Холиви, шошма, мен бир нос чекиб олай” деб нос чекканларию, кўзларини юмиб олиб шу кўйи узоқ сукутга чўмгани, сўнгра бир фаслми, бир асрми гўё шундай ўтиргану, бирданига умрининг қолган давомини ҳам яшаши лозимлиги эсига келгандай хушёр тортиб, онам билан менга ажабсиниб қараганларигача, кейин эса бўйронинг бир четини кўтариб носини тупурганию оғзини чой билан чайганларига қадар кечган вақт – мен учун энг азобли, назаримда юз йиллардан ҳам узунроқ ва дилгирроқ бўлиб туюлади. Дикқинафас бўлиб, билдирмайгина онамни турта бошлайман. Момо шуни ҳам сезибди. “Майли Холиви, баланг зеркиб кетди, Худонинг паноҳига...” Онам: “Бизнинг уйларга ҳам боринг-да хола” дегунларича ўзимни ташқарига ҳовлига отаман.

Ўша гурунган кейин Соро момо яна бир йил умр кўриб, бир юзу олти ёшда бу бўйрапўш дунёни тарк этди. Онамнинг айтишларига кўра, момонинг тўнғич ўғиллари Абдукарим амакимиз, Шарипов бобо жанозада “Хазон бўлган энам-а!” дея ёқаларини вайрон қилиб, роса фарёд солган экан.

...Соро момонинг ўша “Худонинг паноҳига...” деб берган дуоларидан кейин мана, орадан эллик йил ўтибди.

– Эллик йилда эл янги, қирқ йилда қозон янги, – дейдилар онам.

“Минг шеър у ғазал берган бу давру замон янги” дея онамнинг ҳикматли гапларини шеърини сатрларга тизаман. Кейин “Буғдойбўй Ватан” деган китобим чиқади. Бир пайтлар онамнинг калишларига бағишлаб шеърлар битган эдим. “Буғдойбўй Ватан” шеъримни телевизорда ўқиганимни кўрган онам: “Ёзсанг мана шундай буғдой ҳақида ёз балам, менинг калишларимни нима қиласан шеърга солиб”, дея китобимни кўзларига суртиб дуо қиладилар: “Йўлингни поклаб юр, сўзингни ҳамиша ўйлаб гапир, балам...”

*Булбул яшай олмас чамансиз, она,
Инсон хор бўлғайдир Ватансиз, она.
Ватан барчамизга буюк онадир,
Сиз буюк Ватансиз, Ватансиз, она.*






Наср
Наср Наср
Наср

Ҳамид ЭЛХОН



ОҚСОЧ ТОҒЛАР ЎЛАНИ

Ҳикоялар



Ҳамид ЭЛХОН

(Маллаев) 1953 йилда Қашқадарё вилоятининг Деҳқонобод туманида туғилган. Олий маълумотли. "Зурёд", "Шаффоф одам" каби китоблар муаллифи. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси.

ШАМҒАЛАТ

Бу ғаройиб ҳикояни бир вақтлар Сангардак тоғларида саёҳат қилиб юрганымда эшитганман.

Буюк Помир билан Ҳисор тизмалари туташган энг баланд чўққида турибман. Атрофни қуршаган маҳобатли зовлар, оппоқ шаршаралар, ям-яшил кўриқлар, зангори зарангзорлар орасидаги кўҳна қишлоқлар, хўкиз билан кўш ҳайдаётган кишилар, ўроқ ўраётган қиз-жувонлар. Улоқ-кўзи боқаётган болаларнинг қий-чуви... Нақадар ибтидоий ва сирли! Гўё бунда биз илғай олмайдиган недир оламлар яшириндек. Аниқроғи, айни бокира манзил, инсонлар, биллур шаршаралар, набототу жониворлар ерда эмас, қайлардадир олисларда, само қатларида зоҳирдек. Мен дахлсиз борлиққа маҳлиё бўлиб қуёш аллақачон ботганини сезмай ҳам қолибман.

Пастга энишда йўлдан адашиб Шарғун яқинидаги кончилар қароргоҳи устидан чиқдим. Шу жойда тунаб қолишимга тўғри келди. Ажабки, менга ўз палаткасидан жой берган муҳандис афсонавий таассуротларимга янада тизгинсизлик бахш этди. Бир қарашда унда ҳеч қандай ғойибийлик асари йўқдек, аксинча, содда, тиниқ фикрлайдиган замонавий, ўқимишли одам. Фақат... Зоҳирида ва ботинида бошқаларда учрамайдиган интиҳосиз жозиба бор эди. Ёши элликни қоралаган бўлса-да, қадди расо, навқирон, хушсурат, баайни қадимий Хитой кўлёмалари саҳифаларига чизилган Лаоцзининг суратига қуйиб қўйгандек ўхшарди. Айни чоғда, болаларча беғубор, ғоят ифодали чехраси, бутун борлиғи етти ухлаб тушга кирмаган ҳикмату маъноларни намоён этарди гўё! Тарзини бир кўрган киши яна кўришни, сўзларини бир марта эшитган яна эшитишни орзулашига аминман. Айтишларича, бир умр гўзал аёллар уни севишган, ёш қизлар висолига етишни орзулашган. Энг ҳайратланарлиси, ноёб хислатли бу одам жуда фаол, қизгин ҳаёт кечирганига қарамай, шу дамгача оила куриб хотин, бола-чақа орттирмаган экан. Боисини ўзгалар тугул, ўзи ҳам англаб етмаган чоғи, сўраганларга: “Кўнглимдаги аёлни хануз учратмадим, шекилли” дея гапни қисқа қиларкан.

Мен унга ўз таассуротларимни гапириб бердим. Нақ булутлар орасидаги тоғ овуллари афсонавий туюлганини, очиғи, сирли ҳаётнинг чинакам намунасини кўриб кечиргандек бўлганимни, уларнинг китобларда тасвирлаган ёндош оламларни эслатишини тўлқинланиб сўзладим.

У менга бироз ҳайратланиб қаради-да, сўнгра зулмат қаърига тикилиб узоқ сукут сақлади. Анчадан кейин менга ўгирилиб бироз ўзгарган овозда сўради:

– Сиз уларга ишонасизми?

Назаримда саволининг асл маъноси сал бошқачароқдай, яъни: “Тушуна оласизми?” демоқчидек эди. Шу боис бироз тараддудланиб, аммо қатъий жавоб қилдим:

– Ҳа, яралиши сирли бўлган борлиқда нечун сирли дунёлару жонзотлар, биз илғамайдиган ҳодисотлар мавжуд бўлмасин? Ўзга оламларга руҳий ё моддий тарзда кўчиб ўтиш, ёки аксинча, уларнинг бизга, бизнинг англаш доирамизга киришлари каби ҳолатлар...

Сўзларим унга бошқача таъсир қилди. У худди узоқ давом этган летаргия уйқусидан уйғонгандек менга тикилди. Мутаассир чехраси, кўзлари ёлқинлар, бутун борлиғи янги воқелик ила юзлашгандек ҳайрат ва ҳаяжон оғушида эди. Унинг ҳолати баайни тушдаги шодликка ўхшаб кетарди. Шундагина мен юраги тубида чўкиб ётган, сўзларимдан кўзғалиб, сиртига тошиб чиққан сўнгсиз армон ва соғинчни илғадим.

Узоқ сукутдан сўнг хитоб қилди:

– Ғойибий маконларга моддий кўчиб ўтиш! Қачонлардир айнан шунга ўхшаш синоатлар бошимдан ўтган. Салкам йигирма йиллик жумбоқ, сўзлаб берсам ишонармикансиз...

– Бажонудил эшитардим, – дедим мен тинглашга шайланар эканман.

* * *

– Асли Боботоғликман, – деб ҳикоясини бошлади у. – Отам машҳур полвон, дўмбичачи, оз-моз бахшилиги ҳам бор эди. Онам диндор оиладан чиққан тақводор аёл бўлган. Отамнинг қизқиши туфайли уйимиз достону термалар, ривоятлару қадимий кўшиқлар ихлосмандлари билан гавжум бўларди. Улар орасида энг ашаддий мухлис мен – беш ёшли болакай эдим. Кейинчалик мактабга борганимда дoston китобларни шариллатиб ўқиб берганимни кўрган биринчи муаллимим тахтадай қотиб қолган ва бирданига икки синф сакратиб учинчи синф ўқувчиларига кўшиб қўйган. Қаҳрамонларнинг деву аждаҳоларни қириб, париларни қутқариши ва бошқа саргузаштлари мени буткул ром этган, кечаюкундуз мард баҳодирларга ҳамроҳ бўлиб золимларни, ялмоғиз кампирлару жодугарларни маҳв этиб, адолатни қарор топтириш йўлида жавлон урардим. Ҳусни жамоли қоронғу кечани ёруғ қиладиган парилар хотирамда ўчмас из қолдирган. Ўсмирлик чоғимда улар ҳақидаги хаёллару кечинмаларимнинг чеки йўқ эди. Ўз “парим” ҳам бор эди! Хония! У ҳали ёшгина, тим қора сочларини селпиллатиб зилол булоқ суви каби тошдантошга сакраб юрарди. У билан гоҳ уришиб, гоҳ ярашиб капалаклар мисоли қувлашиб ўйнардик. Лекин чечаларимиз уят санайдиган ўйинларни ҳали билмасдик. Бу – армонсиз, таърифга сифдириб бўлмас масрурлик эди. Шу қадар шууримга жойланган эканки, ўша ўйинқароқ қизнинг шабнамдек тиниқ юзини, шалола сочларини, шўх кулгусини бир умр унута олмадим. “Парим” нинг муҳаббатига эришиш учун не куйларга тушмадим, дейсиз. Ҳамиша, ҳамма ерда биринчи бўлиш туйғуси ўшанда қонимга синган бўлса не ажаб!

Бироқ омад мендан юз ўгирди. Рақибларимдан ўзаман деб чиранганларим асар қилдимми ё бошқа бўлдими, ҳар нечук бўйим ўсмай паканагина бўлиб қолдим. Аллақачон бўйлари чўзилиб, юзларига ҳуснбузар тошган тенгдошларим овозларини дўриллатиб устимдан кулишарди. “Парим”нинг кўзига кўриниш эса ўлимдан-да оғир. У бўлса паналаб юрганымдан ажабланиб йироқдан ғалати қараш қилади, баъзан учрашиб қолганимизда олдингидек очилиб-сочилиб гаплашгиси келар, аммо менинг қараёлмай нуқул тундланишимдан ҳайратланиб жилмайиб кўярди.

Шу орада қишлоқда туман марказидаги олти ойлик курсларда ўқиб келган муаллимчалар кўпайди. Уларнинг ихчам камзул-шимлари, бўйнидаги гулдор галстуклари, билагига таққан ялтироқ боғичли соатлари, тилларини бураб шаҳарча гапиришлари барчанинг ҳавасини келтирар эди. Шунда мен ҳам ўқишга бориш, пўрим кийиниш, ҳаммани қойил қилиш истаги билан ёна бошладим. Мен ҳатто Хониянинг ишқиниям, паканалигимниям унутган эдим. Мактабни битириб кўм-кўк жилдидан бўёқ ҳиди келиб турган яп-янги аттестатимни кўйнимга солиб юрган орзуманд кезларимда омад куши бошимга кўнгандек бўлди. Отам кўшни қишлоқдаги бир тўйда институтда дарс берадиган укашонини учратиб қолибди...

Алалхусус, ораддан бир йил ўтиб мен ҳақимда қишлоқда: “Райимберди полвоннинг ўғли Азамат ўқишдан таътилга кепти, жуда кетворган, билгир йигит, билагида тилла соати бор эмиш”, деган овоза тарқалди. Бунда муболаға талай, аммо менинг кибри ҳавоим, сахту сумбатим булардан-да баландроқ эди. Рост-да, қандайдир туман марказидаги курс эмас, нақ пойтахту азимдаги институт талабаси! Энг қувонарлиси, бўйим ҳам анча чўзилган, қадди расо, заранг таёқдай йигитга айланганман.

Илгари қизларнинг ҳозиргидек юз-кўзларига бўёқлар, ўсма-ю сурмаларни обдон суриб, кўкраги очик, енгсиз кўйлақлар кийиб йигитчалар олдиға зинғиллаши одат тусига кирмаган. Никоҳ кечаси “вакил сўратар”га йиғилган қизлар, куёв жўраларнинг қорасини кўришмаган. Ҳатто келин бояқиш ҳам куёвини чимилдиқда таниган, холос. Лекин менинг таърифимни эшитган бўй қизларнинг патагига курт тушди. Узун энгли адрас кўйлақ кийиб, сочларини қирқта ўриб уйимиз олдидан тинмай гузарга, сувга қатнашар, далага ёки мактабга боришда атайин бизнинг кўчадан гурра-гурра ўтишарди. Овулларга борсам, ўтовларининг жапсаридан қарашар, мен эса худди ойпарастдек уларни пайқамасдим. Аёнки, биргина ўзимнинг “парим”ни кўришни истайман. Уйи анча узоқда, атайлаб боришга истиҳола қиламан. Хония ҳам аразлаган шекилли, сира кўриниш бермайди. Ёзган хатларим, синглимдан тайинлаган гапларим жавобсиз қолди. Йироқдан алвон кўйлагини, куёш нури тушган лаҳзада ярқираган юзини кўрардим, холос. Шунинг ўзиданоқ қувончдан юрагим тошар, ўзимнинг ердами-кўкдами эканимни билолмасдим. Гўё олам лолазорга айлангандек, Хония улар ичра ловуллаб ёниб тургандек. Ажабки, қанчалик тоқатим тоқ бўлмасин, пинҳоний муштоқлик, сирли ҳижрону бўлғуси висол ҳаёли, шодланиш ва изтироб, – бариси менга бениҳоя масрурлик бағишлар эди.

Шу аснода табиатимда ва феъл-атворимда анчайин ўзгариш юз берди. Энди мен олдингидек ботир ўғлон бўлиб “парим”нинг ёнига чопиб боришдан, жамалагидан тортқилаб ўйнашдан истиҳола қилар эдим. Учрашганда қизариб-бўзариб базўр саломлашардим. У шунчалар афиф, андишали эдики, мен ҳам ўзимни унга муносиб, мард, олижаноб йигитдек тутишим, Авазхондек қахрамонликлар кўрсатишим лозим, шунда у мени чинакам сева олади, дея ўйлардим. Бироқ шоирона ҳаёлларим мени заминдан ҳам, севгилимдан ҳам аста-секин йироқлаштириб тақдири азалим – мангу ҳижрон ва ҳаёлий ошиқлик сари ҳаволантирди.

Мен олам мўъжизаларини кашф этиш, ҳаёт сирларини очиш ва зафарлар қучиш сари ошиқардим. Ўзимни илмга урдим. Самовий севгим ўша-ўша қалбимда-ю, севгилимни буткул унутдим. У аллақачон эрга тегиб кетган бўлса керак, деб ўйлардим. Адашган эканман, охириги курсда ўқиётганимда синглимдан хат келди: Менга Хонияни унаштиришибди! Ҳеч ишонгим келмасди. Отам дostonлар айтишнинг пири бўлса-да, ҳардамхаёл одам эди. То у қизга бошқа қишлоқдан совчи келиб фотиҳа тўйи белгилангунича бепарво юрган, кейин эшитиб ҳеч кимдан сўраб-нетиб ўтирмай тўйлик молларни ва бўхчини олиб борган. “Ҳа”, дейишса: “Ўғлим шу қизга болалиқдан кўнгил қўйган, уни мен келин қиламан. Наригиларни яхшиликча қайтариб юборинглар”, дея гапни чўрт кесган. Қизнинг отаси ноилож, айтганини қипти. Олдинги қудалар бу гапдан роса дарғазаб бўлишса ҳам отамнинг номини эшитгач, шаштларидан тушиб, ашқол-дашқолларини кўтариб изларига қайтиб кетишибди.

Менинг қувончим чексиз эди. Ахир энди “парим” билан бирга бўламан, интизорликларим, изтиробларим поёнига етади, севгим, севгилим ва мен мангу бахтиёрликда яшайман!

Тўйга ҳали икки йил бор эди: Мен ўқишимни адоқлашим, Хония гиламу бўғжомаларини, ўтовининг боғичу кашталарини, зебу зийнатини тайёрлаши зарур. Ниҳоят тўй бўлди. Тоғли қишлоқларда кўхна удумлар, ҳар хил ирим-сиримлар ҳали-ҳамон сақланиб қолган. Бир қарашда жўн, эскирган, кераксиздек туюлган айна урф-одатлар аслида теран маъноларни англатади. Болалигимда уларни томоша қилиш жону дилим эди. Буни билган қудағайлар тўй кечаси ўша иримларни бекаму кўст адо этишди. “Вакил сўратар” чоғи икки ўспирин келин ва дугоналари ўтирган ўтовга қатнаб қизнинг инон-ихтиёрини тинглаб, Вакил отага етказишди. У ҳам ризолигини айтгач, мулла никоҳ ўқиди. Шундан кейин мени жўраларим билан ўтов остонасида таъзим қилдиришди, олдимга дастурхон ёзиб беҳисоб қатламалар тузашди, янгалару аммаларга сарупо тарқатдилар. Шу дамгача тўй рисоладагидек, ғоят тантанали ва қизиқарли ўтаётган эди. Ҳамма шод-хуррам, бир ёнда кўшиқ, бир ёнда ўйинкулги! Дўмбира садолари остида ўтовга қадам қўйдим. Турли-туман рангдор боғичлар, нақшли қурлар, тизмалар, сон-саноқсиз попуклар тақилган ўтов ичи қора чироқнинг хира ёғдусида афсонавий қасрга ўхшарди. Айна таассурот онгимда неларнидир акслантиргандек, бошим айланиб оз-моз замон ва макон ҳиссини йўқотгандек бўлдим. Бу ҳолат кутилмаган синоатларни бошлаб келишини ҳаёлимга ҳам келтирмагандим, албатта. Жўраларим қуршовида шоду масрур эдим. Ичқари аёлларга лиқ тўла, ёнларида болақайлар ва қизалоқлар тизилишган. Аммаларим бошимдан танга ва ширинликлар сочишди. Шунда ҳаммалари қий-чув билан уймалашиб уларни теришга тушдилар. Завқ-шавқларининг чеки йўқ. Шу пайт бўсағада ўтирган алвастига ўхшаш қари момо беўхшов оғзини катта очганича, яккам-дуккам сўйлоқ тишларини кўрсатиб менга қараб гўё қари итдай хура кетди. Мен ҳазарланиб орқага тисланган эдим, орқамдан итаришди:

– Киравер, қўрқма, “ит ириллатар” иримини бажарिशаяпти, – дейишди жўраларим.

Улар кампирга пул беришди. У дарҳол ириллашни бас қилиб ортага чекинди. Шунда унинг пайтавадек патак сочлари орасиданми, ғордай оғзиданми, жимитгина қора нарса учиб чиқди-да, чанғороқ атрофида айланиб-айланиб чимилдиқ томонга ўтиб кўздан ғойиб бўлди. Унинг кўршапалаклигиниям, капалаклигиниям, недир шарпалигиниям билолмадим. Мени яна олға бошлашди, аммо кампирнинг жирканч башараси ва ўша қора шарпа қорачигимда ўрнашиб қолган, аъзойи баданимда номаълум титроқ сезардим. Чиндан ҳам ғалати: ҳеч нарсадан тап тормайдиган бўз бола бўлсам-да, юрагимни аллақандай ваҳима эгаллаган.

– Қўрқма, – дея жўраларим яна далда беришди – ҳали маросим туггани йўқ, дадил бўлавер, куёв тўра!

Чимилдиққа яқинлашдик.Энди бизни ёш, шўх-шаддод жувонлар ўртага олишди. “Ипак тикиш”, “Ойна кўрсатар”, “Соч сийпатар”, “Қўл ушлатар” каби бир талай удумларни адо этишди. Жўрабоши уларга пул ва рўмолчалар улашиб турди. Аёллар, кам бераяпсизлар, дея талашиб-тортишарди. Мен бу иримларнинг тугашини сабрсизлик билан кутардим. Орадан гўё минг йиллар ўтгандай эди...

Ниҳоят қий-чув тинди, ўтовни тарк этишди. Чимилдиқда ўтирибман, рўпарамда оқ чимматга бурканган келин... Бироқ ўтовда биздан бўлак яна кимдир бордек. Нечундир юрагим шувиллаб кетди: ўша кампир бўлмасин тагин, деган хавотирли ўй кечди хаёлимдан. Назаримда қора шарпаси мени таъқиб этишдан бир зум ҳам тўхтамасди. Айни дамда ўзимни кўлга олишим лозимлигини ҳис этардим, сабр-косам тўлган эди: келиннинг юзидаги чимматни олиб улоқтирдим. Димоғимга гупиллаб ўткир мушки анбар ҳиди урилди. Қора чироқ шуъласи хира бўлишига қарамай “Парим”нинг кўзни камаштиргудек жамолини кўрдим. Илгари охуздай тошдан-тошга сакраб юрган шўх қизчалигида ҳам ниҳоятда гўзал эди. Энди! Рухсорида барқ урган чиройни таърифлашга сўз ҳам, хаёл ҳам ожиз. Порлаган кўзларида инсон онги, тасаввури қамрай олмайдиган хусн-малоҳат, интизорлик ва шодлик, абадий ишқ ва бахтиёрлик зоҳир. Мен унинг оқ билагига момомдан қолган кумуш билагузукни тақдим. У оҳиста оғушимга кирди. Бўйнимдан кучиб, юзимдан сўнгсиз соғинч ва муҳаббат билан ўпдики, азойи баданим жимирлаб кетди. Балки менга шундай туюлгандиру, эркалашлари, меҳр ва ардоғи буткул шаҳвонийликдан ҳоли, гўё қачонлардир, қайлардадир ошиқ-маъшук бўлганмизу узоқ айрилиқдан юрак-бағримиз хун бўлиб минг йиллардан кейин яна топишганмиз. Кўзларидан шашқатор ёш қуйиларди. Мен баҳор ёмғири ювган лола янглиғ тозарган юзидан бўса олардим. Иккимиз ҳам илоҳий бахтдан сархуш эдик. Бора-бора ёввойи, телбавор эҳтирос бизни ўз забтига олди...

Орадан қанча вақт ўтгани номаълум, қаердалигим ҳам... Босинқираётганимни, ёнимдаги зил-замбил гавдани ва хириллаган овозни илғадим. Димоғим кучли бадбўй ҳиддан ёрилар даражада эди. Уйғониб кетдим: чимилдиқ узра қора шарпа чарх урарди. Қўрқиб кетиб, кўзимни катта очдим ва даҳшатдан қичқириб юбордим. Қучоғимда қоқшол кўллари билан менга маҳкам ёпишганча алвасти ётарди. Не кўз билан кўрайки, у ўша “ит ириллатар” иримини бажарган кампир эди! Умримда бунақа жирканч башарани учратмаганман. Ярим-

яланғоч бадани шалвираган, патак сочлари қат-қат бўйни ва бўртилган тарам-тарам чаккасига ёйилган. Қўланса ҳид ғордай оғзидан, мўйи оқарган қўлтиғидан анқир эди. Менинг қичқиримдан уйғониб чағир кўзларини ҳайрат-ла очди-да: “Ҳа, сизга нима бўлди, бегим”, дея хириллади. Ақли ҳушимни йиғиб олгунимча қанча муддат ўтгани менга қоронғу. Ниҳоят юрак ютиб сўрадим: “Сиз?! Ўтовда эдингизми?” “Ҳа, бўлмаса-чи”, деди у менга қаттиқроқ ёпишиб. Мен унинг косовдай билагини бўйнимдан олиб ташлаб ўшқирдим: “Бу ерга нега кирдингиз?” У кўзларини чақчайтирганча менга дашно берди: “Нега бақирасиз, бегим, сизга бир бало бўлдимми? Чимилдиққа кирмай қора ерга кирайинми? Никоҳ кечамиз-ку...”

“Келин қани?”, дея гапини шарт кесдим. Сабрим тугаган эди. У чинакам ҳайратланиб суради: “Яна қандай келин?!”

“Хония!” – дея қичқирдим мен.

“Ҳа менман, шу ердаман. Кўзингизни очиб қаранг, бегим”, дея мен томон интилди. Охири, бу аҳмоқона савол-жавобдан фойда йўқлигини англаб етдим-да, алвастини нари итқитиб ўрнимдан сакраб турдим, чимилдиқни кўтариб ўтов ичига қарадим. Ҳеч зоғ йўқ. Ташқарига чиқиб атрофга разм солдим. Жимжитлик. Хония ҳеч қаерда йўқ. Ўтовга қайтиб кирдим. Ярим кўтарилган чимилдиқ ортида исқирт кампир ҳамон ялпайиб ётарди. Шу аснода саросар тураверсам, ақлдан озишим мумкинлигини фаҳмлаб тезгина кийимларимни эгнимга илдим-да ташқарига чиқиб нариги ўтовга йўл олдим. Укаларим энамнинг атрофида тизилишиб ухлашарди. Отам меҳмонлар билан катта ўтовда. Олдинига жигаргўшаларим ёнига чўзилишни, тонг отгач не синоат юз берганини аниқлашни мўлжалладим. Назаримда бу қандайдир ҳазил ёки англашилмовчилик, тез орада ҳаммаси ойдинлашади, деган ўйдан хотиржам эдим. Шунда орқамдан паст, мунгли чорлашга ўхшаш овоз келгандай туюлди. Ўгирилиб қарадим. Чимилдиқли ўтов остонасида эндигина тоғ айрисидан мўралаган ярим ойнинг сўник ёғдуси ичра оқ либосли келинчақ турарди.

“Хониям!” – қувониб шивирладим мен.

“Ҳа,” – дегандай заифгина сас келди.

Қайтипти-да! Юрагим дукурлаганча у томон чопдим. Лекин... Уч қадамча қолганда ҳафсалам пир бўлиб таққа тўхтадим. Не кўз билан кўрайки, исқирт кампир сўйлоқ тишларини иржайтганча менга таънаомуз бақрайиб турарди.

“Сизга нима бўлди, бегим? Қаёққа кетдингиз, мен кўрқаяпман,” деди у гина аралаш ноз билан. Сўзлари ва беўхшов карашмаси Хониямнинг абадий ғойиб бўлганига ишорадек юрагим орқамга тортиб кетди. Қора шарпа тинмай бошимда ғужгон ўйнади. Ақлу ҳушимни йўқотгандайман, миямда биргина ўй: тонг ёришгунча бу ердан кетиш керак, йўқса ақлдан озишим ҳеч гап эмас, мени асло шу жирканч таъвия билан бирга кўришмасин! У билан бу ерда бир зум ҳам қололмаслигимни ҳис этардим...

Чорак соатлардан сўнг туман марказига элтадиган тош йўлда кетиб борардим. Ортимга бир марта бўлсин қайрилиб қарамадим – оқариб келаётган тонг ҳам қалбимга далда беролмасди. Қора ШАРПА тоғлар узра чарх уриб мени тинмай таъқиб ётарди...

Ўқишни битириб иш фаолиятимни бошлаганимга ҳам анча бўлди. Ҳаёт бамисоли тегирмон чархи, тинимсиз айланаверарди, айланаверарди. У элакдан ўтказмайдиган нарсанинг ўзи йўқ. Ҳатто самовий жисмлар ҳам ўзгаради, вақт уларни тўздирди, рангларни ўнгдиради, садоларни сукунатга айлантиради, борлиқни йўқликка маҳкум этади, янги мавжудлигу моҳиятларни яратади. Мен ҳам шу тахлит ҳаёт тегирмонида тинмай чарх урардим – улкан режалар, орзулару курашлар, ташвишу қувончлар билан андармон бўлиб. Заррадан зар излаб, замину само қатларидан мўъжизалар кашф этиш шавқи билан масрур эдим. Ҳаётим бамисоли пўртана денгизни эслатарди. Гўё мен забт этолмайдиган чўққининг ўзи йўқдек. Аммо ҳамиша, ҳамма ерда ўша қора ШАРПА – азалий ҳамроҳим. У бир умр мени таъқиб этишдан тўхтамайди. Мен эса ҳамон нурларга йўғрилган номаълум оламим сари талпиниб, чимилдикда йўқотган “парим”ни – бахт қушимни излаб-излаб, соғиниб-соғиниб яшайман...

Қачонлардир бошимдан кечган сирли воқеани даҳшатли туш ё шунчаки бўлмагур саргузаштдек хаёлимдан чиқариб юборган эдим. Бироқ инсон бошқа-ю, қисмати бошқа, деганлари рост экан. Ўша никоҳ кечасидаги ҳодисот хотирамдан кўтарилиб мендан нари бўлди-ю, аммо қолдирган асорати йўқолмаган, таъбир жоиз бўлса, тақдири азалимга айланган эди. Мен бир умр хотин зотидан ирганадиган бўлиб қолгандим. Ҳар сафар уларда гўзаллик ўрнига ирқитликни, севги ўрнига нафратни кўрардим. Йигитлик чоғим, чимилдикқа илк қадам қўйганимда йўлиққанам ҳар икки тимсол: соҳибжамол пари ва жирканч алвасти борлигимда мудом ҳозир у нозир. Мен унутсам-да, улар мени унутмасдилар. Йўлимда учраган гўзал жонларга неча бор шайдо бўлиб уйланишга жазм қилсам-да, сўнгги паллада кўз ўнгимни қора шарпа зулмат каби тўсарди...

Орадан кўп йиллар ўтди. Боботоққа қайтиб қадам босмадим. Киндик қоним тўкилган ота маконимни, ичган булоқларимни, бирга ўйнаган жўраларимни, жигаргўшаларимни тарк этиб кетдим. Анча улғайдим шекилли, хаёлот ва ошуфталикларим, олис болалик хотираларим ҳам энди мендан йироқлашди. Илк муҳаббатим, Хония, тўй оқшоми ўтовда юз берган ҳодиса, чеккан изтиробларимга қайтадан дохил бўлишга менда хоҳиш ҳам, бирор сабабу аломат ҳам йўқ эди. Кунларнинг бирида хизмат сафари билан Ҳисорнинг қуйи тизмаси – Қўйтанга боришимга тўғри келди. Ишдан бўш пайтларимда тоғ манзараларини томоша қилишни хуш кўрардим. Болалигимдан бир ривоят чала-чулпа эсимда қолган. Эмишки, қароқчилар бир чўпонни тутиб ўзлари макон қилган ғорга келтиришипти. Қароқчибоши ундан: “Қўйтановда нечта дара бор, – деб сўрабди. – Айтсанг қўйиб юбораман, қўйларинг ҳам ўзинга сийлов. Айтолмасанг бошинг кетади.” Чўпон не деярини билолмай таваққалига: “360-та” деб жавоб қилибди. “Буни қандай исботлайсан”, деганда: “Юринг мен билан, ўзингиз биласиз-қўясиз, қизил тулки айтади”, дебди. Бу гапдан ҳайрон қолган қароқчи: “Қани ўрмонга бошла, гапинг ёлғон бўлса ўлдим деявер,” деб қиличини қўлига олганича уни ҳайдаб йўлга тушибди. Ўрмонга боргач чўпон ўзининг

ва қароқчининг салла чопонини ечиб икки айри тўнкага яхшилаб кийдирибди. “Бу нима қилганинг” деса: “Бош иккита кўринса тулки тилга киради. Сиз тўнка ортига яшириниб гапларини эшитасиз” дебди-да, тулкини буёққа жўнатиш учун тоққа йўл олибди. Орадан бир ош пиширим вақт ўтгач, қип-қизил тулки терисини ёпинганча эмаклаб келибди-да “панг-панг”лаб қичқира бошлабди: “Қўйтановда кўриб эдим 360 дарани, ҳеч кўрганим йўқ эди икки бошли балони!” Қароқчи ўтақаси ёрилиб ура қочибди. Шу-шу буёқларга яқин йўламабди. Мен нечундир кўнглимда ўша тилга кирган тулкини учратиб қоладигандай қизиқсиниб дараларни кезардим.

Бу ерда маҳобатли зовлар ҳам, шарқироқ дарёлар ҳам йўқ, аммо қизил ва кўк тупроқли қирлар, қуюқ чакалақзорлар билан қуршалган дараларнинг адоғи йўқ. Атроф кимсасиз, мени бокира табиатнинг дахлсиз олами сеҳрлаб қўйганди. Қуёш терак бўйи кўтарилгач, заррин нурга чўмилган борлиқ афсонавий рангинлик касб этган. Шуълалар зарангларнинг зангори япроқлари-ю кўм-кўк учқат гулларида аксланиб шудринглардан кўтарилган енгил ҳовурни камалақдек товлантирарди.

Бир пайт шуълалар ва ранглар аро ястанган бўм-бўш даранинг кунгай бетида бир-бирига мингашган пешайвонли уйлар туман пардаси ортидан гира-шира кўрингандек туюлди. Кўзларимни уқалаб яна қарадим. Ҳа чиндан ҳам ғаройиб! Дарада овул бор эди. Ҳовлилар адоғида пастак молхоналар, томорқалар, уларда ишлаётган одамлар, айвонда дўмбира чалиб ўтирган чоллар, ўрмак тўқиётган аёллар, урчуқ йигираётган момолар, эшак минган ўтинчи болалар, улоқ-қўзи боқиб юрган жамалак сочли қизалоқлар, сочи белида тўлғонган, дўмбоққина бўй етган опалари... Аҳён-аҳёнда қишлоқнинг ўртасидаги чанг йўлдан барзанги чавандозлар от миниб ўтиб қолишар, қизлар оппоқ билакларини лўмбиллатиб уларга қарашарди. Йўловчилар: “Нимага қарайсилар, одам кўрганларинг йўқма?” дея ёлғондакам қамчин ўқталишарди. Қизлар нозланиб: “Боринг-э, сизга қараяпмизма?” дея лаб буришарди.

Бу ибтидоий турмуш, осойишу оройишга боқиб эсим оғиб қолди. Негадир исмсиз ҳаяжон, олис ва қадрдон туйғу ич-ичимдан тошиб келарди. Юрагимни ўртаб юборган бу туйғуни таърифлашга сўз йўқ. Мен олис Боботоғда туғилиб ўсганман. Жонажон қишлоғимни, яқинларимни соғинганим рост, аммо ҳозиргидек жонбахш ҳисларни сира бошдан кечирмаганман. Кўрган нарсаларим ақлимни шошириб, вужудимни ларзага солди. Гўё бу замин қачонлардир яшаган жойларим, одамлар эса менинг қадрдонларим. Юрагим узилиб-узилиб, увишиб-увишиб атрофга боқаман, ҳозир ёнларига чопиб бораману улар билан дийдорлашаман. Энам кенг қўйлагининг узун енги билан кўзларини арта-арта келиб мени бағрига босади. Кейин отам, укаларим, жажжи сингилчаларим, аммаю-хोलаларим...

Ажабо! Чиндан ҳам ҳаммаси шу тахлит кечди. Мен қирдан эниб улар билан топишдим. Тўдалашиб мени эски пешайвонли уйимизга олиб боришди. Сингилларим сочпопукларини пириллатиб уйма-уй чопқиллаб “акам келди!” дея ҳаммадан суюнчи олишди. Одамлар келиб мен билан кучоқлашиб кўришдилар. Кўзларидан севинч ёшлари оқар эди. Шунда ақлга сиғмас, қизиқ бир ҳолатнинг шохиди бўлдим: бу қишлоқ, одамлар,

қариндошларим икки томчи сувдек ўхшасалар-да, Боботоғдагидан сал бошқалигини ҳис этиб турардим. Албатта, мен тамоман ўзга макон ва замон, ўзга инсонлар издиҳоми ичра ҳозир эдим. Айни чоғда менга минг қара яқинроқ, аспроқ ва азизроқ! Бошқача айтганда, айнан шулар менинг чин туғишганларимдай эди. Гўё улар билан қачонлардир, Боботоғдан олдин ҳаёт кечирганману кейин тарк этганман. Севинчимни, ҳисларимни таърифлашга сўз йўқ. Улар ҳам чинакамига қувонишар, мени яхши кўришар, берилиб ҳол-аҳвол сўрашар эди. Ҳеч қандай нотабийлик, англашилмовчилик ёки хатолик сезилмасди. Ҳовлида мол сўйилди, қозон осилди. Янгаларим мен яхши кўрадиган юпқа, ғилминди, патирлардан пишириб беришди. Зиёфат авжига минди. Умиримда бу қадар шод ва масрур бўлган эмасдим.

Эртасига ўйнаб ўсган жойларимни кўриш учун кирга йўл олдим. Баландликда қулайроқ ўрнашиб олганча атрофни завқ билан томоша қилдим: номаълум ҳаёт, ғаройиб тафсилотлару манзаралардан иборат кечмишларим худди кинотасмасидай кўз олдимдан ўтарди. Очиғи, бунинг нималигини изоҳлай олмасдим. Наҳотки ҳаммаси Боботоғда кечмаётган бўлса?! Бу қандайин олам, қачон ва қайларда зоҳир: ердами, кўкдами, ўтмишдами, ҳозирми, келажакдами?!

Сайхонликдагилар беихтиёр эътиборимни тортди. Атрофи шох-шабба билан қуршалган ҳаятда гулдўзи қалпоқ кийган думалоқ юзли, қисик кўзли паканароқ бола картошка чопиқ қиларди. Кетмони ўзидан катта бўлса ҳам пуштага чапдастлик билан урарди. Ён томондаги чакамўзорда бир қизча улоқ-қўзи боқарди. Ҳали ўн олтига тўлмаган бўлса-да жуда гўзал, шўх-беғубор, бинафша япроғига кўнган шабнамнинг ўзгинаси. У атрофда чаман бўлиб очилган шортмакларни териб қушбоши ясарди-да, қоп-қора сочларига тақарди, кулиб-кулиб боланинг ёнига борарди. Иккиси беғам-беармон ўйинларига андармон бўлардилар. Шодликларининг, завқ-шавқларининг чек-чегараси йўқ эди. Улардан нарироқда эса бир бўйчан йигит сайр қилиб юрарди. У жуда келишган, эғнида қимматбаҳо кийим, бўйнида тилла занжир, билагида антиқа соат, оёғида оқ кроссовка! Беғубор чеҳрасидан шижоат, тийрак нигоҳларидан орзумандлик ёғилади. Йигит лолазорда кезаркан, нигоҳини сочлари шалоладек дўмбоқ қизчадан узолмас эди. Гоҳида кўкаламга чўзилиб китоб ўқир, қўл телефонидан мусиқа тинглар, гоҳида тўгарак ойначасига тикилиб сочларини тарарди. Кейин ҳаммасидан безор бўлгандек ҳомуза тортарди-да мушакларини шишириб машқ бажаришга киришарди. Қизча билан бола эса унга сира парво қилишмас, ўз ўйинларига берилиб дунёни унутишган эди.

Бу манзара мени янада сеҳрлар оламига ғарқ этгандек, улар ёнига югуриб боргим, армонсиз ўйнагим, қачонлардир бошимдан кечган завқ-шавқларга тўлгим келарди. Назаримда, мен ҳам уларга эврилгандайман. Гўё булар қишлоқ болалари эмас, менман!

* * *

Қанча хаёл сурганимни билмайман. Бир пайт тиниқ осмонда осуда сузиб юрган оқ булутларга адоқдан қора булутлар ҳамла қилгач, бирдан чақмоқ чақди ва момақалди роқ гумбурлади. Ёмғир шаррос куйиб юборди. Мен паналаш учун ён томондаги ка-

марга шошилдим. Унинг ичи мен ўйлаганчалик юза ва ёруғ эмас экан. Бамисли тошдан ясалган улкан ўтов, дейсиз. Оғзи бўсаға янглиғ кун чиқарга очилган, гирди керагадек гир айлана, усти ҳам увуқлар қадалган чанғороққа ўхшайди. Мен тўрроққа ўтдим, чунки ташқари ваҳимали ғурумотга айланган, тинимсиз чақаётган чақмоқ қора булутларни ялт-юлт тилимларди. Гўё эртақларда тасвирланган ер ости қасрида ўтиргандайман... Камарга бир талай улоқ-қўзи тапир-тупир ёпирилиб кириб ёндаги бурчакка тўда бўлди. Ҳаял ўтмай уларнинг эгаси – ҳалиги қизча оқ каштали нимчасини бошига соябон қилганча чопиб кирди. Юзини аниқроқ кўролганим йўқ, ноикина қоматидан, сочига тақилган жамалагидан танидим. Қарийб у билан изма-из, йигит билан бола ҳам келиб камардан жой олишди. Момоқалди роқ тағин кучлироқ гумбурлади...

Назаримда, ҳушимни йўқотгандайман, бир лаҳза кўз олдим қоронғулашиб яна ёришгунича орадан минг йиллар ўтгандек туюлди. Ғор ичи унчалик қоронғу бўлмаса-да, кўзларим фақатгина қизчани илғарди, ўспирин билан бола чиқиб кетишганми, кўринмасди. Ажабо! Қиз ҳам энди тамомила бошқача: анча ёшамол, ҳусндоргина жувонга ўхшайди, лекин ҳамон қизлардек нозик-нихол, ҳаракатлари енгил ва нафосатли. Ундан мушк-анбар аралаш қандайдир таниш хид таралар эди. Шунда...Аллақайдан пайдо бўлган кўршапалакка ўхшаш қора шарпа тепамизда чарх ура кетди. Навбатдаги яшин чақнаб ғор ичини бир лаҳза ёритганда жувоннинг юзини аниқ-тиниқ кўриб, ҳайратдан қичқириб юбораёздим. Ё алҳазар! Бу – ўша алвасти кампир эди! Никоҳ кечамда “парим”дан жудо этиб ҳаётимни ағдар-тўнтар қилган таъвия! Наҳотки ҳаммаси қайтадан такрорланса! Ажабланарлиси шуки, энди у қари ҳам, жирканч ҳам, хунук ҳам эмас, аксинча қора зулфлари тол-тол эшилган, оқ юзли нозанин. Чеҳраси бироз сўлғин, аммо тенгсиз ҳусн-малоҳат излари яққол сезиларди...

У бир сўз демай, қувончдан порлаган кўзларини мендан узмас эди. Мен эса айни мавриди келгани учун ундан ўша тундаги қилиғи боисини, Хонияни қаерга яширганини сўрашни истардим. Бироқ энди менда унга нисбатан нафрат эмас, недир ғамгусорлик туйғуси қарор топган, гўё яна сеҳру жодуси билан ақлу ҳушимни олиб қўйгандай, нафасимни чиқара олмасдим. Охири ўзи сўз қотди:

– Мени танияпсизми?

– Йў-ў... Ҳа, сал-пал. Сиз ўша...

– Йўқ, яна адашдингиз. Мен Хонияман.

– ...

– Ишонмасангиз, мана кўринг. – дея у билагидаги тақинчоқни кўрсатди.

Мен уни дарҳол танидим: илон тасвири туширилган кумуш билагузук! Қачонлар, ким томонидан ишлангани номаълум. Уни менга ҳаётлигида момом берган: “Никоҳ кечаси ёрингнинг билагига тақасан”, деб. Мен унинг васиятини бажарган эдим. Энди эса... Билагузук “алвасти”нинг қўлида! Балки у чинданам...Ҳайратдан тилим калимага келмасди. Наҳотки, мен бир умр йўқотган, излаб-излаб орзулаган хилқат рўпарамда бўлса! Ҳа, у Хония эди.

– Сен? Паривашим!

– Орадан йиллар ўтди, унутгандирсиз... Мен эса унутмадим. Бир лаҳза ҳам сизсиз ўтган куним йўқ.

– Ахир сен... Ўша тунда мен сени йўқотиб қўйдим. Чимилдикда бошқа биров... Сен эса ғойиб бўлдинг.

– Мен ҳеч қачон кетганим йўқ, ёнингизда эдим. Туйқусдан сизга бир бало урди. Мени тарк этдингиз... Бир умрга!

– Ҳалиги қўрқинчли кампир?! Чимилдикдаги...

– Биладан, ҳаммаси ўша қушночининг иши. У тўйи қайтган йигитнинг холаси эди. У сизни сеҳр-жоду қилган. Кўзингизни шамғалат тутди. Қушночлар азалдан шу тахлит жодулаш сирини билишади. Ўша тунда мени ўз қиёфасида сизга кўрсатди. Мақсади – сизни мендан бездириш эди, ниятига етди. Сиз жодуни енгизга куч тополмадингиз. Шу боис, бахтингиздан жудо бўлдингиз.

– “ШАМҒАЛАТ” дегани нима?

– Ола-қоронғуда кўзнинг тутулиши. Тумонат йиғилганда, кучли ҳаяжон чоғи жоду кишининг бутун борлиғини эгаллайди.

– Ҳа, демак шамғалат! Бу жодуни очса бўладими?

– Ҳа, фақат ўша кампирнинг ўзи очади. У эса аллақачон нариги дунёда!

– Сен унга ҳозир ҳам ўхшайсан...

– Ҳа. Сизга шундай кўриняпти, чунки ҳамон жоду таъсиридасиз. Мен Хониянгизман.

– Шу дамгача... Бошқа эр қилмадингми?

– Йўқ. Бир кун қайтиб келишингизни билардим.

– Анави йигит билан бола...

– Уларни танимадингизми? Иккаласи ҳам ўзингиз-ку!

– Уюртмакзордаги қизча? Бу ерга кирган...

– Менман! Хония! Мана олинг. – У уюртмакли қушбошисини менга узатди. Ҳайратдан донг қотиб қолдим: баҳор чоғи Боботоғ даштларига чечаклар ёйилганда армонсиз ўйнаб юрган кезларимизда терган уюртмакларидан худди шундай чиройли қушбоши тизиб менга берарди. Мен чечаклардан гулчамбар ясаб бошига тақардим.

– Наҳотки, сенсан?! Хония!

У бағримга худди осмонда чақнаган яшин шуъласидай учиб кирди-да бўйнимдан қучиб мислсиз соғинч ва эҳтирос-ла ўпа кетди, кўзларидан оқаётган қайноқ ёшлари юзимни куйдирарди. Ғорни мушк-анбар ҳиди

тутиб кетди. Таърифлаб бўлмас, интихосиз, мангу висолдан сармаст эдим. Қайси дам, қай манзилда, самодами, ердами эканимиз номаълум...

Шу аснода қанча вақт ўтганини билолмадим. Балки бир неча лаҳза, балки минг йиллар... Кучли момоқалдиروқ гумбирлашидан ўзимга келдим. Кўзларим ярқ очилиб кетди. Камар ичи бўм-бўш эди! Ҳамроҳларим аллақачон чиқиб кетиштипти, кўзилар ҳам. Камарни тарк этдим. Ёмғир тинган, атроф чароғон, ён бағирлар офтобнинг заррин ёғдуларига чўмилиб минг алвонда товланарди. Момоқалдиروқ эса тоғнинг нарёғида гумбирлаб, бу ерга акс-садоларигина келарди, холос. Дарани пуштиранг туман пардаси қоплаган, ортида қандайдир шаффоф манзил элас-элас кўзга чалинарди...

* * *

Тонгга яқин кон қидирувчи ҳикоясини тугатди. Туни билан мижжа қоқмай унинг ғаройиб саргузаштларини тингладим, бироқ минг афсуски, давомини била олмадим. Тўғрироғи, ниҳоясига келганда мени қаттиқ уйку босди...

У сахар туриб ишига кетган экан. Мен ҳам шу кунни шошилич шаҳарга қайтишимга туғри келди. Яна кўришмадик. Орадан жуда кўп йиллар ўтди. Балки у ҳамон ҳаётдир, Боботоққа қайтиб узоқ айрилиқдан кейин Хониясини учратгандир, яқинлари билан дийдор кўришгандир. Яна... Қўйтанда кўрганлари! Очиғи, мени бу инсоннинг бошидан аслида не сиру-синоатлар кечгани, буларнинг бариси борлиқнинг қай замон ва маконида, қай йўсинларига кўра содир бўлгани кўпроқ қизиқтирарди. Нечундир уларни уйдирма, “шамғалат” ёки хаёлий нарсалар дейишга ишончим комил эмасди. Балки ғойиб оламлар чиндан-да мавжуддир, сирли воқеликлар бизнинг англаш доирамиздан ташқарида кечиб, биздагидан-да реалроқ бўлса-чи, деган ўй хаёлимда тинмай айланарди. Бундан ташқари муҳандиснинг ҳикоясидаги ғайри-табиий ҳодисотлар ичра унинг ўзи, ажиб севги қиссаси янада сирлироқ ва ғаройиброқ эди...

ХАПАМАТ

Ранг-баранг майда мунчоқлардан ўтовнинг кўр ва тизмаларига ўхшаш гул ва нақшлар солиб тўқилган каштали тақинчоқ ХАПАМАТ деб аталарди. Қасаба, сетира, латиба, балдоқ каби ўзбек аёлларининг қадимий безакларидан бири. Жанубий вилоятларда яшовчи қўнғирот момолари уни ҳали-ҳамон селпиллатиб кўкракларига тақиб юришади. Лекин мен “хапамат” атамаси ўтмишдаги суғдийлар маъбудаси Онахитага уйқаш бўлгани учунми, айнан унинг кўксини безаб тургандек тасаввур этардим. Ана, қадим Мароканда! Суғдийнанинг гуллаган ёғлари, узумзорлари, олмаю анорлари ғарқ пишган ҳосилдор замини узра саховат илоҳасининг порлоқ чехраси, бўйнида тилларанг шокилани хапамат живир-живир мавжланиб турибди!

Бу антиқа тақинчоқнинг алоҳида хосияти борлигини билмадим-у, аммо уни таққан аёллар чехрасига ўзгача фаришталилик, зийнат ва тамкинлик бахш этар-

ди. Бола эмизаётган чоғда ёш онанинг оппоқ кўксини хапамат ярим тўсиб турар, гўдаги жажжи қўлчалари билан шокилаларини силкитиб ўйнаганда ажиб манзара зоҳир бўларди. Унинг ғаройиб нусхасини илк бор энамда кўрган эдим. Илгарилари мен туғилиб ўсган тоғли овулларда анча урф бўлган, янгаларим рангдор сувмунчоқлардан турли хилларини тўқишар эди. Эски хапамат ҳам уларга ўхшарди-ю, аммо зеҳн солиб қаралса осмон билан ерча фарқи борлигини пайқаш қийин эмасди. Мунчоқларининг ранги у қадар ёрқин эмас, балки унда олмос, аметист, феруза, Бадахшон лаълиси йўқдир, айни чоғда, улардан-да ноёброқ тошлардан тизилгандек ғоятда жозибадор. Энг қизиғи, алмисоқдан қолганига қарамай нафис иплари хануз пишиқ, бирор чоки ҳам ситилмаган.

Албатта, фетишийлик – нарсаларга топиниш зардуштийликдан ҳам олдин яралган илк эътиқодлардан.

Қадимда кишилар осмон ёритқичларига, рангдор тошларга ва бошқа ноёб буюмларга сиғинишган. Қоҳинлар улар ёрдамида фол очиб турли маросимлар ўтказишган, ҳатто одамларни қурбонлик қилишган. Тангридан ёмғир, ризқ-рўз тилаш, дарддан фориг бўлиш, бало-қазоларни даф этиш воситаси саналган. Бу каби ирим-сиримларнинг айримлари, буюмларни муқаддаслаштириш, тувдона, тумор, кўзмунчоқ тақиш одатлари ҳозир ҳам сақланиб қолган. Менга келсак, уларда ҳеч қандай илоҳийлик кўрмасдим. Хапамат ҳақидаги хотираларимнинг ҳам фетишийликка сира алоқаси йўқ, фақат доимо онгимда неларнидир акслантиргандек туюларди, холос. Болалигимда анчагина хаёлчан, мутаассир бўлганимданми, ҳар сафар энамнинг бўйнидаги зарҳал хапаматга қарасам қандайдир жимирлаган тўлқинни ҳис этардим. Гўёки сирли оламларни, кечмишларни кўраётгандек жимжимадор нақшларига узоқ тикилиб қолардим. Кўҳна битикларга ўхшаш кашталари, рангдор шокилалари неларнидир сўйлаб ғаройиб манзараларни намоён этаётгандек: маҳобатли тоғлар, совут кийган жангчилар, даралар ичра базм қурган деву парилар...

* * *

Бир неча йил бурун тарихий ёдномалардан бирида македониялик Александрнинг Осиёга юришлари ва сирли вафоти ҳақидаги қизиқарли тафсилотларга нигоҳим тушди. Китобда айна ўлимнинг бир талай изоҳлари, тахминий сабаблари баён этилган: безгакка чалиниш, форсийлар ёки ўз хотини Равшанак суиқасди, Ватанга қайтишни истаган саркардалар фитнаси, Говгамилла жангида ҳаётини сақлаб қолган иниси Клитни ўлдирганидан норози аъёнлар қасоси, саройда уюштирилган базмда ҳаддан зиёд кўп шароб ичиб бўкиб ўлгани ва ҳоказо...

Қизиғи шундаки, тарихчининг ўзи айна тахминларнинг қайсиси рост, қайсиси ёлғон эканини аниқ кўрсатмаган. Искандар Зулқарнайн ўлимида буткул номаълум сабаб ҳам мавжудлигини ва айнан шуниси ҳақиқат бўлиши мумкинлигини қайд этган. Хусусан, Страбон, Клитарх ва бошқа тарихчиларнинг тасвирларидан аёнки, у Ҳиндистон юришидан қайтгач, Бобилдаги шаробхўрлик базмидан сўнг роппа-роса 10 кун ўтгач вафот этган. Шуниси бор, сафарда у билан бирга бўлган, безгакка чалинган жангчиларидан бирортаси Бобилга етиб келмаган, у эса соппа-соғ бўлган. Форсийлар эса Доро III нинг қотили, Суғд ҳокими Бесни ўлдиргани учун Александрдан миннатдор эдилар. Клитнинг дўстлари, ватанга қайтишни истаган лашкарбошилар (Аминта, Кайнос ва бошқалар) Марокандада олдиларини тўсмаган, мўл-кўл ўлжалар тортиқ қилгани боис жаҳонгирга садоқат билдиришган. Хотини Равшанак эрига шу қадар вафодор эдики, унинг вафотидан сўнг ҳам Суғдиёнага қайтмаган, Пеллага кетиб ўша ёқларда руҳини ёдлаб ўтган. Шаробдан заҳарланиб ёки бўкиб ўлганлиги тўғрисидаги тахминлар ҳам ҳақиқатдан йироқлиги аён эди. Негаки, базмдан кейин роппа-роса 10 кун яшаган, табиблар унинг касалини аниқлай олишмаган. Алапхусус, ер юзининг ярмини зир титратган ёш жаҳонгир ўлимнинг асл сабаби орадан қарийб икки ярим минг йил ўтса ҳамки, пинҳонлигича қолган.

Очиғи, аввалига тарих қатларида бу каби мубҳамликлар кўплиги боис Искандар Зулқарнайннинг қазоси сирлари хаёлимни у қадар банд этмаганди. Тасвирламоқчи бўлганим хапаматга ҳам алоқаси йўқдек эди. Бироқ кейинчалик негадир бевақт ўлимнинг асл сабаби нима эканлиги миямдан нари кетмай қолди. Бу кечмишда мени тамоман бошқа жумбоқли ҳолатлар қизиқтириб қўйганди. Масалан, навқирон жаҳонгир нима учун Бобил, Мароканда, Усрушонада гўзал маликалардан бирортасига кўнгил кўймасдан баланд тоғлар орасидаги саклар бошлиғи Оқсартнинг 16 ёшли қизи Равшанакни ёр қилган? Уни бу қадар ақлдан оздирган қандайн хилқат эди у? Ва ниҳоят, нима сабабдан туғмас бўлган у? Назаримда булар замирида қандайдир афсун, пинҳоний боғлиқлик бордек эди. Гўёки ўша кўҳна тақинчоқ – ХАПАМАТнинг сирли мунчоқлари каби!

У асли амирлик замонида бобокалоним Шермерган олис тоғлар ордидан олиб келган Парихотунга тегишли бўлган. Узун бўйли, чўзинчоқ юзли, кўзлари порлаб тургучи тоғ кийигидай ўйноқлаган келиннинг асл исмини билмаганлари ё бошқа аёлларга ўхшамаган паривашлиги учунми шундай номлашган. Зеро элда у яшаган мовий қирлар ортида ростакан парилар ҳали ҳам бор деган узун-қулоқ гаплар юрарди.

Болалигимизда парилар ҳақида эртагу дostonлар ўқиб, таъриф-тавсифлари, сеҳр-жодуларидан роса ҳайратланганмиз. Бироқ нечук жонзотлиги, маконлари қайдалигини рўй-рост тасаввур этмасдик. Кўҳи-қоф, Боғи-эрам, Гўрўғли қирган девлар, Юнус-Мисқол парилар ким эди, буни ҳам билмасдик. Катталар ҳам: “Э, нимасини сўрайсизлар, ҳаммаси ўтирик,” деб кўя қолишган. Ғаройиб жиҳати шуки, дostonларда эмас, ҳаётда, одамтопмас манзилларда кўним топган париларни кўрган-билганлар уларни афсонавий эмас, гўёки ҳар ким сўзлашса, ушлаб кўрса бўладиган зоҳирий тарзда ишонарли таърифлашган. Фақат айнан қаердаликлари тўғрисида яқдил фикр йўқ эди. Бир хиллар Сангардак, Қизилнаҳр, Кенгтола (Сурхондарёга қарашли) даралари оралиғида, деса, бошқа бировлар Ҳисорнинг Помирга чегарадош Аспидухтар, Искандаркўл, Шотруд деган қишлоқлари атрофида, дея ўқдиришган. Ўша жойларда яшовчи тоғчилар билан азалдан мулоқот қилиб келган, сеҳр-жодуларини билладиган охун (қоҳин)лари бормиш, дуо ўқиб хизматларига ҳозир нозир қилармиш, деган эртакнамо гаплар ҳам йўқ эмасди.

Тоғчилар қатағонлар, кийикчилар каби асли қадимий сакларнинг авлоди бўлиб ота-боболари суғд тилида сўзлашишган, вақт ўтиши билан турклашганлар. Катта ўрадаги кўнгирот-ўзбеклар билан азалдан борди-келди қилиб кўпқари чопишган, ошна-билиш, қуда-андачилиги бор, синашта одамлар. Илгарилари Вори, Қизилтом, Зармасдан тўйлаб келишганда уйимизга қўшхонага тушган бўйдор, ўрқачбурун, чағир кўзли чапдаст чавандозларини кўрганмиз. Саман полвон Зармасдаги курашда отам билан олишиб йиқилган экан, шуни эслашди. Нашир дегани калта бўйли, ғўлабирдан келган қорабаранг чавандоз, Ёнғоқлининг Бўзадиридаги катта кўпқарида бош зотни айирган. Ўшанда кўнгиротларнинг четқирлари сурдовлашиб қамаб қувишди. Қарангўллик Менглибой Эшмат:

“Кўйма уккағар тоғчини!” дея маланг берса ҳам фойдаси бўлмади – Нашир қора қашқа отда ҳаворни икки марта айланиб охири улоқни яккалади. Баковул: “Яша, ҳалолнинг бўлсин!” дея уни олқишлаб, зотга кўйилган жийрон тойни етаклатди.

Бошқа сафар Қизилтомга ўзимиз тўйлаб бордик. Уларнинг тирикчилик тарзлари бизга ўхшасада, фарқли томонлари ҳам бор эди. Жин кўчалар аро тифиз қурилган синчқори уйлари, гугурт қутиларидек болаҳоналари, айвонлар ровига ўрнатилган сернақш устунлари, ўймакор эшикларини кўриб анграйиб қолганман. Мол-ҳоли кам, кўпроқ овчилик, деҳқончилик, хунарманчилик билан тирикчилик қилишаркан. Одамлари анча омилкор, ғайратли, бироз жиззаки, сергап, аммо бачканароқ. Хотин-қизларини айтарли чиройли деб бўлмасди. Юзлари у қадар тўлин ва тиниқ эмас, рафторларида недир номутаносиблик яққол сезилсада хийла жозибали кўринишарди. Гап фақат ноз-карашма, пардоз-андозда эмас, балки чиндан сал афсунгарликлари борлигида эди. Биз кўшхонага тушган уйнинг 14 ёшли чағалай кўзли нозик-ниҳол қизчаси бир зумда мени ўзига шайдо қилган. Тоғ каклигидай дуркунлиги, чопқиллаб кетаётиб тўхтаб қия қарашлари, тезда ғойиб бўлиб яна тўсатдан ёнимда пайдо бўлишлари ҳамон ёдимда. Бироқ кўпқарига роса ишқибоз ўспиринлигимдан ошиқлигимни эртасигаёқ унутганман.

Тераклилик Шоди билан кўкбулоқлик Ибройим чавандозлар авжи улоқ чошиб донг таратган кезлар эди. Қизилтомнинг Новқот деган жойида чопилган катта кўпқарида совринларнинг кўпини шулар олишди. Тоғчилар қий-чув кўтариб қанча сурдовлашмасин, кўлларида ҳеч нарса келмади. Эртаси куни роса жанжал кўтарилди. Шоди билан Ибройимга ташланишди. Иккови бошларида визиллаётган қамчинларга дош беролмай охири кўпқарини ташлаб қочишди. Ортларидан Хонимқашқагача қувиб бордилар. Жанжалнинг сабабини турлича шарҳлашар эди. Бир хиллар кўнғиротларнинг машҳур чавандозлари ўктамлик қилиб уларни зотлардан куруқ қолдиргани учун, дейишса, бошқаси: “Бунинг тагида бир гап бор. Шоди билан Ибройим кечаси кўшхонада жононлари билан роса айш қилган, тоғчилар шунга орияти келиб ур-сур қилишяпти. Ҳаммасига Нашир билан Саъдулла буйруқ берган,” деб тушунтиришарди. Яна: “Қизилтомлик бойваччалар отларини чоптириш илинжида ўзлари “пари” қизларини полвонларнинг кўйнига солган, энди енгилганлари учун жириллашяпти”, дегувчилар ҳам йўқ эмасди...

Бурунги замонлардан қолган ҳикоялар булардан да қизиқроқ. Нақл қилишларича, бобокалоним Шермерганнинг уч хислати бор экан: Бири – машҳур ёғочийўнар усталиги, иккинчиси – осмонда учиб кетаётган қирғийнинг кўзидан урадиган мерганлиги. Бу хунарлар қонида бўлган. Ривоят шулки, кўнғиротларнинг бош бобоси Журлук мерган бир куни иниси Қобой Широдан аччиқланиб унга томон ўқ узади ва қулоғидаги ҳалқадан ўтказиб юборади, лекин ўзига қилнинг учича ҳам зиён етказмайди...

Шермерганнинг охириги хислати – валийлиги бўлган. Бир сафар бутун амирликда донг таратган Яшин лақабли улоқчи отини бойловдан ўғирлаб кетишади. Қанчалик излашмасин олис-яқин ерлардан дараги

чиқмайди. Орадан олти ойча ўтганда унинг қаердалиги ўзига аён бўлган. Биринчдан ясалган камонини елкасига осиб кунчиқар томон йўл олган. Уёқдан эса... Тулпори қанжигасига бир пари қизни мингаштириб қайтиб келган. Табиатан камгаплигиданми ё бошқа сири борми, ҳар қалай бошидан кечганларни батафсил айтмаган. “Шермерган ўша томонларда парига зарангдан ковуш йўниб берибди, хунарига қойил қолган соҳибжамол отига мингашиб келибди”, деган гапсўзлар қолган, холос.

Само бағридаги тоғлар гоҳо кишини сеҳрлаб кўяди. Кўз ўнгингизда номаълум оламлар, ўтмиш манзаралари жонланади, гўёки туш кўраётгандексиз. Шунга ўхшаш ҳолатни какликлар армонсиз сайрашган Ке-рагатов юзида Шермерган икки аср бурун йўнган ёғоч новларга тикилиб ўй сураётган чоғимда бошдан кечирганман. Гўёки кимсасиз тоғда ғаройиб оламлару, уларда қайнаётган ҳаётни кўрардим. Энг қизиғи, буларнинг бари менга танишдай, олдин қаердадир кўргандайман. Ҳа, эсладим: қадимий хапаматда! Ҳозир яна ундаги ғаройиб манзаралар, живир-живир мавжланган рангбаранг мунчоқлар, нақшлар аро пинҳоний олам ва кечмишлар худди ойнада акс этаётгандек эди. Аввалига сокин туманли борлиқда аллақандай кўланкалар, олисларда эса овулга ўхшаш манзиллар, болаҳонали уйлар, шаршаралар, ҳашаматли айвонлар, оқ либосли париваш аёллар кўзга элас-элас чалингандек... Бироз вақт ўтиб ҳаммаси аниқ-тиниқ кўрина бошлади. Ана, зовлар орасидан оёқларига чориқ кийган қил чакмонли йигитлар – елкасига камон осган алп қоматли Шермерган, йўл бошлаб бораётган катарлик ошнаси! Сирли хапамат уларнинг саргузаштлари, парилар ва бошқаларни рўй-рост ва батафсил тасвирлар эди...

Улар узоқ йўл тортишди, Ҳазрати Султон қадам жойини зиёрат қилгач, атрофга назар солишди. Олисда қалин арчазор орасидаги ҳавордан қуюқ чанг кўтариларди. Йўловчилар халталаридаги талқондан еб, булоқ сувидан ичиб бир оз тин олгач, мўлжал олиб яна йўлга тушдилар. Пешин чоғи Искандаркўлнинг ҳаворидида чопилаётган катта кўпқарининг устидан чиқишди. Шермерган ёйини чакмони ичига яшириб газадан туриб тўдага разм солди. Кўзлари қирғийнинг кўзидай ўткир эмасми, минг отли сурдовнинг ичида зар кокиллари ярқираб, у ёқдан бу ёққа ағдарилиб улоқ айираётган Яшинни дарров таниди.

– Кўпқари тарқалишини кутамиз, – деди ҳамроҳига. – Кўзингни айирма, от кимда, қайси кўшхонага боради, шуни кузат.

– Ошнам, мени десанг, отинг Ғазнаволик Оропинг қўлида.

– Оропинг ким?

– Тоғчилар бошлиғи, охун ҳам дейишади.

– Менинг Яшинимни ҳам афсун билан ўғирлаган дерсан.

– Киноя қилма. Бойловда Яшиннинг пўлат кишани ўз-ўзидан ечилган, дейсанми?

Катари адашмаган эди. Улоқ тарқаб, баковул: “Хуш кўрдик!” дегач, Яшиннинг жиловини Оропинг кўшхонасига буришди. Қундуз ёқали оқ босма чакмон кийган сур телпакли бурни ўроқдай киши отнинг бўйнига

шаппатилаб урганча, мақтаб кўйди. Яшин эса бошини тўлғаганча ҳавони ҳидлаб кишнард эди. Давангир йигитлардан бири устига ғожари дигилни солиб устидан тароқи хуржунни ташладида, абжирлик билан белига минди. Йўлга тушдилар. Яшин бугун зотларнинг тенг ярмини айирган бўлса-да, чарчоқ нималигини билмай ўйноқлаганча ҳавони ҳидлаб ирғишлаб борарди. Шермерган билан катари арча шохларини паналаб қорама-қора изларидан тушдилар. Уч-тўрт чақирим йўл босишгач отлиқлар икки ёққа айрилишди. Ороп бошчилигидаги катта тўда унга, кенг дарада айқириб оқаётган дарёнинг кунгай бетидаги қишлоққа қараб равона бўлишди. Яшинни минган қизилкўз барзанги эса бешолти нафар ҳамроҳи қуршовида сўл томондаги куюк чангалзор билан қопланган зовлар томон от солишди. Ороп уларга қамчин ўқталиб кўрсатмалар берарди.

Шермерган ошнасига юзланди. У “жим,” дегандай бармоғини лабига босиб пичирлади:

– Отнинг оёғига кишан солинглар, деяпти. Яна аллақандай сим қопларни оғизга олаяпти.

– Бу нимаси яна ?

– Қузғун Ороп исингни олганми, деб кўрқаман.

– Йўғ-э, нафасингни иссиқ қил. Бу ёғини гапир, энди нима қиламиз ?

– Энди гап Қилқоядан эсон-омон тушишда. Хотиржам бўл, бунинг уддасидан чиқамиз, – деди катари ҳид олган тозидай уёқ-буёққа алангларкан.

Шермерган эса қулоғини қайчи қилганча Қилқоядан ҳақкалаб-ҳақкалаб энаётган тулпоридан кўз узмас эди. Бироқ тезда чакалакзор орасида кўздан ғойиб бўлишди. Улар ҳам лабиринтга ўхшаш айлана тик қатовлардан амал- тақал эниб зарангларнинг синган шохлари ва тўкилган учқат баргларида нишона олиб бораверишди. Отлиқлар тезоқар дарёни кечиб ўтишгач йўлни чап солиб кунчиқарга бурилишди. Улар борган жой чинакам Боғи Эрам – осмоннинг парчаси кўринадиган тоғ ўнгири, ботаётган офтобнинг қон тусли шафағи урган баланд зовлар билан қуршалган ям-яшил сайхонлик, гуллар, кумрилару булбулларнинг чах-чахи, нақшинкор айвонли сўрилар, атрофда сайр этиб юрган, шаршараларда чўмилаётган парилар... Ҳаммаси эртакка ўхшар эди !

Давангирлар зовнинг адоғидаги камарга етиб тўхташди. Яшинни ўртадаги гулмихга боғлаб оёғига кишан уришди. Белини бўшатиб калта қантариб кўйдилар. Шундан сўнг бир тўда қизларга отга қарашни буюриб айвонлар томон йўл олишди. У ерда уларни бошқа парилар қаршилаб, ювиб-тараб шоҳи кўрпачалар тўшалган сўриларга олиб бордилар. Қизилкўз барзангилар шу тахлит паркув болишларга ёнбошлаб қизлар узатган гулобу шароблардан ичиб хордиқ чиқаришга киришдилар. Бошқа сўриларда ҳам базм , кўшиқ, мусиқа , рақс, кайфу сафо авжида эди.

Яшинни сайс қизлар парваришларди. Бироз вақт ўтгач сувлиғини чиқариб айил-пуштанини ечишди. Эгар-жабдуғини олиб яланғочладилар, баданидаги тер ва чангни обдон артишгач, устига қалин жулни ёпиб, бахмал беллик устидан тўшайилини тортишди. Тошдан йўнилган баланд охурига кўм-кўк беда ва олқорўтлардан солишди. От бедани қасир-қусир чайнаркан, ҳамон уёқ-буёққа ирғишлаб, ҳавони ҳидлаб пишқарар эди.

– У сенинг ҳидингни олди – дея ошнасини туртди катари.

– Ҳа, сезганга ўхшайди, лекин анавилар билмаса бўлгани.

Улар қоя орқасидан барисини кузатиб туришарди.

– Бу қандай жой, нечук жонзотлар, сен биласанми? – сўради ҳайрати ошган Шермерган.

Катари шоп мўйловларини силаганча ўйга толди, сўнгра ҳардамхаёл сўзланди:

– Буларни Сулаймон пайғамбар давридан қолган дейишади. Тоғларнинг энг овлоқ гўшаларини макон қилишган. Биров кўради, биров кўрмайди. Сеҳр-жоду билан эркакларни ром этиб, кайфу сафо қилишади, лекин бола туғишмайди. Гўзалликда уларга тенг келадиган аёл уруғи ер юзида йўқ эмиш. Бир ёмон томони, улар билан яқинлик қилган одам бедаво дардга чалиниб вақти соати етгач тайин ўлар экан. Бу сирни қадимий саклар билишган, охунлари афсун билан ёғийларни ўзларига оғдириб, париларнинг кўйнига солиб, шу тариқа даф қилишган. Бу гапларни афсона дегувчилар ҳам бор. Яна бир хиллар: булар хур ҳам, пари ҳам эмас, тоғчиларнинг “уффори” деган кўҳна жамоасидан, дуо билан пари қиёфасига солинган қизлар, қонлари эскирганидан рангсиз, пуштсиз туғилишади, баданлари ўта нозик, қувватга ташналигидан ҳирслари баланд, кучли эркакларга зулуқдек ёпишармиш, ҳатто қон сўрувчилари ҳам бўлади, дейишади. Яна ким билсин, ўзим ҳам биринчи бор кўриб туришим.

– Анави қизилкўз давангирлар ким?

– Эркакларни бўлса керак. Уларга касаллари доримас эмиш. Эҳ, қани энди мен ҳам шу кеча улар билан би-ир айш қилсам, ўлсам армоним йўқ эди, ошна.

– Э, ҳозиргина ўзинг таърифладинг-ку. Нима, ажалингдан бурун...

– Мени ёмон домларига тортишяпти, оппоқ сийналаридан кучгим келяпти, ошна.

– Э, валдирама! Сен отни қандай опқочишни ўйла, – дея танбеҳ берди Шермерган кўзлари аланг-жаланг ўйнаётган ошнасига. Катари гапни бошқа ёққа бурди:

– Яшиннинг оёғидаги кишан залворлига ўхшайди.

– Бундан ташвиш қилма, қулфни кўз очиб юмгунча кесаман. – Шермерган кўйнидаги пўлат кескирга ишора қилди.

– Ороп ҳам анойи эмас. У сим қопларми-ей, бир балолар деётганди. Яна анави “девлар”...

– Уларни ўзим саранжомлайман, фақат кўзим илинса, саҳар пайти уйғотсанг бас. Тағин Худо уриб париларга дохиллашиб қолма.

– Йўғ-э, ўлибманми.

– Айтдим-кўйдим-да.

Улар халтачаларидаги талқонни капалаганча тамадди қилишди. Ухлаб қолмаслик учун катари ханжари дастасини, Шермерган ёй-ўқини пешоналарига тираганча ўтираверишди. Саҳарга яқин Яшин гулдираб кишнади. Шермерганнинг кўзи ярқ этиб очилди. Ёнида катари йўқ! Тонг юлдузи шуъласида кўрдик, ошнаси яқинроқдаги сўрида – тўрт нафар парининг кучоғида ётибди. Ундан умидини узиб дов-дарахтларни паналаб камарга томон юрди. Атроф зим-зиё сукунат, гўёки зоғ йўқдай. Орқа тарафдан отга яқинлашди. Яшин уни сезиб енгилгина ихраб кўйди. У кўйнидан пўлат кескирни чиқариб отнинг олд оёқларига энгашган эди

хамки, тўсатдан “шарт” этган товушни эшитиб бошини илкис кўтарди, ва... Ўзини йўғон симлардан тўқилган тўр қоп ичида кўрди. Атрофида эса ҳалиги қизилкўз барзангилар сўйлоқ тишларини иржайтиб туришибди. Ётган жойидан катарини ҳам турғазиб келишди-да, икковини оёқ-қўлларини занжирбанд қилиб кўзларини боғлаганча камар ичкарасига ҳайдаб жўнашди. Зулмат ғор ичра қанча юрганлари номаълум, ниҳоят бир ўйиқдан чиқариб кўзларидан боғичларини ечишди. Тонг ёришгач, этакда қадимий Ғазнавонинг қораси яққол кўринди. Кунгай бетда бир-бирига мингашган синчқори уйларнинг сон-саноғи йўқ. Уларни жин кўчалар оралатиб ўртадаги баланд пешайвонли уй олдиға келтиришди. Пода ҳайдаб юрган чағир кўзли болалар, ҳовли супураётган оқ чорси ёпинган сувилондай хотинлар уларни томоша қилишарди. Улкан ўймакор дарвозадан ичкарига олиб киришди. Баланд ҳашаматли айвонда қават-қават шоҳи кўрпачалар устида ястанган ўрқачбурун, кўзлари илоннинг кўзидай чақчайган ўрта ёшли киши қаддини кўтариб тутқунларга гап қотди:

– Ҳа мерган, кепсан-да. Буёқларда итинг адашдимиди-а?

– Итим эмас, отим, – дея жавоб қилди Шермерган заррача тап тортмай.

– Бир тойни деб шунча йўл босиб ҳалак бўпсан-да. Ана уюримдан хоҳлаганингни олиб кетавер.

– Уюрингдаги беҳисоб чўбирларинг Яшиннинг бир қилига арзиганида уни ўғирлаб келармидинг, Ороп?

Қатағонлар охуни сукут сақлади. Ҳақиқат баъзан ҳар қандай ғаддорни ҳам гунг қилиб қўяди деганларича бор.

– Ўтган ишга салават, – ниҳоят тилга кирди у, – Ўзинг кўрдинг, отинг соғ-саломат, ардоқда, айқириб улоқ чопаяпти. Сенинг кўнғиротларинг кўпкарини ғирром чопади. Сенга уюримдаги энг сара Дўнанни бераман, галадан ўзинг танлайсан.

Шермерган лом-мим демади. У ҳамон доғда қолгани, ошнаси париларга илакишиб панд берганидан алами зиёда эди.

– Отни бер! – деди Оропга қаттиқ тикилиб, – Яшин сендай жодугар тулкига ҳайф, уни мендай лочин минади.

– Мақтанма, гов кўнғирот! Ҳали меҳмоним бўласан, кўҳна урфимизни адо этаман.

Ороп болахона томонга ияк қоққан эди, у ердан икки нозанин чиқиб айвон панжарасига суянганча уларга кўриниш бердилар. Каштали ок кўйлак кийган, узун бўйли, қирмизи сочлари нозик белига чулғанган соҳибжамол қиз тим қора кўзларини сузиб унга қаради. Бўйнига таққан, қўш каптардай кўкка талпинган кўкракларига шалопадай эниб турган хапамати тоғдан ярқираб чиққан қуёшнинг заррин шуъласида живир-живир товланар эди. Шермерган унга анг-танг бўлиб тикилиб қолди.

– Мерган, – дея унга юзланди Ороп. – Эшитганман, унча – мунча қизларни назаринга илмай, уйланмай юрибсан. Айвонда турган оқ кўйлаклиси ёлғиз қизим. Ёнидаги канизи ҳуснда ундан қолишмайди. Шу қизни сенга бераман. Дўнаннинг қанжигасига кўндириб ол-да кет. Яшин унинг қалини бўлсин.

Чиндан Ороп кўрсатган қизнинг ҳусндан ками йўқ эди. Аммо Шермергандан тағин ун чиқмади. У ҳамон хапамат таққан оқ кўйлакли соҳибжамолга маҳлиё тикилиб турарди. Қиз ҳам чўғдай нигоҳини ундан узолмас эди.

– Сендан сўраяпман, розимисан? – деди Ороп.

– Йўқ – деди Шермерган ҳушини йиғиб олиб. – Яшин қалинга берилмайди. Кўнғиротлар ҳеч қачон отни хотинга алишмаган.

– Энди ўзингдан кўр. Олиб бориб қамаб қўйинглар. Кунжара ва сувдан бўлак овқат берманглар, – буюрди Ороп.

Уларни ҳовли адоғидаги ўрадай қоп-қоронғу кулбага қамаб орқасидан тўнкадан йўнилган эшикни тан-балашди. Орадан уч кун ўтгач чақиртириб яна сўроққа тутди:

– Қани мерган, ўйлаб бўлдингма? – Тутқундан садо чиқмагач, давом этди. – Бўлмаса эшит, биринчи шартимга кўнсанг қизни сепи билан отинга миндираман. Элинг эсон-омон бор. Агар кўнмасанг ота-боболаримиздан қолган удумни адо этаман. Ўзинг кўрган жойдаги парилар маликаси билан бир кеча ишрат қиласан. Сўнгра тўрт томонинг қибла, паймонанг тўлиб ўласан. Жавобингни айтишинг учун сенга ўн кун муҳлат бераман. Олиб боринглар.

Уларни яна ертўлага қамаб қўйишди. Катари парилар билан тунаган оқшомдан бери ўзини мажолсиз сезарди. Ранги заҳил тортиб кун сайин сўлиб борар, ора-сира иситмалаб тишларини такиллатганча қилмишидан афсусланиб нола қиларди:

– Биринчи шартга рози бўл, ошнам. Мен ҳам бола-чақамни кўриб ўлайин. Аҳволим оғир, одам бўлмайман шекилли. Бу дарднинг муддати йўқ, эртамикечи олиб кетади.

Шермерган не деярини билмай унга ҳайрону лол боқарди. Муҳлат битишига бир кун қолганда катари тиришиб жон таслим қилди. Барзангилар уни елкаларига кўтариб олиб чиқиб кетдилар. Шермерган дўстининг жасадини қаерга дафн этишганини билмаса-да, руҳига қуръон тиловат қилди.

Эртаси куни уни Оропнинг ҳузурига олиб боришди.

– Сўнги қарорингни айт, мерган, – деди тоқчилар бошлиғи унга қаҳр билан тикилиб. – Ана, парилар билан айш қилган катари ошнангни ҳолини кўрдинг.

Шермерган олисда кўринган Гўбалайнинг оқ қорли чўққиларига боқди, аммо тоғлар сас бермади. Сўнгра айвонда солланиб турган сарвиноз қизларга қаради. Хапаматли қиз унга ним табассум қилди-да, икки бармоғини хиёл кўтариб сўнгра ғунчадек лабига босди. Шермерган бу ишорада не сир борлигини билмаса-да қизнинг кўзларига синовчан тикилиб туриб таваккал жавоб қилди:

– Иккинчисини танлайман.

Тоғчилар бир гувлаб тинишди. Ороп бошини ғолибона кўтарди:

– Қисматингни ўзинг белгиладинг, мерган. Энди мендан гина қилма. Азалий удумимизни адо этаман. Парилар билан кайфу сафо қил, армонинг қолмасин. Омин!

Тумонат тоғчилар гувлашиб “омин”, дея тақорролашди. Оропнинг оқ кўйлакли эрка қизи далда бермоқчидек қўлидаги шоҳи рўмолчасини у томон силки-тиб, мийиғида кулиб қўйди...

Оқшом чўкиб тоғларни шом қоронғуси қоплагач уни ертуладан олиб чиқишди-да, кўзларини боғлаб зим-зиё ёр ичидан олиб жўнадилар. Нариги томонга чиққанларида боғични ечишди. Дастлаб у ҳеч нарса-ни кўрмади, кейинроқ атрофини қуршаган париларнинг оқаришган вужудларини илғади. Уни Гулҳовузда чўмилтиргач, оппоқ либосларга ўраб бардор-бардор кўтарганча гулзор ичидаги энг баҳаво, тўрт томони ҳарир пардалар билан тўсилган сўрига олиб боришди. Ўртадаги хонтахта устига ёзилган дастурхон устида етти ухлаб тушига кирмаган ноз-неъматлар, анвойи майлар тўлатилган кўзалар турарди. Парилар унга ва ёнидаги маликага навозиш ила хизмат қилишар, турли лаззатли таомлар келтириб майлардан узатишарди, уд ёки арфага ўхшаш ажабтовур созларда мусиқа чалиб, гўзал қўшиқлар куйлашар, нозик ҳаракат-ла рақсга тушишарди. Ҳавода майин шаббода ила жаннатий муаттар ҳидлар уфурар эди.

У роҳату фароғатдан, ёнидаги ҳуру ғилмоннинг табассумидан мутаассир бўлиб жонбахш туйғулар оғушида мумдай эриган куйи ўтираркан, элу юртини, севимли отини, ёруғ оламдаги жамики нарсаларни унутгандай эди. Майхўрлик ва тановвул тугагач, малика кўлидаги шоҳи рўмолини силкитган эди, парилар базмни ниҳоялаб иккисини гуллар билан безалган хобгоҳга олиб киришди-да, масту мастона Шермерганни малика билан ҳоли қолдирдилар. Шунда улар илоҳий ишқ бўстонида бир-бирларини оғушлаб танларини ва руҳларини бўсалар ила бағишладилар, самовий висол минг асрлар давом этгандай туганмас муҳаббат ва лаззатдан масрур бўлдилар. Баданларидан оққан тер етти қават кўрпадан ўтиб тагидаги гулдор гиламни ҳам шалаббо қилган экан. Саҳар-саҳар маст уйқуда ётганида Шермерганни кимдир уйғотди.

– Туринг, бегим, вақт бўлди, кетайлик.

– Қай... Қаёққа кетамиз, Кўҳиқофгами? – гўлдиради уйқуси роса очилмаган Шермерган.

– Керагатовга, – деди малика жаранглаган овозда аниқ-тиниқ қилиб.

У кўзларини катта очиб қаради: ажабки, тепасида парилар маликаси эмас, сафар кийимини кийиб, белига фута боғлаган, бўйнига хапамат таққан Оропнинг оқ кўйлакли соҳибжамол қизи чарос кўзларини чақнатиб турарди.

– Сен?!

– Ҳа, менман. Кўрган пайтимдаёқ сизга ошику беқарор бўлдим. Ўшанда сиз билан қочиб кетсам бўларди, аммо отингизни кўзингиз қиймаслигини билардим. Шу боис, бошқа режа туздим, иккинчи шартни танланг, деб ишора бердим. Отамдан париларни хизматга шайлайдиган дуоларни озроқ ўрганган эдим... Сизни бу ерга келтиришларидан олдин келиб, парилар маликаси қиёфасига кириб сиз билан висол қурдим. Олдиндан ҳаммасини ўйлаб қўйгандим. Парилар ва қизилкўз давангирлар хизматимда ҳозир нозир. Энди мени юртингизга олиб кетасиз, сизга вафодор хотин бўламан, отингиз ҳам тайёр. Тезроқ йўлга отланайлик, тонг ёришса афсун ечилиб, бўйсунмай қўйишади. У ёқда отамнинг айғоқчилари...

– Ҳаммасига тушундим. Мени отимнинг ёнига бошла, – дея Шермерган ётган жойидан қоплондай сакраб турди.

Парилар аллақачон отнинг кишанини ечиб, эгарлаб қўйишган экан. Давангирлар содиқ мулозимлардек бошларини эгиб таъзим қилиб туришарди. Шермерган Яшиннинг манглайдан ўпти-да, айил-пуштанини қайтадан тортиб узангига оёқ қўйди, Оропнинг қизини билагидан тутиб отнинг сағрисига қўндирди, “Ҳайт!” дея Қилқоя томон елдириб кетди ...

* * *

Этак шамоли тоғ бошини чалган булутларни, дараларда чўкиб ётган туманни тарқатиб юборди. Мен ҳамон ғаройиб манзаралар асири бўлиб ўтирибман. Қадим Новтаканинг тож янглиғ чўққилари этакка оққан офтобнинг ёрқин нурларида кумушдай ярқирарди. Хапамат энди бутунлай ўзга тарих, ўзга одамлар кечмишини сўйлар эди... Тевараги йўнилгандек тик зовлардан иборат маҳобатли қоя устида қўрғон, шинақлардан ўқ узишга шай камончилар, пастда эса тоғу тошни тўлдирган найза тутган беҳисоб лашкарлар, бошлари узра Искандар Зулқарнайнинг оловранг ялови !

Унинг ўзи қўшиннинг олдида қора тулпори устида осмон ила сўйлашган қояга шахт билан тикилганча турибди. Соқолига оқ оралаган йўғон гавдали саркарда Парфенон унга гап қотди :

– Нима, Бусефалинг қанот боғлаб сакларнинг тилсимли қальъасига учиб чиқади, деб ўйлайсанми?

Жаҳонгир нигоҳидаги шиддатни сўндирмай жавоб қилди:

– Бусефал қанот чиқармаса, аскарларим учиб боради. Ахир келиб, кўриб , олмай қайтган қальъам борлигини кўрганмисан, эй қария?!

– Нега оқилаликда ва гўзалликда тенгсиз Усрушона маликасини олмай, изинга қайтдинг? – бўш келмади кекса саркарда.

Жаҳонгир сукут сақлади. Юсуф талъатли навқирон Гефестион дўсти учун жавоб қилди :

– Енгилмас Александрнинг хотини самовий парилардек гўзал бўлмоғи керак-да.

– Ҳа, саклар бошлиғи Оқсартнинг афсонавий ҳуру ғилмонлари бор, деб эшитганман, – деди Птоломей Лаг гапга аралашиб. – Илоҳа Онахитанинг дуосини биладиган коҳинлари уларни афсун билан хизматга шайлашар экан. Ёғийларни эса...

– Бўлди, бас! – дея ўқирди Александр. – Биз сакларнинг сўнги кўрғонини олгани келганмиз. Унга чиқишни ўйланглар. Антикатр! – У Парфеноннинг ёнида найза тутган панжалари бургутникидай, кўзлари ёниб турган жангчига мурожаат қилди :

– Қоядаги қальъага чиқа оласанми?

Антикатр саросимага тушмади, бир муддат тик зовларга ўткир кўзларини қадагач, жавоб қилди:

– Иложини топаман, саркардам.

Птоломей Лаг, “Қанотли куш уча олмайдиган жойга қандай чиқасан?” демоқчи бўлди-ю, аммо Александрнинг қаҳрли нигоҳини кўриб фикридан қайтди. Антикатр эса тунда, етти кунлик ярим ойнанинг ёғдусида юз чоғли аскар билан зовлар ёриғига ўткир учли найзаларини қадаб, пишиқ арқонларга осилиб қўрғон тепасига чиқишга муваффақ бўлди. Уларни кўрган камончилар ўтакалари ёрилиб қальъа ичкарисига, Оқсартнинг қароргоҳига қочишди.

– Ёғий босди, ёғий!

Оқсарт тошдан йўнилган тахтада ўтирганча уларга бақирди:

– Қанақа ёғий? Нима, македонияликлар махфий йўлни топишибди?

– Йўқ, қотлардан учиб чиқишди.

Оқсарт ёнида ўтирган, бўйни ва белига девларнинг тишлари осилган қоҳинга юзланди:

– Юнонларнинг қоҳинлари аскарларни учира оладиган дуони билишадими?

Қоҳин қоқ суяк кўлини силтади:

– Йўқ, Арасту уларга афсун эмас, фақат ҳарбу зарбдан илм-ҳунар ўргатган.

– Сиз биласиз-ку, афсун билан уларни қайтаринг, муҳтарам қоҳин, – ёлворди Оқсарт чағир кўзларини ёшлаб.

– Энди фойдаси йўқ.

– Таслим бўл, демоқчимисиз ?

– Ҳа!

– Ахир бутун Новтака кўлдан кетади-ку.

– Уларга саховат кўрғазиб Илоҳа Онахитанинг удумини адо эт! Қадим Суғдиёнани маҳв этган, оламдан ному нишонини ўчирган Александрга ўлим! Сакларнинг ўчи шу! Парилардан энг гўзалини қизинг Равшанак тимсолида унга тортиқ қил. Унга ҳам ёр, ҳам “ажал париси” бўлсин. Омин!

Қоҳин афсункор дуоларини ўқиш учун тоғ ўнгуридаги оташкадага кириб кетди. Бу орада ташқаридаги камончиларни саранжомлаган Антикатр ҳам саройга кирди. У тўрдаги тошдан ясалган тахтада ўтирган Оқсартнинг қаршисига бориб найзасини ўқталган эди, у кўлидаги оқ туғини унинг оёқлари тагига ташлади. Ўрнидан туриб таъзим қилганча қироат қилди:

– Биз буюк жаҳонгир Искандар Зулқарнайнга тобе бўлғаймиз. Унга айт: барча аъёнларим, аскарларим билан таслим бўлиб ҳузурига бораман. – Сўнгра ёрдамчиларига ўгирилиб буюрди. – Қоҳинга айтинглар, махфий йўлни очадиган дуони ўқисин.

Ҳаммалари ғадир-будур деворларига машъалалар ёқилган, лабиринтга ўхшаш ғордан пастга туша бошладилар. Дуонинг кучи билан икки ёққа сурилган улкан қоя ёриғидан ташқарига чиқишди. Антикатр мағлуб сакларни баланд ҳавозада Гефестион билан шароб ичиб ўтирган Александрнинг ҳузурига олиб бор-

ди. Оқсарт аъёну ақобирлари, аскарлари, хотинлари, ҳисобсиз ўғил-қизлари билан ёш жаҳонгир қаршисига таъзим қилди, сўнгра оқсоч бошини адл кўтарганча голибни кўтлади. Бироқ юнон арслони уни кўрмас, сўзларини эшитмас эди. У энг олдинда қуёшдай порлаб турган 16 ёшли Равшанакдан кўзларини узолмай тикилиб қолган, қизнинг кўзни қамаштиргудек жамолига асир бўлиб бамисли яшин ургандек ишқида ёниб руҳи кўкларга равона бўлган эди.

– Гефестион – дея базўр ғўлдиради, сўнгра кўзлари чақнаганча хитоб килди. – Ана менинг хотиним. Бошига гулчамбар тақиб ёнимга келтир. Йўқ, шошма, ўзим бораман!


У ҳавозадан ўлжасига ташланган йўлбарсдай отилиб тушди-да, кўзларидан шашқатор ёш тўкилаётган дўстининг кўлидаги гулчамбарни олиб париваш Равшанакнинг бошига кўндирди. Қилқоя устида ёлғиз кўнқайиб ўтирган қоҳин қаҳ-қаҳ уриб кулди, кулгуси тоғу тошлар аро акс-садо бериб, кўҳна Бобилнинг фусункор Семирамида боғларини эпкинлагандай олисларга таралиб кетди...

Офтоб аллақачон ботган эди. Этак шамол тўхтагач, тоғларни яна туман қоплаб олди. Энди барчаси пинҳон бўлган: кўҳна манзаралар, Шермерган, тоғчилар, парилар, Равшанак, илоҳа Онахитанинг ўчи ила қазосини топган Искандар Зулқарнайн, найза тутган жангчилар ва уларни рўй-рост жонлантирган мўъжизакор хапамат ҳам!

Дарвоқе, ривоят қилишганидек, бобокалоним Шермерганнинг тутқунлик чоғи ёғочдан антиқа ковуш ясаб Ғазнаволик гўзални ўзига ром этгани чинми - ўтирикми билмадиму, Ёнғоқлига олиб келгач, у билан кўп фарзандлар кўриб, бахтли ҳаёт кечирганини эшитганман. Парихотуннинг сирли тақинчоғи эса момомга, ундан энамга мерос қолган. У ҳам вафот этгач, содда сингилларим қишлоққа келган лўлиларнинг ялтироқ, сунъий маржонларига алмашиб юборишган. Ҳозир ўша кўҳна буюмни ҳам, парилар ҳақидаги гурунглари ҳам буткул унутиб юборишган. Яна қачонлардир, Керагатовда баҳор чоғи чакамик ва учқатлар гулга кириб, какликлар маст бўлиб сайрашганда бошқа хотиралар каби ХАПАМАТни ва уни таққан париларни қайта эслашар, балки...

Таҳририятдан: Ёзувчи Ҳамид Элхон (Маллаев) шу кунларда қутлуғ олтмиш ёшни қаршилади! Биз жамики журналхонлар номидан севимли адибимизни таваллуд айёми билан муборакбод этамиз. У кишига мустаҳкам соғлиқ, узоқ умр, янғидан-янғи ижодий парвозлар тилаймиз!





Юртга керак бўлсам ~ шу ўзи ҳайкал

ШУКУРЛИ БАНДА ЁХУД ЖАНАҚУЛ МИСКАР


Турмушим кечар тинчгина жойда,
Жилмайиб яшаш – умрга фойда,
Гуноҳларим бор майдадан майда,
Савобларим ҳам шунга яраша.



Бир ҳовучгина хушнуд чоғларим,
Нукрадеккина кўнгил доғларим,
Унсизгинадир чеккан оҳларим,
Хитобларим ҳам шунга яраша.

Бори хазинам – қизу ўғлоним,
Хотинга ширин гапим – эҳсоним,
Дўкончи аёл мен учун “хоним”,
“Жаноб”ларим ҳам шунга яраша.

Тунлар ичимда гувиллар шамол,
Қумлардек тўзар бошимда хаёл,
Ҳиринглар юз хил жайдари савол,
Жавобларим ҳам шунга яраша.



Тозадир кўнглим, метин тоқатим,
Шундан кунма-кун чопар омадим,
Бозорим нечоғ юрса – роҳатим,
Азобларим ҳам шунга яраша.

ҚУТЛУҒ МАКОН

Кўп ошиқма, юрагим,
Ерни тўпдек қучмоққа.
Бор қитъанинг устида
Тарлон бўлиб учмоққа.

Гарчи чархда бир парча,
Айрилма шу кулбадан.
Йироқларда биз учун
На фахр бор, на Ватан.

У

Кўзгудаги – шунчаки аксим,
Қистаманг, У овқат емайди.
Минг таҳқирланг, тураверар жим,
Минг саваланг, гириг демайди.

Ётдир унга оғриқ, ўч, газаб,
Гап чақмайди, тарқатмас игво.
Тилайди на ҳашам, на мансаб,
Керак эмас ҳатто сув, ҳаво.

Қўрқув, ҳузур, ҳайратдан жудо,
Таъми билмас, сезмайди исни.

Анвар ОБИДЖОН

1947 йилда Фарғона вилоятининг Олтиариқ туманидаги Полосон қишлоғида туғилган. Ўзбекистон халқ шоири (1998). ТошДУнинг журналистика факультетини тамомлаган (1979). Қисса ва ҳикоялари – «Уста Гулмат ғазаллари» (1974), «Энг ёруғ кун» (1983), «Аканг қарағай Гулмат» (1987), «Масхарабоз бола» (1986), «Жуда қизиқ воқеа» (1987), «Ерликлар» (1990), «Аламазон ва Гулмат хангомаси» (1992), «Ажойибхона» (1993, шеърӣ тақвим), «Танланган шеърлар» (2006), «Ўғирланган паҳлавон» (2006), «Баҳромнинг ҳикояси» (2007) каби дoston, қиссалар, шеърлар, пьесалар ва ҳажвий асарлардан иборат тўпламлар муаллифи. «Шухрат» медали билан тақдирланган (1997).

Ё фаришта, ҳиссиз кесак ё,
Болиши тишлаб ўйламас қизни.

Қарз сўрамас, қарз ҳам бермас У,
Қилмас таъма, қилмас илтимос.
Орзуламас, кетмас, безмас У,
Бор олами шу ойнак холос...

Адаштирманг, У – фақат аксим,
Кўзгудаги аксим шеър ёзмас...

ОЛИЙ ФАСЛ

Баҳра олгай сочин оқидан
Пайгамбар ёшига етганлар.
Одимлар ройишлар боғида
Пайгамбар ёшига етганлар.

Ортадаги йўлларга жим бўйлар,
Ҳадисдан келтириб гап сўйлар,
Пайгамбар ёш кетган деб ўйлар
Пайгамбар ёшига етганлар.

Наздида – кекса у аз-азал,
Умрининг ҳар куни таваккал,
Гўё бор ишларин қилган ҳал
Пайгамбар ёшига етганлар.

Фикри қут бор бўлган жойдадир,
Эл билан азада, тўйдадир,
Тинч бўлсин юрт деган ўйдадир
Пайгамбар ёшига етганлар.

Мол-давлат олдида наст бўлмас,
Кўнглида ҳеч кимга қасд бўлмас,
Шайтоний ҳирслардан маст бўлмас
Пайгамбар ёшига етганлар.

Ҳар сўзи дуога айлангай,
Кундалик ризқига бойлангай,
Бундан кўп яшашига иймангай
Пайгамбар ёшига етганлар.

* * *

Йигитдирман, шартингни айт, ёр,
Не истасанг, келар қўлимдан.
Эркаклик лафз боис барқарор,
Орият деб қайтмам ўлимдан.

Ўйлаб гапир фақат маъни-ла,
Шартларингда бўлсин диёнат:
Доғ туширмай халқим шаънига,
Қилмасам бас юртга хиёнат.

КУНТУҒДИ ТОНГИ

Жилгаларда иргишлар ёмғир,
Томни чертар тўзган жин мисол.
Кўвгин бўлган томчилар охир
Кўлмакларда топишар висол.

Кўрибсизки, парқув ўтлоқлар
Мисли гўдак ивиган кўрпа.
“Беиқарсак”ка ўйнар япроқлар,
Келинчақдек соч ювар арпа.

Дилдирашиб шилта кўйлақда,
Тўлпоқ қизлар боқишар хумор.
Деҳқон бобо синиқ ойнақдан
Назар ташлар кўкка миннатдор...

Юрагимда иргишлар ҳислар...

ЎТАР-КЕТАР ДУНЁ

Бу дунёда яшарлар бир бор...
Сергей Есенин.

Бир бор яшар дунёда
Шаҳаншоҳлар, гадолар.
Шодонлару адолар
Бир бор яшар дунёда.

Инисин шод қучган ҳам,
Мол деб ундан кечган ҳам,
Ичмаган ҳам, ичган ҳам
Бир бор яшар дунёда.

Юрт деб ўйга ботганлар,
Юртин ошга сотганлар,
Ғам тортмаган, тортганлар
Бир бор яшар дунёда.

Чиқиб аста қулбадан,
Ёнимга кел, гулбадан,
Қиз ва шоир, жумладан,
Бир бор яшар дунёда.



ИГНАБАРГ ШЕЪРЛАР

Кездим хаёл автобусида.

* * *

– Юрагингни бирпас бериб ту-у-р...

* * *

Ким бу қўшқўз фотоаппарат?!

* * *

– Касалхона, соғлигинг қалай?

* * *

Бор топгани – кўнглидаги кир.

* * *

*Кутмаганим тунд фасл келди,
Бунда ҳатто ўй сурмоқ оғир.
Туйғуларим ям-яшил эди,
Сўлгинланиб саргайди охир.*

Бир-бир эзиб ўтарлар энди...

* * *

*Нуқул тунда менга ёр бўлди қалам,
Ўзимни зиндонга ташлагандекман.
Ижод чин умримдир,
Қилсак уни жам,
Бор-йўғи бир кеча яшагандекман.*



ЎЗЛИГИ БОР СОҚҚА

*Мен – казино қимор соққаси,
Айланаман гилдиракка терс.
Изимдан кўз узмай боқасиз,
Турхатингиз бўлганича без.*

*Гарчи қувонч сочмоққа шайман,
Гар ҳушим йўқ аламингизга.
Ҳар гал “хўп” деб тушавермайман
Сиз истаган рақамингизга.*

ҲАБИБИЙ

*Дўстларим, мрамар-ла бермангиз сайқал,
Қабрим ҳам кўринсин ўзимдек содда.
Юртга керак бўлсам – шу ўзи ҳайкал,
Элга азиз бўлсам – сақлашар ёдда.*

ТУЙҒУ ЖИЛОЛАРИ

*Шеърларим бор, эслатар –
Жикки ўсмир қилигин.
Кўзгатади ҳаттоки
Алвастининг қитигин.*

*Дилим бирда поклигу
Эзгуликнинг гадойи...
Шариатан қолипли
Ҳар шеърим – бир худойи.*



ҚОРА КУНЛАРНИНГ ЁРУФ БАЁНИ

ёхуд Ўроз Ҳайдарнинг “Кутиш масофаси” дostonига
бир назар



Адабиёт соҳасида Нобель мукофотини қўлга киритган хитойлик ёзувчи Мо Янь ўз маърузасида “Ёзувчи учун ўз дилидагини айтишнинг энг яхши усули – ўз сўзларини қоғозга туширишдир”, – деган эди. Ижодкорни таъсирлантирган, дилини ўртаган нарса уни ёзишга ундовчи биринчи омилдир. Энг асосийси, ёзилажак асар ўз мавзуси, жанри билан туғилади. Шоир Ўроз Ҳайдарнинг “Кутиш масофаси” дostonи ана шундай асарлар сирасига киради. Дoston қатағон фожеаларини ўзида акс эттирган. Тан олиб айтиш лозим, замонавий ўзбек шоирлари ижодида ўтган асрнинг ўттизинчи йилларидаги мудҳиш воқеликни тўлақонли, қўламли ифодалаган бундай битиклар кам учрайди. Бу борада адабий жамоатчилик эътиборини қозонган икки асарни тилга олиб ўтиш мумкин: Элимизнинг ардоқли шоираси Зулфиянинг “Хотирам синиқлари”, таниқли ижодкор Ўроз Ҳайдарнинг “Кутиш масофаси” дostonларидир. Ҳар икки асар ҳам биографик характерга эга. Зулфиянинг “Хотирам синиқлари” дostonи қатағонда жувонмарг кетган акасига бағишланган бўлса, Ўроз Ҳайдарнинг “Кутиш масофаси” дostonи қатағон қурбонлари бўлган боболари хотирасига бағишланган. Дostonда муаллиф шахсияти етакчи ўрин тутаяди. Шоир бўлиб ўтган воқеликни қалб призмасидан ўтказаяди. Дostonда воқеаларни тасвирлашдан кўра, уларга муносабат билдириши етакчилик қилади. У шунчаки воқеаларнинг ҳикоячиси сифатида намоён бўлмайди.

“Кутиш масофаси” – шоирнинг назмдаги биринчи йирик асари. “Айтадиган гапни айтиб бўлмайдиган, оғизлар қўрқув ипи-ла тикилган замон” ҳақида чексиз алам, нафрат билан битилган бу дoston қайси бир мамлакатда ёвузлик, тубанлик жамиятнинг пойдевори бўлар экан, шу ерда кутиш масофаси юзага келиши хусусида огоҳлантиради. Гарсиа Маркеснинг “Ошқора қотиллик қиссаси”да ака-ука Викариоларнинг қотиллигига бутун жамият шерик бўлгани каби, одамларнинг мавжуд адолатсизликка қарши курашмаслиги, бир четда томошабин бўлиб туриши ҳам аслида фожеа эканлиги кўрсатиб берилаяди. Муаллиф дostonни “Отам

ҳикояси” деб номланган бўлим билан бошлайди. Бу ерда ота тимсоли воқеаларни ўз ота ва бобоси номидан ҳикоя қилаётган шахсина эмас, бутун инсониятга ўтган кунлар кечмишидан сабоқ берувчи, кўпни кўрган кайвони сифатида намоён бўлади.

Ўша мудҳиш даврга келиб, партия ўз обрўсини йўқотиб, НКВД га қарам бўлиб қолган эди. Чунки барча қамашлар, қатл этишлар шу ташкилот томонидан амалга оширилган. “Сталиннинг “социализм мустаҳкамланиб боргани сари синфий кураш ҳам кескинлашиб бораверади” деган кўрсатмаси асосида амалга оширилган сиёсат натижасида қўл остидаги халқ шафқатсизлик билан қувғин қилинди, қатлиомга учради, мисли кўрилмаган очарчиликка йўлиқди”. Бу даҳшатли қатағон миллионлаб инсонларнинг ёстиғини қуритди. Шоир юртни мурдалардан тикланган диёрга менгзайди. Фашизмга қарши қаттиқ кураш олиб борган француз шоири Анри Мишодан келтирилган “Бизнинг йўлимиз адашган ит йўли эди” деган сатрларни келтиради. Улуғларни улуғлаш ўрнига уларни қатағон қилдилар. Натижада, жамият сотқинлар, малъунлар, боқимандалар қўлида қолди. Бундай кимсалар эса ҳар бир инсонга тош отиши мумкин. Ҳатто, ўз отасига ҳам. Зуғум ҳомийлари бўлган жаллодлар эса, “Ҳурмат тахтаси”дан қирғин ва очликка фарқ бўлган диёрга қараб мамнун боқардилар.

*Кўзгу орқасидан қарарди барча
Ўлаётган чолдай ғўлдираётган ҳаётга
Томоша кўрсатар, томошабин йўқ...*

Йўқ, аксинча, томошабин бор эди. Одамлар индамай сукут сақларди. Собиқ “халқ душмани” Саид Аҳмад Ў.Ҳошимов билан суҳбатида “Ростини айтсам, илгари “одамга ишониш қийин экан-да, қаранг, фалончидек одам жосус экан, миллатчи экан, билмай юрган экан-миз” деган хаёл йўқ эмас эди. Ўзим “халқ душмани”га айланганимдан кейин бу гаплар тухмат эканини тушуна бошладим. Ҳаддан ташқари ишонувчанлик оқибатида айрим инсонлар эмас, бутун бошли халқлар, давлат-

Дилдора БАХРИДДИНОВА

1984 йилда Андижон вилоятининг Асака шаҳрида туғилган. Ўзбекистон Миллий университетининг ўзбек филологияси факультети магистратурасини тамомлаган. Ҳозирда катта илмий ходим-изланувчи сифатида тадқиқот олиб бормоқда.

лар ҳам нобуд бўлганлар. Бу эса ҳақиқий фожиадир”, дея таъкидлаган эди. Ҳа, дарҳақиқат шундай. Энг оғриқ берадигани шуки, оддий омма у ёқда турсин зиёлилар ҳам бу тузумга, унинг эртақларига ишонган эдилар. Лекин айнан, ўшалар қатлиомнинг биринчи қурбонларига айландилар:

*О, Қатлиом – энг жирканч маҳлуқ,
Чангалида ақл ва идрок!!*

Ҳарф таниган борки, қора рўйхатга киритилди, сазойи қилинди. “Бутун жаҳон Коммунизми номидаги Инқилобий қўриқхона етмиш йилдан ортиқроқ давр сурди. Шу давр мобайнида унда ақл ва истеъдод муҳрига эга бўлган одамларни овлаш, таъқиб қилиш бир кун ҳам тўхтагани йўқ”. Қора салтанат эса, қора гулдастасини ғазаб-ла сочишда давом этарди. Одамлар “Энди ўлим гулчамбарини ким кияр экан” деган ҳадикда кун кечиради. Эътибор беринг, улар яшамайди, шунчаки кун кечирадилар холос. Чунки, қонхўр қатлиом бу диёрни аллақачон қонжалоққа айлантириб бўлган.

*Уруш-ку, тугаган, тинч кунлар эса,
Уруш ваҳмидан-да хатарли, баттар.
Қўрқув чамбараги айланар тун-кун,
Қайноқ сувдай дилинг куйдирар умид.*

“Ўлим ўлкасидан янграган садо”лар минглаб жонларни маҳв этишга бел боғлаганди. Шоир ёзганидек, “На Мағриб, на Машриқ – манзил ноаён” эди. “Чунки Сталин қуришни ўйлаган давлат қаёққа бораётгани номаълум шунақа бир кемага айландики, унинг қозонлари доимий равишда ўтхонасига ташлаб туриладиган минглаб, миллионлаб, ўн миллионлаб одамларнинг жасаидан қувват оларди”. Қурбонлар эса “Ватанини куйлашгани-чун, ватангадоликнинг тўнин кийишган” зотлар эди. Маккор тузумнинг “Ҳай баракалла”чилари эса “Ҳамманг табассум қил, хўрайма, сўтак” дея ўшқириб, қай тарзда яшашни ўргатарди:

*Барчанг жилмаймоққа маҳкумсан тағин,
Ҳўнрамоқ ёт бизнинг хур мамлакатда,
Қулгине билан бега кунларнинг лавҳин...*

“Халқлар отаси” худди Калигула каби ўз атрофидагилар унга сиғинишини, уларни қўрқув билан ушлаб туришни хоҳларди. Кўзи сўқирлар қўлидаги ҳассаси билан бутун халқни етаклай бошлади. Уларнинг зулмат гулханида янада кўпроқ қоврилишини истаб, қуёшни ўчиришга буйруқ берди. Бу ерда қуёшнинг ўчирилиши рамзий маъно касб этади. Қуёшнинг сўниши – илм-маърифатнинг сўниши эди. Ўзини Худо деб эълон қилган бу худосизлар эса, халқнинг дилидан Аллоҳни қувмоққа бел боғладилар:

*Худо тўйдирмайди, биз тўйдирамиз,
Худонинг қўли йўқ, экин эколмас.*

Аҳвол шу даражага бориб етдики, мусулмон фарзандлари отаси ўлса, жаноза ўқиттиролмайд кўмди. “Бу қирғин дояси худосизлар”(Зулфия) эса, барчани атеизм либосида кўришни истарди. Ҳазрат Навоийдек шоирни “халқ шоири”, “сарой шоири” тарзида ўрганиш, дostonларининг ҳамд (Аллоҳга бағишланган қисм) ва наът(пайғамбарга бағишланган қисм)ларсиз, боши

юлуқ ҳолда чоп этилиши ҳам шуларнинг оқибати эди. Уларнинг мақсади халқни маънавияти, дини, адабиётидан айириб, итоаткор манкуртга айлантириш эди. Иш-лашдан бўйин тортган манкуртни “бошингни ушлайман” деб кўрқитганлари каби, одамларни “халқ душмани”, “миллатчи” каби айбловлар билан кўрқитиб, ушлаб туришарди. Одамларнинг эса, ҳатто, семириб ўчишдан қолган чумчуқ, тўқликдан ҳавони ҳидлаб ўтирган тулки-чалик қадрни йўқ.

*Токи ҳашоратга айлансин одам,
Лекин қирқиб қўйинг қанотин шаксиз,
Учишдан мосуво.*

Оқибатда, бу диёр қарғаларга кўналғага айланди. Бу тузумга ишониб эргашганлар дostonда келтирилган инсоншунослик таълимотини тарқатувчи роҳибга ишониб, қурбон бўлган қизча ҳолига тушди. Қатлиом жаллодлари эса қиличини эл бошида осилтирганча қичқирдилар:

*“Худони алдадик,
Алданди худо!”–
Қичқирар бир тўда шайтонваччалар.–
Даҳрийлик либосин кийдирдик қалбга...*

Кутилганидек, бўшлиқ пайдо бўлди ҳам. Энди бу бўшлиқни ўзларига муносиб нарса билан тўлдиришса бўлгани. Тўлдиришди ҳам. Халқ энди Худодан кўрққандек улардан кўрқа бошлади. Улар эса китобларимизни ёқибди. Неча асрлик тарихимиздан маҳрум қилишди. Маърифатли онгда исён руҳи уйғонишини яхши билишарди. Сўнг шайтонлар уюшмасини тузиб, унга қарғани бошқон этишди. Булбуллар эса тилини тийиб юришга маҳкум этилди. Улар халқни озодлик ҳақида ўй суришдан ҳам маҳрум этишди. “Ҳар бир фуқароси битлики халқни фикрлаш илмидан жудо этилсин” дея амр этдилар.

*Менинг сурувимни ўзга бир чўпон
Менинг таёғим-ла ҳайдаб солмоқда.
Йиғламоқчи эдим таъқиқ айлашди,
Ҳатто уф тортмоқлик жиноят эмиш.*

деб ёзади шоир алам билан. Бировнинг сурувига эга чиққанлар эса, сут тўла ҳовузда димиқа бошлайдилар. Чунки қонга ботган бу салтанат яна қон талаб қиларди:

*У бўғила бошлайди тоза ҳавода,
Қон исси ҳаётга қайтарар Уни.
Қон керак, қон керак! Инсоннинг қони,
Бошқоронғи бўлган инсон қонига!*

Ҳа, афсуски, кўҳна тарих бунга ўхшаш мудҳиш ҳодисаларнинг кўпига гувоҳ бўлган. Бундай қонли ҳаводан нафас олган қонхўрлар эса шундай дейди:

*“Хайрият-ей, мавжуд эрур Қатлиом.
Кутиш масофаси этади давом”*

Дostonда 28 ўринда қўлланилган, “ О, Қатлиом..” дея бошланувчи сатрлар халқ дostonларидаги поэтик қайтариқларни эсга туширади. Улар асарнинг ўзига хос композициясини таъминлаган. Асар композициясининг бу ҳолда шакллантирилиши дostonнинг эстетик таъсирини оширган, асарнинг лейтмотивига айланган.



О, Қатлиом – о, осий қилинган,
Худоси ҳам унутган диёр!

дея хайқиради шоир бир ўринда. Бунга ўхшаш ҳолат
Зулфиянинг “Хотирам синиқлари” да ҳам учрайди:

“Инсонсан, бошингни кўтар”, демабди.
Кўнглинг қолганмиди бизлардан, холиқ?

Ҳа, биз Яратганни унутиб қўйган эдик. Эътиқодсиз
миллатга айланиб қолгандик. Биздан фақат ишчи кучи
сифатида фойдаланишларига кўникдик. Тунда ҳамма
қотиб ухлаган чоғда, деҳқон сарпойчан эгат оралайди:

Ахир, у далага боғланган тун-кун,
Маҳрига тушгандир ўзидан бошқа
Ҳаммани боқиш.
Эркинсан, деб айтманг, зинҳор мақтаманг,
Паишага таланиб ётибди Эрки.

Ўзидан бошқа ҳаммани боқиш маҳрига тушган бу
ўзбек деҳқони ўша даврда шафқатсиз тарзда эксплуата-
ция қилинди. Шукурки, бугун юртимиз аждодларимиз

орзусидаги кунларга етишди, юрт саодат бешигига ай-
ланди. Шоир кечаги кунга нигоҳ ташлар экан, айтади:

Ёвузлашган сайин инсон идроки
Ўзлигин ўлимга чоғлайди, афсус.
Токи, нон юзига сачрамасин қон,
Токи, тинч кунларда машъум Урушининг
Қўланса ҳидидан қон қусмасин Ер.
Кутиш масофаси этаркан давом,
Қайдадир бошланар яна Қатлиом.

“Кутиш масофаси” инсонни, миллатни, эркни
улуғлаган дoston. “Халқ қай усулда бахтли бўлишини
тушуниш учун бахтсизларнинг аҳволини ҳам яхши
ўрганиш керак. Бахтли бўлиш учун нималар етишмас-
лигини аниқлаш билан бирга бахтли одам нималарга
эга бўлишини ҳам билиб оламиз”, – деган эди француз
маърифатпарвари Жан Жак Руссо. Чиндан ҳам бугун-
ги саодатли кунларнинг қадрига етиш учун кечаги кунга
назар ташламоқ лозим. “Кутиш масофаси” достони, ай-
нан, шу нуқтада биз учун қимматли асардир.



Биринчи ўқрашув

Биринчи ўқрашув
Биринчи ўқрашув

Азиза ХЎЖАКЕЛДИЕВА



Саргайган япроқлар хаёлим олди

КУЗ

Саргайган япроқлар хаёлим олди,
Термулгандек гўё дарахтлар маҳзун.
Бу ҳолат юракка бир дардни солди,
Бир дардқи ҳолимни айлади забун.

Не сабаб бўлди, айт, фасли мафтункор,
Бу қадар маъюссан рангларинг самон.
Баргларинг тўкилар такрор ва такрор,
Наҳотки дардингга топилмас дармон.

Сен кўнглим дардини англагувчисан,
Хазонларинг менинг армонларимдир.
Қалбимнинг овозин тинглагувчисан,
Сокинлик дардимга дармонларимдир.



САЛОМАТЛИК

Бор пайти борлигинг билинмас,
Йўғингда қадрингга етарлар.
Бойлик ҳам, доврўқ ҳам бекор деб,
Ҳасрат-ла қайтишинг кутарлар.

Шоирлар сени ҳар шеърида,
Сен ҳақда мисралар битмайди.
Ҳаттоки бир оғиз сўз билан,
Таърифинг эътироф этмайди.

Беморман, қийналдим оғриди жоним,
Тузалмоқлик йўлида ҳар нени қилдим.
Ўткинчи дунёда инсонлар учун,
Энг муҳими соғлиқ эканин билдим.



Наср Наср
Наср Наср
Наср Наср



Абдусаттор ҲОТАМОВ



УЧ ҲИКОЯ



Расмларни Оловиддин Собир ўғли чизган.

Абдусаттор ҲОТАМОВ

Тошкент шаҳрида туғилган. ЎзМУнинг журналистика факультетини тамомлаган. "Томошабинсиз дунё", "Эркин қуш", "Яхшилик дарахти", "Баланд учган турналар" каби китоблари чоп этилган. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси. "Шуҳрат" медали соҳиби.

ТАНҲОЛИК

Булар қояларми? Ҳа, шундай! Бағрида лахта-лахта қорлар ялтираб ётибди. Устида қўнғир булутлар ўрляпти. Тош уйча пастроқда, ўтлоқми ё яйлов – ўша жойда. Теграсида арчазор кўзга ташланади. Юсуф етиб келдим деганди. Э, хом хаёл экан! Юқорига инқиллаб юргани сайин ўрқач-ўрқач тоғлар ўчакишаётгандек ортига тисланар ва тобора қуюқлашаётган булутлар унинг устига бало-қазодай ёпирилиб келарди. Чарчаб, халлослади. Қўлларини тиззаларига тираганича букчайиб туриб қолди. Ер сузиб атрофга қаради. Сал нарида атрофини аллақандай узун-калта ўт-ўланлар қоплаган ҳарсанг ялтираб кўринди. Қаддини тиклаб, ўша томон судралди.

Бориб чўқди. Димоғида янги асалними, гунафшаними, хуллас, тоғ гиёҳларининг ёқимли ҳидини туйди. Тош намхуш ва илиқ эди. Танига қувват, ҳузур бағишлади. Симиллаб оғриётган оёқларини узатиб, ҳорғин нафас олди. Пастга, энди қуюқ қайрағочу тераклар орасида қолган қишлоққа разм солди.

Сихатгоҳ дарахтлар панасида йўқолган, фақат қизил шиферли томлари қизғалдоқзор мисол элас-элас кўринарди. Ҳа, айтгандай, унинг ёнида илгари дам олгани келиб, кўп-кўп вақтларини китобга мук тушиб ўтказган пастқамгина уй.

Дарё бўйидаги бу хонадон, айниқса, ёз бўйи уч-тўрт кунга шаҳардан ҳордиққа чиқадиганлар учун қулай гўша, атрофи қуриган шох-шаббалар билан ўралган ҳовлида турфа гуллар ифор таратарди.

...Юсуф зўраки йўтал овозидан чўчиб, сергакланди. Ажаб, кимсасиз жойда овоз қаердан келаяпти, шундай ёнгинасиданми?

У ўтирганича ортига ярим ўгирилди. Кейин қотди-қолди. Гўё боши ўрнига қайтмаётгандек. Беш-олти метр нарида йигитлардек хипча, оппоқ калта соқоли ўзига ярашган чол тарғил от қайишини тутганича унга қараб турарди.

Юсуфнинг ичида бир нарса узилгандек бўлди: Балки бу... Хизр бобо! Болалигида бувисидан эшитгандики, кимнингдир иши юришмаса ёки қийин аҳволга тушиб қолса рўпарасида пайдо бўлади.

– Ассалому алайкум, – деди чол қаддини адл тутганича. Кейин саломига алиқни кутмаёқ сўради: – Биз томонларда нима қилиб юрибсиз, тақсир?

Ажаб, унинг овози ҳам ёшлардек кўринган гавдасига мос бўлиб, шошқалоқ ва ўктам эди.

Йигит ўрнидан туриб, чол томон чўлоқланди. Юраги гупиллаб ураркан, бу не синоатки, йўқ жойдан отлиқ чол пайдо бўлса, деган ўйдан безовталанарди. Осмондан тушдими ёки ер қаъридан чиқдими? Шу топда вужудини жумбоқли саволлар қамраб олган эса-да, қандай қилиб чолга қўл узатганини билмай қолди.

Қариянинг қафти иссиқ ва қаттиқ эди. У йигитнинг қўлини қўйвормай кўзига тикилди:

– Мабодо табибга келмаяпсизми? – Унинг овозида одамни ўзига тортувчи меҳр ва илиқлик товланарди.

– Ҳа, шундай, шундай! – Юсуф хурсандлашди.

– Унда мен билан юринг, – чол йигитнинг қўлини қўйиб, отни етаклади. Юсуф шунда билдики, қария

тоғ ёнбағридан ўтган илонизи йўлдан чиқиб келган ва юқоридаги ўша – тош уйга бошлаб борарди.

Бироз юришгач, чол ортига ўгирилди. От ёнига келиб, икки кафтини бирлаштирди ва “тугун” ҳосил қилди. – Қани, меҳмон, бунга тиззангизни қўйинг-чи.

Юсуф тушунолмаётган турганди, овозини баландлатди: – Қани, бўлинг, ҳозир ҳаво ташлаб юборади. Тезроқ етиб олайлик. – Унинг аллақачон оқарган қуюқ қалин қошлари остидаги қийиқ кўзлари жиддий боқиб турарди. Йигит беихтиёр ясама тугунга тизза босди. Чол “хўп-па!” деди-да, уни от устига итқитиб юборди. Кейин жиловни тутганича яна олдинга тушди. Тарғил эса устидаги юкка парво қилмай енгилгина йўрғалаб борар, чолнинг қадамида чарчоқ, ҳорғинлик сезилмасди.

Атроф сокин, фақат от туёқларининг сўқмоқ тошларига тақиллаб урилиши эшитилар, гоҳида какликми ёки бошқа қушнинг ёқимли сайраши жимжитликни бузиб турарди.

Ярим соатга етмай сайхонликка чиқишди. Рўпарада ўша тош уй пайдо бўлди. Юсуф қийшайиб, чап оёғини ўнг томон олганди, от тепасидан сирғалиб пастга тушди. Болдирлари зириллаб оғриб, туриб қолди.

Чол отни етаклаб, уй ёнига ўтди ва уни тош-қумлари қирқиб олиниб, баҳайбат девор ҳосил қилинган майдончадаги бостирма томон олиб борди. Боғлоқ арслондек кўппак ит бегона исини туйди шекилли, қаттиқ ҳуриди. Чол этикларини билан ер тепинди: “Бўлди, ўзимизнинг одам!” Қайтиб келганида Юсуф эгнидаги кийим-бошини кафтлари билан қаттиқ-қаттиқ қоқарди.

– Бекор қилаяпсиз, – деди мўйсафид унга тик боқиб. – Тоғу тошларда чанг йўқ, ғубор йўқ.

Юсуф зўраки илжайди:

– Ҳа-а-а... Билмапман.

Чол юринг, деди-да олдинга бошлади. Майда тошлардан ясалган зиналарни босиб уй ичига киришди. Рўпарада темир каравот, китоб жавони, тоқчаларда идиш-товоқлар.

– Қани, марҳамат, – деди чол ортидан келган Юсуфга каравот тўридан жой кўрсатиб. Кейин этикларини товонини бир-бирига ниқтаб ечиб, ўзи пастроққа чўқди. Фотиҳа ўқигач:

– Ана энди гаплашамиз. Оёғингиз қачондан бери оғрийди? – деб сўради дафъатан.

Юсуфга жон кирди: “Бекорга табиб эмас экан. Касалимни сўрамаёқ топдию қўйди”.

– Ўн йилдан ошди, – деди хомуш тортиб. – Совуққа олдирганман, сувда. Кўп дўхтирларга кўрсатдим, бўлмади. Ўзи бу тузалмайдиган дардми, билмадим. Э, аслида дўхтирларда айб йўқ. Муолажаларни охиригача олмадим. Мухбирман-да, бизни оёғимиз боқадди. Сизни айтишди, дўхтир-табиб экансиз. Шунга...

Чол чопонини ечиб, ёнидаги кўрпача устига ташлади. Рўпарасидаги китоблар бетартиб қўйилган шкафга тикилганча қолди. “Тузалмайдиган дард...”, деди секин. Ажаб, шу тобда кўзидаги тийракликни гўё қаёққадир суриб ташладию хомушлик гирдобига фарқ бўлди-қолди. Юсуф унинг йигитларникидек боя-

ги чақноқ ва ўткир кўзларида энди мунгликни пайқади. Гавдаси ҳам букчайиб қолгандек эди.

– Узр, отахон, – йигит дардман оёқларини тагига босиш учун чордона қуриб олди. – Агар бирор нобоп гап айтган бўлсам кечиринг.

Чол сергакланди:

– Йўқ, унақа деманг. Қаригандан кейин хаёл бе-бош бўлиб қоларкан.

Ола-чалпоқ булутлар орасида кўриниб-кўринмаётган қуёш тоғ ёнбошига ўтди, шекилли, хона қоронғилаша бошлади. Чол “Ё, пирим!” деб ўрнидан туриб, ҳовли томон йўналди.

Бирпасдан кейин ташқарида “пат-пат” моторнинг овози эшитилди. Табиб қайтиб кириб, девордаги ёқични босганди, хона ёришди.

– Ўғиллар барака топишсин, – деди у жойига келиб ўтираркан. – Тош ва семондан шу уйни қуриб беришди. Тоғдан сув қувури тортишди. – У жилмайди. – Кўчма электр станцияси ҳам бор. Мана, туппа-тузук яшаб юрипман.

– Бир ўзингиз, ёлғиз... – Юсуф ўзининг бу гапидан хавотирга тушди. Чол нима ишингиз бор, деса қандай одам бўлади.

– Бе-е, – деди қария бошини сарак-сарак қилиб. – Шу яхши-да. Ана бир китобда ёзиб қўйипти. – У боши билан жавонга имлади. Пайтида ёлғизлик ҳам яхши.

Юсуф боя бу қария отга миндириб олганда, ҳа, энди вақтим тежаллади, дорини оламану ортимга қайтаман, деб ўйлаганди. Ҳозир эса чолнинг ичида қандайдир дард борлигини сезиб, унда мухбирларга хос қизиқиш уйғонди.

– Қани, оёқларингизни кўрсатинг, – қария Юсуфга яқин сурилди. Кўриб, болдирларини бир-бир эзди. – “Оғрияпти, лекин қаттиқ эмас”, деди ўзига-ўзи гапирётгандек. – Дори тайёрлаб бераман. Дўхтирларга бошқа рўпара бўлмайсиз. – Кейин қўшиб қўйди. – Менга ҳам келишингиз керак бўлмайди.

Чол жойига бориб ўтирди ва илкис сўради:

– Меҳмон, мабодо сиз билан илгари учрашмаган-мизми, жуда таниш кўринасиз?

– Эслолмайман, отахон. Одам одамга ўхшайди-да.

Чол ўйчан:

– Ҳа, тўғри айтасиз, – деди.

Юсуф жойидан қимирлаб олди:

– Дорини берсангиз, қоронғи тушмасдан санаторияга етиб олай.

– Хўп, – деди чол ўрнидан туриб. – Мен нариги хонадан тайёрлаб чиқаман. Унгача зерикиб қолмай набирамнинг чизган расмларини кўриб туринг. Ўзи ҳамшира, санаторияда. Рассомликка ҳам қизиқади. Шу уйга келволиб, хаёлидаги одамларними, қишлоқ манзаралариними чизгани-чизган. Шаҳарликка ўхшайсиз, кейин баҳо берарсиз.

Чол каравот оёғига етганида кўрпачага қайта чўқди. Уф тортди. Кейин:

– Тақдир экан, ўттизга чиқаяпти. Узатолмаяпмиз. Қуёв бўламан деганлар кўп. Ҳаммасига йўқ дейди. Умри ўтиб кетаяпти-да, – деди бош чайқаб.

Қария боя бирданига хомуш тортганига сабаб шу набираси эканлигига Юсуф гумон қилиб турар, лекин эшитганидек, унинг нега шаҳарда оиласи бўлатуриб

кексайган чоғида бу ерларда тентираб юрганига ҳайронлиги бу тахминини йўққа чиқарарди.

– Ҳа, майли, – деди чол қўл силтаб. – Ўзи бир ўлимдан қолганига ҳам минг қайта шукр. Меҳмон, шошасиз-а, ҳозир гапимни тугатаман. Ушанда набирам ўн олти ёшда эди чамамда. Баҳор серёғин келганди. Шу пастдаги дарё бор-ку, бўтана сувлари тўлиб оқарди. Бир кун қаттиқ сел куйди. Умримда бундай офатни кўрмагандим. Тоғдаги тошлар пастга учиб туша бошлади. Бу энди кўчки эди-да! Ваҳимали. Набирам тепа яйловдан сигир-бузоқ ҳайдаб келаётган экан. Бу ишни шу қизалоққа ишонган ота-онаси ҳам аҳмоқ! Қиз бечора бало-қазодан тезроқ қочиб улгурай деб дарёдан сузиб ўтай депти. Ўзи балиқдек сузонғич эди-да. Бир пайт дарё оқизиб кетибди...

Ташқарида от узоқ кишнади, ит қисқа-қисқа ҳуриб қўйди. Юсуф пардаси икки тарафга сурилган қўшқават деразадан ҳовлига қаради. Шитирлаб ёмғир ёға бошлаган, хонага тоғ гиёҳларининг ифори тараларди.

– Ана, – деди чол ўрнидан туриб тефалда чой қўйишга тутинаркан. – Бугун кетолмайсиз. Тагин селда қолиб бир кори-ҳол юз бермасин.

Юсуф ўйлади: “Қария эзмалик қилмай дорини бериб қўяқолганда-ку, хонамга етиб олардим”. Кейин: “Ичига дарди кўпга ўхшайди. Бечора, эзилиб гапираяпти-да”, деган ўй ўтди кўнглидан.

Чол қўшни хонага кириб кетди. Юсуф мой бўёқда ишланиб, ёғоч рамкага солинган расмларни бир-бир кўра бошлади. Мана, қишлоқнинг баҳордаги манзараси. Ўриклар оппоқ гуллаган, илонизи ариқ бўйларида ялпизлар, ҳали сўлиб улгурмаган гунафшалар. Бу – оппоқ доқа рўмолини елкаларига ташлаб олган, чехрасидан нур ёғилиб турган буви. Ҳовлидаги темир каравотда ўтирибди. Атрофида ироқи дўппи кийиб, сочларини қирқ кокил ўрган қизалоқлар. Оғизларини ярим очганча унга ҳайрон қарашаяпти. Эртақ эшитишаяпти, шекилли... Бу... – Юсуфнинг қўллари титраб кетди. Бу ўзи-ку! Қора, қалин сочлари ёнига таралган, юз суюқлари хиёл бўртган, қалин қошлари остидаги катта-катта кўзлари жиддий боқиб турибди. Портрет! Бундан ўн, ўн беш йилча аввалги кўриниши. Юсуф расмга тикилиб қараётди остидаги бир бурчакка билинар-билинемас майда харфлар билан битилган сўзларни кўриб қолди. Синчиклаб ўқиди: “Хаёлимдаги ёр...”

Анчадан кейин чол қўшни хонадан чиқиб келди. Елим идишдаги суюқликни каравот четига эҳтиётлаб қўйиб, чой дамлади.

– Энди шу ерда тунайсиз, меҳмон, – деди жойига хотиржам бориб ўтираркан. – Би-ир отамлашамиз-да. Сўнг бепарво сўради:

– Расмларни томоша қилдингизми?

Юсуфнинг юзи ловуллаб кетди:

– Ҳа, яхши, – деди овози хиёл титраб. – Набирангиз зўр рассом экан-ку. – Исми нима?

– Турсуной. Кенжа ўғлимнинг қизи. Боя айтдим-ку, отаси ўрмон хўжалигида ишлайди, онаси санаторияда ошпаз. Ўн беш ёшидан унга қарашарди. Кейин ҳамшираликни битирди. Лекин китобга муккасидан кетган. Даволанувчиларнинг китобларини ҳам қўймайди.

Чол маъюсланиб қолди. Юсуф Турсунойнинг кимлигини ўйларди. Сўнг негадир бояги суҳбатни давом эттиргиси келди:

– Ҳа, гоҳо ёлғизлик одамни поклайди. Ҳаёти ҳақида ўйлашга мажбурлайди. Шунда гуноҳу савоблар кўз ўнгидан ўтади, – деди бироздан сўнг.

– Гуноҳ... Ў-ў, меҳмон, бундан азият чекканларга ҳеч бир дори-дармон малҳам бўлмас экан. Айниқса, ҳиёнат... Бу гуноҳи азим.

Чол яна маъюсланди. Хонада иштаҳани кўзғатувчи овқат ҳиди пайдо бўлди. Юсуф қорни очганлигини сезди ва шу заҳотиёқ бу истак қариянинг афтодаҳол ҳолати олдида ортига чекинди.

Чол ниҳоят жавондаги китобларга қараб дадилланди:

– Беадад шукрки, энди боболаримиз мероси ўзимизга қайтди. Қаранг, бизнинг қандай кўп маънавий бойликларимиз бор. Дорилардан тополмаган давони шулардан топамиз. Масалан, мана Аҳмад Яссавий нима дейди:

*Дунё, мансаб дема, учма ишвага,
Дўстлардан ажраб ҳам ёв бошига ет.*

Мухбир экансиз, ўқиган бўлсангиз керак, аллома шоир инсондаги энг даҳшатли ёвни нафс деб тушунади. Бу ёвнинг бошини янч, уни жонинг ичида ҳатто ғимирлашига ҳам йўл қўймай ўлдир, шунда пок ва ҳалол, мағрур яшайсан, демоқчи назаримда.

– Шундай. Бобомизга тасаннолар бўлсин. Инсон руҳиятини шунчалик чуқур англаб, тасвирлаб ўтган. Лекин қойил, сиз донишмандлар китобларининг ашаддий ишқибози экансиз.

Чолга мақтов ёқди шекилли, бош силкиб деди:

– Э, мен бу тоғу тошларда йигирма беш йилдан бери яшайман. Боя айтдим-ку, набирам Турсуной китоб жинниси деб, ўша олиб келиб беради. Ана, жавонда “Ўзбек халқ эртаклари”, “Калила ва Димна”, “Минг бир кеча”... Эртаklar одамни поклайди-да. Болалигимда ўқигандим, мана кексайган чоғимда... – у жилмайди, – маъносини тушунапман.

Чол ўрнидан кўзғалди:

– Электр қозонга шўрва солгандим. Хабар олай, пишиб қолгандир. Турсунойнинг укаси эрталаб овқат олиб келади. Янги соғилган сутдан тайёрланган ширғурч, қаймоқ билан бирга нонушта қиламиз.

Юсуфни хаёл элитди: Эртаklar, “Калила ва Димна” ... Турсуной... У бундан анча йиллар аввал дарё бўйидаги ўша анвои гуллар чаман очилиб ётган ҳовлида дам олувчиларга саватда нон сотиб, челақлардаги пўчоқларни йиғиштириб юрган қизалоқ эмасми? Оҳудек хуркак, мовий кўзлари доим ерга боқиб турадиган, юпқа юқори лаби устида билинар-билинимас қора туклар, қайсидир юзида кулгичи... Юсуф ўша йили уйланиш баҳонасида кўп қизларга разм солганди. Лекин бунақаси... фақат китобларда бўлса керак. Чиройли дегани ёқимтой дегани эмас, – ўйларди у. – Ёқимтой бўлса ҳам чиройи одамни тортмаслиги мумкин. Ажабки, бу сарвқоматда иккиси ҳам мужассам эди. Агар бундайлар келинлик либосини кийса... уларга осмондаги ўн беш кунлик ой ҳам ҳавас қилса керак.

Ҳа, бу ўша! Онаси ҳам ҳадеб: “Турсуной, нонни сотдингми? Пўчоқларни сигирга бердингми?” деб шанғиллаб сўрайверарди. У онасидан бекитиқча Юсуфнинг китобларини ҳам сўраб турарди. Шунда кўзлар тўқнашарди. Бир куни Юсуф унга: “Намунча

чиройлисиз? Ўзим шаҳарга олиб кетайми?” деди. Қиз қиё боқиб жилмайдию қизил дуррачасини учирганча оҳудек дарров кўздан ғойиб бўлди.

... Юсуф ниҳоят ўрнидан туриб, табиб кирган хона томон борди. Чиқиб келаётган чолнинг кўлидан икки коса шўрвани олиб, хонтахта устига қўйди. Ортидан қошиқ кўтариб чол ҳам чиқди.

– Ана энди овқатланиб олайлик, – деди у. – Кейин гаплашаверамиз. Сиз мухбирлар одамни эшита биласиз. Шунинг учун гапим кўпайиб кетди.

Овқатдан сўнг Юсуф бўш идишларни қўшни хонага чиқариб қўйди.

– Келинг, меҳмон, – деди чол жойига ўтиргач. – Энди сизга бир беморнинг дори даволаёлмаган дардини айтиб бераман. Эшитиб, куйиб кетдим. Бечора, жонига шифо истаб келган экан. Менга: “Сиз тоғда юрган одамсиз. Кимга ҳам айтардингиз? Ахир буни ҳеч кимга айтолмасам ёрилиб ўламан. Бир кун келиб ёруғ оламдан ўтсам бу дард билан гўрми тутаб ётмасин”, дейди ичи куйиб. “Майли, – дедим аҳволига ачиниб, – ахир кўнгилни бўшатиш ҳам бир даво. Лекин мен ҳам ожиз бандаман. Вақти келиб кимгадир айтиб қўйсам гуноҳкор бўлиб қолмай, деб қўрқаман”. Алам ўтиб турган экан, “Ҳа, майли, айтсангиз айтаверинг, фақат исмиمنى айтмасангиз бўлди” деди. Кейин сўзлаб берди.

Чол уф тортиб ёстиққа ёнбошлади ва аста ҳикоясини бошлади.

– Ўшанда пенсияга чиққандим. Бу энди анча йиллар аввал бўлган гап. Шу ўрмончи ўғлим келинг, бир умр ишлаб чарчадингиз, тоғларда дам олиб кетинг, деб қолди. Ўша йили ёз иссиқ келганди. Бордим. Ёшлиқда тоза улоқ чопганман, ўзим ҳам, ўғлим ҳам биттадан отга минволиб, тоғ ёнбағирларидаги ўрмонларни роса айландик. Тоза ҳаво-да, ёшаргандек бўлдим. Бундоқ атофларга қарасам, ҳеч нарса экилмаган жойлар бир талай. Юқориқоқда ҳам шунақа жойлар бўлса керак, дедим. Йўқ, бир отахон бодомзор қилаяпти, деди ўғлим.

Ўзи уч-тўрт кун туриб қайтмоқчи эдим. Ким экан қариган чоғида боғ яратаётган, деб қизиқиб қолдим. Ўғлим, албатта сизни у билан таништираман, деб қолди. Тонг отиши билан йўлга тушдик. Сўқмоқлар оша қиялиқдаги бодомзорга кўтарилиб бордик. Рўпарада дов-дарахларнинг шоҳ-шаббасидан қурилган, устига шифер ёпилган туппа-тузук чайла. Уйча дейсиз гўё. Ўғлим чайлага етмасданоқ от устида: “Ҳой, Болтабой ота, шу ердасизми?” деб чақирди. Ичкаридан, ишонасизми меҳмон, бўй-басти худди менга ўхшаган, чамамада етмишдан ошган бир киши... уни чол деб бўлмасди, чунки соқол, мўйлови қиртишлаб олинган, спортчиларнинг оқ майкасини кийган одам чиқиб келди. Ўғлим камтар хўжайинлардан, отдан тушиб, икки қўллаб кўришди. Кетидан мен ҳам қўл узатдим. Уйчага кириб хайрон қолдим. Думалоқ стол атрофида тўртта стул, ёнида диван, фонарми, яна алланималар кўринди. Хуллас, замонавий чайла!

– Бу менинг отам, – деди ўғлим фотиҳа ўқилгач. – Сизнинг боғбончилигингизга қизиқиб қолдилар. Бир

сухбатлашсангиз. Тажриба алмашиш демоқчиман. – Кейин менга қараб илжайди. – Балки шу тоғларда сизга ўхшаб боғ қиларлар.

Ўғлимнинг дафъатан мен кутмаган гапини маъқуллаб бош силкитдим, кўнглимдан “Ростдан ҳам шундай бўлиши мумкин-ку”, деган ўй ўтди. Ахир инсондан нимадир қолиши керак-ку.

Хуллас, шу кунни ўғлим мени ташлаб, хизмати-га кетди. Янги танишим боя мен бошламоқчи бўлган ҳикоясини айтди. Меҳмон эшитасиз-а, ҳа, балли! Мана у нима деди:

* * *

– Хотиним ўзимдан анча кичик, боғча мудираси эди. Колхознинг боғчасида. Икки қиз, икки ўғлимиз бор эди. Аёлим нуқул: “Бўлди энди, туғмайман, шу чурвақаларни катта қилиб олайлик”, дерди. Тўғриси айтишим керак, боғча ҳисобига рўзгоримиз бутун эди. Лекин мен ич-этимни ердим: “Бу болаларнинг ризқи бўлса, бир кунни тешиб чиқмайдами?”. Одам боласи ҳамма нарсага ўрганади, дейишади-ку. Бу, тўғри гапмас. Харомтовоқдан менинг жаҳлим чиқарди. Охири бир кун: “Бу ишингни йиғиштир, – дедим. – Бўлмаса, охири вой бўлади”.

У эса менга бақира бошлади: “Нима, сиз китобдафтар кўтариб юриб рўзгор тебратмоқчимисиз? Унақада икки дунёда ҳам косамиз оқармайди”. Мактабда биологиядан дарс берардим-да. Аввал тиббиёт техникумини битиргандим. Текширувчилар билан кўрқитмоқчийдим, бобиллаб берди: “Э, кўрқманг, ундайларга қалқон раис акам бор”.

Чиндан ҳам қиличдек қоматли, доим тилла тишларини кўрсатиб жилмайиб юрадиган колхоз раисининг кўли узун эди. Идора ёнидаги меҳмонхонада казо-казолар билан тез-тез базми-жамшид уюштирарди. Унга таниш-билиш хотинларни ҳам чақирарди. Мен аҳмоқ бундан беҳабар хотинимдан нега кеч келадиган одат чиқардинг, деб сўрасам, у, комиссия келиб қолди, меҳмон қилдик, дерди нуқул.

Бир кун мактабдан қайтаётсам ўқувчимнинг онаси дўхтир аёлни кўриб қолдим. Ота-оналар мажлисига келиб турарди. Чапани, эркакларга ўхшаган характери бор эди. Саломлашиб кетаётсам, тўхтатди.

Хотиним ...Ҳомиласини олдиганини айтиб, яхши қилибсизлар шунга келишиб, деди хайрихоҳлик билдиргандай.

Шу ерда мен тамом бўлдим. Ичимда бир нарса лов этиб ёнди. Тутуни бўғзимда турдию қолди. Ўзи ундан шубҳаланиб юрардим. Ҳеч кимнинг бошига бу кун тушмасин, биродар. Қотиб туравердим. Дўхтир қаёққадир шошаётган экан, аҳволимни сезмади, лекин тайинлади:

– Яхши парвариш қилинг. Вақт ўтиб қолган экан.

Шундан кейин бўладиганим бўлди. Йўқ, бу мен билан боғлиқ бўлиши мумкин эмас, аниқ билардим.

Ич-этимни еб, жинни бўлаёздим. Шундай аёл билан яшайманми? Уришиб, жанжал кўтарсам, қуанда, бола-чақа олдида қандай одам бўламан? Шунча йиллик ҳурмат-иззатимни сувга оқизаманми? Буёқда болалар, неваралар бош эгиб қолади. Агар мабодо сиртдан кечирсам ҳам... йўқ, хиёнатни кечирол-

майман. Ўқувчиларимга ҳалоллик, садоқат, ибо-ҳаё тўғрисидаги панду насихатларим қаёққа кетади? Ўша эркаклар эгри кўнглига нима келса қилаверадими? Имонсиз аёллар-чи, наҳотки хиёнатни шунча жўн, оддий деб тушунишса?!

Шундай хаёллар билан юрганымда ичимдаги бир одам дейди: “Агарда сен ҳам умрингда бир марта бўлса-да бегона аёлга кўз олайтирганымда бундай аламли изтиробга тушмасдинг. Ўзимнинг ҳам гуноҳим бор-ку, деб таскин топардинг. Поклигинг сени... азоб-лалапти”. Шайтонни вужудимдан ҳайдаб чиқараман: “Йўқол, иблис! Сенинг касрингдан қанчадан-қанча оилалар барбод бўлади. Қанчалаб ориятли эрлар бош эгиб, фарзандлар отасиз қолади.

Шундан кейин биродар, хотинимга заррача меҳрим қолмади, руҳим чил-чил синди. Ахир ўша воқеа бўлгунча у билан кўп йиллар аҳил-иноқ яшаб келгандик-да. Ҳаммаси тушдек ўтдию кетди. Биродар, шунга амин бўлдимки, нафсга тенг келадиган зolim йўқ. Уни енголмаган киши иблис қурбони бўлиши тайин. Ўзингиз ўйланг, биродар, нега инсон пок туғиладию айримлар турфа гуноҳларга ботиб дунёдан ўтиши керак? Нима учун ундайлар покиза тупроқни гуноҳлари билан ифлослантириши керак?

Шундан кейин хотиним менга меҳрибон, кетимдан соядек эргашиб хизматимга тайёр юрадиган бўлиб қолди. Бу эса баттар нафсониятимга тегарди. Асабим бузилиб, бақирадиган, ҳатто невараларимни урадиган одат чиқардим. Қарабсизки, дами ичидаги ёмон отлиғ бўла бошладим!

Ўрмон хўжалигида танишим бор эди. Олдига бордим: бир парча ер беринг, ўша ерда овуниб юрай дедим. Кейин кучим етганча тоғу тошларда боғ яратай. Шундай дедиму қандай ишга аҳд қилганимни тушуниб турардим. Оилам бағридан ташқарида, тоғу тошларда... Бу осон эмас. Лекин хиёнаткор хотин билан ҳар кун, ҳар соат кўришишга мажбурилик ундан ҳам оғир. Шунинг учун биринчи йўлни танладим. Очиғини айтай, кейинчалик бир бева аёлга уйландим. Лекин кўнглим танҳоликни тусайверади. Шунинг учун бу тоғлардан нари кетгим йўқ.

* * *

Табиб чол боғбон танишининг фожиасини сўзлаб бераркан, Юсуфнинг юрагида қат-қат изтироблар тўлғанди. Энди ташқарида ҳамон электр қуввати ҳайдаётган “пат-пат” овозини эшитмай, жим ўтираверди. Бироздан кейин қарияга қаради, унинг оқарган қора қошлари остидаги қийиқ кўзларида ажабки, ёш милтилламоқда эди.

– Ана, меҳмон, – деди табиб тўсатдан ўз ҳолатидан уялиб. – Вақти келиб бир нарса ёзарсиз. Садоқат ва хиёнат ҳақида. Менинг нафсим балодир, ёнар ўтга салодир, дейишади-ку, тахминан шу маънода: токи бошқалар бу қаттол душманнинг қулига айланиб қолишмасин. Нафс... бу, биласиз, кенг маънодаги тушунча-да.

Кейин зўраки жилмайди:

– Ўзим ҳам ёшлигимда унча-мунча ҳикоялар машқ қилиб юрардим. Ҳавас-да. Лекин барибир чумчуқ сўйса ҳам қассоб сўйсин. Шунинг учун бу иш сизга ҳавола, меҳмон.

Солярка тугади, шекилли, чироқ ўчди, лекин кеч куздаги ойнинг ёруғи ойнадан ола-чалпоқ тушиб турар, энди атрофга сокинлик бостириб келарди.

Чол ўтирган жойидаги каравотнинг юқорисига узола тушди, Юсуф куйида ёстиққа бош кўйди. Кўп ўтмай табибнинг хуррак овози эшитила бошлади. Юсуф дардли ҳикоя таъсиридан сира пинакка кетолмади. Бунинг устига оёқларининг симиллаб оғриши кучайган, қайси ёнбошига ағдарилса, каравотнинг қийшик тахталари ғийқиллаб, белига тошдек ботарди.

Бирон соатдан кейин чолнинг изтиробли инграши эшитилди. У ичидан хўрсинар, одамнинг йиғлаш олдидаги ҳолатини эслатадиган ўксик овоз чиқарарди. Сўнг тушида бўлса керак, “иҳ, иҳ” деди оғриқли товушда. Бора-бора жимиб қолди.

* * *

Юсуф уйғонганида офтоб тоғ ортидан кўтарилаётганди. Болдирларида оғриқ тўхтабди. Хонтахта устига бир даста пул ташлаб ташқарига чиқса, чол бостирма остидаги от охурига беда солаётган экан. Қозикқа боғланган ит Юсуфга бир қараб кўйди-да кечаги шўрваннинг суягини ғажишда давом этди. Юсуф обдастадаги сувдан юз-қўлини ювиб, рўмолчасига артинди.

– Яхши ётиб турдингизми, меҳмон? – Чол йигит томонга келди. Энди у дастлаб кўринганидек бардам ва тетик эди.

– Раҳмат. Дорингиз сабаб бўлди, шекилли, ҳарҳолда оғриқ пасайгандек.

– Аввало Худо шифо берсин. Биз бир сабабчи, холос. Буёғини айтсангиз давосиз дарднинг ўзи йўқ. Фақат хиёнатдан ўзи асрасин.

Кейин Юсуфни бостирманинг нариги томонига бошлади.

– Бу ёққа юринг. Мўъжизани кўрсатаман. Тоғларда қуёш эрта чиқади. – Кейин ҳаяжон аралаш завқланди. – Нурларини қаранг, эртакка ўхшайди-а? Ҳа, яшанг. Қандай жаннатмакон юртимиз бор. Гиёҳлари-чи. Ҳавосини қаранг, мрамардек мусаффо! Шу ёшдаям ишлагинг келаверади. Анув, тепадаги боғларга қаранг. Бодомзор ёнида ёнғоқзор... Ўша юраги куйган бечора чол эккан. Қоп-қоп ҳосил олаяпти.

– Ҳа, ҳа! Лекин у мард экан. Болалари, набираларини ўйлапти. Бошлари эгилиб қолмасин, деган-да. Ҳаммасини ичига ютипти. Кейин қадимги замон чолларига ўхшаб елкасига тўнини ташлаб чўлу биёбонларга кетиб қолмапти. Ёки аламдан ичкиликка берилиб нопок йўлларга кириб кетмапти. Дардини меҳнат билан енгипти.

– Отангизга раҳмат! Ҳаммасига вақт даво, тоғнинг ҳавоси ҳам. Ахир одам фақат еб-ичиб, кайфу сафолар суриб, гуноҳларга ботиб ўтиб кетавермаслиги керак-ку. Кейин ҳаммасининг савол-жавоби бор.

Қария шундай деб ортига қайтди. Чўян обдастани энгаштириб, ҳафсала билан қўлларини ювди. Бостирма устунига илинган сочиққа артинди.

– Қани, меҳмон. Энди нонушта қиламиз. Ҳозир неварам келади. Кейин санаторияга кетаверасиз, таксида.

– Такси... – Юсуф анграйганди, қария жилмайди:

– Бу – тарғил-да. Миниб олсангиз бўлди, ўзи етказиб кўяди. Текинга! Боргач яна шу йўлга ўнглаб кўйсангиз ўзи қайтиб келаверади. Ҳар куни бўзчининг моксидай қатнайвериб ўрганган. – Кейин самимий кулди. – Ҳавотир олманг. Адашмайди. Тоғда йўл битта.

Сўнг қария тобора юқорилаётган қуёшга кўзларини қисиб қаради:

– Одам бу дунёда тоғлардек пок ва мағрур яшаши керак. Тўғрими? Ҳа, балли! Яқинда набирам келтирган газетада бир шеър ўқидим. Ёқиб қолиб, ёдлаб олдим.

Тоғларга чиққанга улуғлик ёрدير,

Тоғларга чиққанлар тоғ бўлиб қайтар.

Қойил-а! Бу шеърни кеча сизга айтган боғбон ўртоғимга ҳам ўқиб бердим. Тоғларга бекор келмаган у. Қаддини кўтариш учун юрипти. Боғлар барпо қилиб.

Юсуф ўйчан:

– Шундай бўлса керак. Инсон бир марта яшайди. Сиз айтгандай ҳар қандай гуноҳлардан нафсни тийиш керак. Қаддини тоғлардек тутиб юриши керак. Лекин бу осон эмас, мардлар шундай яшайди, – деди.

– Балли, – деди чол жонланиб. – Мени тушунисиз. Энди мен отни эгарлай.

* * *

– Қаерларда қолдингиз, жўра? – сўради Юсуфнинг ҳамхонаси. – Сизни ўйлаб ухлолмай чиқдим.

Юсуф айтганди, чехраси ёришди:

– У ҳақда эшитгандим. Тоғ тепасидаги уйда яшаркан. Фақат қаҳратон қишда шу ердаги ўрмончи ўғлиниқига келаркан...

– Ҳа, биларкансиз, лекин у бир боғбон чол ҳақида эзилиб гапириб берди. Тоғ ёнбағрида бодомзор, ёнғоқзор ташкил этипти.

Ҳамхона ажабланди.

– Мабодо, хув анави кўриниб турганлар эмасми?

– Ҳа, – деди Юсуф ажабланиб.

– Э, у боғларни ўша отахон экиб кўкартирган. Бир пайтлар мактабда биологиядан дарс берган экан. Аввал дўхтирликни битирган. Табиблиги шундан.

Юсуф анграйиб қолди. Аммо чолдан эшитганини тилига чиқармади:

“Бечора қария, хиёнатдан юраги куйган экан. Бошидан кечирганларини бошқа чол номидан айтиб, ичини хўп бўшатипти. Лекин зўр! Адабиётга қизиқиши бекор эмас экан.

Жонли ҳикоя қилди. Хиёнатга ҳеч ким дуч келмасин, деди кўзлари ёшланиб”.

Юсуфнинг ичида бошқа бир одам овоз берди: “Сен-чи, сен Турсунойга айтган сўзинга хиёнат қилмадингми? Майли, ўша селда уни дарёдан кўтариб ўтиб, жонини қутқарибсан. Оёқларингдаги оғриқ шундан. Бунинг чолга ҳам айтмаганинг одамийлигинг. Аммо қизнинг севгисига муносабатинг... Бу нима?”

Эрталабки нонуштадан кейин Юсуф буюмларини жомадонига жойлаб, уйига отланди.

– Ҳа, – сўради ҳамхонаси ажабланиб. – Ҳали вақт бор-ку.

– Шундай бўлиб қолди, – деди у Турсунойни кўриб қолишдан чўчиб. Кейин бош чайқади. – Дардни аввало ўзимиз орттираемиз. Давосини топиш эса шунақа қийин.

Давосизлари ҳам бор.
Мияси ғовлаб чиқдию, кетди.

* * *

...Юсуф анча йиллардан кейин тоғ ёнбағридаги ўша сихатгоҳга борди. Муолажадан сўнг каравотда дам олиб ётганди, челақда сув, пол артгич кўтариб фаррош аёл кириб қолди. Йигит ўрнидан туриб, стулга чўқди ва юраги ачишиб кўнгли тубида ётган саволни берди: “Бу... Турсуной деган ҳамшира ҳалиям ишляптими?”

Фаррош сергакланиб, у томон ярим ўгирилди:

– Вой, у институтни битириб, катта дўхтир бўп кетган. Ҳозир ўзимизнинг дўхтирхона бошлиғи.

Юсуф яна сўрашдан тийилолмади:

– Оилали бўлса керак?

Аёл пол артишдан тўхтаб, юзлари ёришди:


– Ўқитувчи йигитга турмушга чиққан. Садоқат деган ширингина қизчаси бор.

Юсуфнинг кўнгли нурланди. “Ҳа, яхши бўпти” деди-да, кушдек енгил тортиб ташқарига чиқди. Ёқимли куз шабадаси эсаётган хиёбондаги қайрағоч, теракларнинг ҳамон яшил япроқлари аста чапак чаларди. Сал нарида, тепалик бағрида баҳорда қизғалдоқлар орасида қоладиган оддийгина ўша хонадон ўрнида энди қадди узоқдан кўринадиган ғиштли уй. Эшикдан қизил дуррачаси учини шабадада учирганича жилмайиб Турсуной кириб келаяпти. Ёнида ўзига ўхшаган, юпка юқори лаби устида чиройли холи бор қизчаси. Ҳойнаҳой ота-онасини кўргани келаяпти. Чеҳрасида ҳаётидан мамнунлик.

Юсуф бу манзарани хаёл қилдими ёки ростамига кўрдими, билолмай қолди. Ҳарҳолда Турсунойни шундай кўришни жуда истарди.

ҚАРЗ

“Қадимда бўлган эди...”



Ярим кечада кўнғироқ жиринглади. Собир қаттиқ ухлаб қолган экан шекилли, уйғониб, юраги ўйнаб кетди. Ички кийимда бирпас ўрнидан турганча қотиб қолди. Телефонми ёки эшик? У то ўйлагунча яна жиринглаган овоз эшитилди. Ҳа, эшик. Ким бўлди экан ярим кечада келган? Бунақа пайтларда келадиган бетайин таниш-билиши йўқ эди, чамаси.

– Ким? – деди Собир кийина туриб. – Ким керак сизга?

– Собиржонларники бу ер? – эркак кишининг овози келди.

– Ҳа, нимади?

– Мен келгандим, Собиржон, Фарғонадан. Танимаяпсизми?

Собир иккиланиб эшикни очди.

Рўпарада сетка кўтарган, бароқ қошли, икки юзига чертса қон томадиган 50-55 ёшлардаги киши турарди. У катта, лекин юмшоқ кўлларини узатди.

– Э, яшанг-ей, Собиржон. Танаймасиз ҳам-а!

Собир ҳали уйқуси ўчмаганлиги учун бироз хайрон бўлиб турди. Кейин қутилмаган меҳмонни истаймигина ичкарига таклиф қилди. Орқасидан кириб келган нотаниш хурсанд эди.

– Оббо, Собиржон-ей. Шу ерда тураман денг. Нақ осмон билан ернинг ўртасида-я. Ишқилиб яхши юрибсизми?

Меҳмон мулозамат ҳам кутмай уй тўридаги диванга чўкиб, юзига фотиҳа тортди:

– Қадам етди, бало етмасин. Шу уйдан бахт ари-масин.

Нотаниш гапирар экан, Собир уни қаерда кўрганини эшлашга ҳаракат қила бошлади. Ким у? Нима қилиб юрибди унинг квартирасида?

– Ўша даҳшатли уруш туфайли инвалидман. По-ездда туртиниб-суртиниб юролмайман. Об-ҳаво ёмон бўлиб, самолёт учмади. Уч-тўрт соат аэропортда қолиб

кетдим. Тоғ билан тоғ учрашмаса ҳам одам билан одам учрашар экан. Мана, келдик-да меҳмонга, жиян.

– Жуда яхши-да. Ажаб қипсиз, – Собир сир бой бермасликка ҳаракат қилди. Лекин нотанишнинг “жиян” дейиши ғашини келтирди.

– Ўшанда хафа бўлмай кетдингизми, жиян. Бу гостиница масаласи шунақа экан-да. Мен ҳам кўп хижолат бўлдим. Буни қарангки, бу ерда ҳам шунақа-я! Унисига бордим, бунисига бордим, ҳаммасида жой йўқ. Бу администраторларнинг танглайини “йўқ” билан кўтарганми дейман.

Собир унга қараб тураркан, фотиҳа ўқишига разм солар, хаёли эса бошқа ёқда эди.

Бундан чамаси беш йил олдин ёз таътилида хотини билан Фарғонага борган эди. Ўшанда улар самолётдан тушганларида қоронғи бўлиб қолган, Собир бир қўлида кийим-кечак тўлдирилган чемодан, бошқасида майда-чуйда емиш кўтариб, ёнида хотини билан ҳайрон турарди. Шунда у таваккал қилиб саёҳатга чиқиб, хом ўйлаганини сезди. Бу ерларда на бир қариндоши бўлса, на таниши. Бирор ётоқ топиш у ёқда турсин, ҳозир шаҳар қаёқдалигини ҳам билмай боши қотиб қолди.

Аэропортнинг орқа тарафидаги автобус бекатига келишганда, гавдали, зиёлинамо, яхши кийинган, шляпали киши рўпара бўлди. Қўлидаги сеткада оқ қоғозга нимадир ўроғлиқ.

– Битта чектирмайсизми? – деди у саломлашганларидан кейин чиройли жилмайиб. – Шу пайт жа хумор қилиб қолди. Сигарет нариги костюмда қолибди.

У яқинроқ келганида оғзидан ёқимсиз хид келди. Нотаниш ичганди. Сигаретани ўт олдириш учун гугурт чаққан Собир бу хиддан беихтиёр бошини нари олди.

– Йўл бўлсин энди? – нотаниш савол берди.

– Салқинлагани. Бир-икки кун шаҳарда бўламыз. Кейин Шоҳимардонни зиёрат қилсак дегандик.

– Дўзахнинг эшиги очилиб кетди-ку, биродар.

– Ҳа, энди ёз-да, – чўзилган сўхбатдан Собирнинг энсаси қота бошлади. Нарироқда “Тураверасизми?” дегандай хўмрайиб олган хотинига кўзи тушди.

– Агар ёруғ дунёдаги дўзах шу бўлса, нариги дунёдагиси қанақа бўларкин?

“Тоза эзма экан, – ўйлади Собир бироз асабийлашиб. “Мабодо тушсангиз биласиз”, деб юборишдан ўзини аранг тийди.

Такси кутишаётганди, автобус келиб қолди. Собир хотини билан олдинги эшикдан чиқиб олди. Ўртадаги ўриндиққа ўтиришган эди, бояги киши уларнинг қарама-қаршисидан жой олди.

– Меҳмонхонага олиб борар?– сўради Собир нотанишдан тахмин қилиб.

– Ҳа, лекин жой отлиққа ҳам йўқ, биродар.

Собир индамади. Бироздан сўнг бояги киши Собир томон эгилди.

– Келинг, ўзим олиб борай. Меҳмон экансиз, жойлаштириб қўяман.

Автобус чайқалиб-чайқалиб борар, бинолар пештоқидаги ранг-баранг ёзувлар кўзни қамаштирарди. Уч-тўрт чақиримдан кейин пинакка кетай деган нота-ниш сергакланиб, атрофга аланглади.

– Тушамиз, – деди у. – Ҳозир бизнинг остановка, меҳмонлар.

Собир унинг сўзига киришни ҳам, кирмасликни ҳам билмай, хотинига қаради. У эса индамай турарди.

– Тушдик, ўтиб кетамиз бўлмаса, – бояги киши яна ундади.

Автобус тўхташ жойининг рўпарасида ҳақиқатдан ҳам меҳмонхонанинг жимжимадор ёзувлари кўзга ташланиб турарди. Киравериш чап тарафидаги бурчак фанер билан тўсилган бўлиб, стулда чиройли юзли, сочларини орқасига турмаклар олган аёл китоб ўқиб ўтирарди. Тўғрисида эса “Жой йўқ” деб битилган тахтача.

– Мени танияпсизми? – деди нотаниш регистраторга қўлидаги сеткасини аста пештахтага қўяркан.

Аёл китобдан бошини кўтарди:

– Танияпман.

– Ким бўламан?

– Жой сўровчи клиент, жой эса йўқ. Ана, ёзиб қўйилибди.

Нотанишнинг юзларида дарғазаблик белгилари пайдо бўлди.

– Мен бундан уч йил илгари шу гостиницага директор бўлганман. Қаландаров деган фамилияни эшитганмисиз?

– Тилимни кесиб берайми сизга? Жой йўқ дедим-ку. Кейин директор бўлган бўлсангиз, ойлик олгансиз. Бундан ташқари кайфингиз бор сизнинг. Гаплашмайман!

– Кимга шунақа муомала қилаяпсан? Уруш инвалидигами? Сендақа одамгарчиликни билмайдиганни офатдан сақлайман деб инвалид бўлганман! Елкамдан ўқ еганман.

У шундай деб пештахтага бир мушт урганди, омонат турган сетка нарсаси билан ерга шарақлаб тушди. Атрофга зархал югуртирилган нафис чинни буюмлар парчалари сочилиб кетди.

Қаландаров титраб кетди. Бу титраш кайф таъсириданми ёки жаҳлдан – билиб бўлмасди.

Собир ноқулай аҳволда қолди.

– Қўйинг, – деди у хотинининг “боринг” деб қилган имосидан кейин. – Қўйинг, хафа бўлманг. Жой бўлмаса бўлмапти-да. Бирор хонадон топармиз.

Бу орада регистратор ўрнидан туриб, тез-тез юрганча иккинчи қаватга чиқиб кетди.

Собирнинг Қаландаровга раҳми келди. Ўзидек етти ёт бегонага қанчалик жон куйдираяпти. У шу одамнинг ўрнида бўлганида эҳтимол шунчалик қилмасди. Бунинг устига ноёб, қимматбаҳо чинилари чил-парчин бўлди. Балки у чиниларни кимгадир совға қилишга олгандир? Собирнинг кўз олдида отаси намоён бўлди. Касал ҳолига қарамай, протез оёғини тўқ-тўқ этиб, фирчиллатиб у томон келаётгандай, “Нега бир ногиронни ишга солиб, жой олдирыпсан? Мен сенга шундай бўлгин деб тарбия берганмидим, ўғлим?” деяётгандай туюлди.

Собирнинг юраги ғашланди. Кундалик ишлар билан ўралашиб, отасининг биттагина илтимосини бажо келтира олмаганини, яъни у қачонлардир жалада қолганида ёнида ивиб кетган уруш ногиронли-

ги гувоҳномасини янгилаб бермагани, сенинг ишинг кўп болам, ўзим тўғирлайман деган отаси роса овор бўлганини эслади. “Мана, сенга одамгарчилик, – ўйлади у алам билан. – Мана, емай едириб, киймай кийдириб ўстирилган фарзанднинг отага муносабати. Битта ота ўнта болани боқади, лекин ўнта ўғил битта отани боқа олмайди, дегани шу эканми-я? Бу ерда – бегона шаҳарда эса отаси сингари бир ногирон уни оғир аҳволдан қутқармоқчи”.

Регистратор аёл оёқларини аста-аста босиб, иккинчи қаватдан тушиб келди.

– Қани, беринг ҳужжатларингизни, – деди у бу гал юмшаб.

– Менга эмас, мана бу болаларимга керак жой. Ўғлим, келиним бўлишади.

Ёлғон гапга Собирнинг гаши келди. Лекин отаси ёдига тушиб, нотанишга ич-ичидан раҳмат айтиб турарди.

Собир хотини ва уларга эргашган Қаландаров билан кўрсатилган хонани топиб чиқди. Бу ерда бежирим ёғоч кроватлар, кийим шкафи, стол ва икки стул бор эди. Қаландаров стол устидаги графиндан стаканга сув қуйиб ичди-да:

– Энди менга рухсат, меҳмонлар. Беодобгарчилик қилган бўлсам, хафа бўлмайсизлар. Байрам арафасида... Бироз оғизга текканди. Умуман, агар бу беодобгарчилик ҳисобланса, ишни битириш учун ҳам керак, – деди жилмайиб.

Нотаниш хайрлашиб чиқиб кетди. Бироздан кейин яна қайтиб келиб қолди. Шимининг чўнтагидан ручка ва ён дафтар чиқарди. Стулга ўтириб, тез-тез ёзди.

– Мана, – деди у Собирга бир парча қоғозни узатиб. – Бир кўрган таниш, икки кўрган билиш. Бизнинг адресимиз бу. Вақти-соати келиб уйга ўтарсизлар.

Боя тузуқроқ раҳмат айтишни унутган Собир ҳам ўз уй манзилни ёзиб, унга тутқазди:

– Йўлингиз тушганда кириб. Бугунги хизматингиз учун бир пиёла чой узатай.

* * *

Собир меҳмон боя қўлини фотиҳага қийналиб кўтарганини эслади. Бу – ўша, меҳмонхонадан жой топиб берган Қаландаров. Қайтар дунё экан. Қиёмат қарзни қайтариш вақти ҳам келди.

– Собиржон, – деди меҳмон эрталаб чой хўплар экан, – сиз бир аралашадиган иш бор эди-да.

– Қўлдан келса бажонидил, – сергакланди йигит.

– Келади. Сиздек касб эгаларининг қўлидан келмайдиган иш борми дунёда? Фақат ўшанда гостиница масаласида сиполик қилгансиз. Бўлмаса мен аралашмасам ҳам олардингиз жойни. Хатга тушдинг, ўтга тушдинг, деган гапни биласиз-ку. Шунга ўхшаб нотўғри иш қилса, ман-ман дегани ҳам кўрқади сизлардан. Иш бор жойда эса камчилик бўлади.

Боришган идорада Собирнинг сўзларини диққат билан тинглаган аёл узун альбомга ўхшаш дафтарни очди ва ёзувларни кўздан кечираркан, аста бош чайқади:

– Мумкин эмас, укажон. Сира мумкин эмас.

– Жамоат транспортида юришга қийналадилар. Вазият шуни талаб қилапти. Қўлланманинг изоҳ жойи бордир, ахир.

– Бўлмайди, укажон, бўлмайди. Эски маркадаги “Запорожец”ни яқинда олганлар. Янги маркадагисини вақт келганда оладилар. Бир кун илгари ўзларига ҳам айтганман. Тўғрими, амакижон?

Боядан бери жим ўтирган Қаландаров аввал қизарди-да, кейин ўрнидан шашт билан турди.

– Қўлланмани кўп таъкидлайверманг, қизим, – у билинар-билимас титрар, ичидан отилиб келаётган ғазабни зўрға босиб турар, ранги оқара бошлаган эди. – Қўлланма одам учун чиқарилган. Намунча ҳамманг қоғозга ёпишиб олмасаларинг.

Қаландаров овозида хирллаш аралаш титраш кучайди ва кўрагини чангаллаб ўтириб қолди.

Собир Қаландаровни таксига ўтқазиб, уйига келаркан, бир кўнгли бу ишга аралашиб хато қилганини ўйлади. Барибир илтимоси бажарилмади. Кейин ўзига тасалли берди: “Бундай фронтчилар учун янглишсанг ҳам савоб!”.

* * *

Квартираси эшиги тагида оёқ кийимлари кўпайиб қолибди. Ота-онаси келибди. Хурсанд бўлиб кетди.

– Болаларингни соғиндим, – деди отаси кўришаркан. – Сени-ку ҳар икки-уч кунда кўриб тураман. Лекин болаларинг кўз олдимдан кетмай қолди. Онанг билан келавердик.

Шу пайт унинг кўзи орқадан кириб келаётган Қаландаровга тушди-да, жим бўлиб қолди. Пешонасидаги ажинлар кўпайиб, юзи бўғриқиб кетгандек бўлди. Оғир-оғир нафас олди ва гандираклаб диванга бориб чўқди. Собир беихтиёр Қаландаровга қаради. Унинг юзида бирор нарсадан кўрққан боладек хавфсираш аломатлари кўринди.

– Менга узр, – деди у руҳан қийналаётгани шундоқ сезилиб. – Кеча келган кунимоқ самолёт учун қайтишга билет олгандим. Хаёлимдан кўтарилибди. Мен борай.

У остонадан ортига қайтаркан, чўнтақларидан олиб, пулини санаётган, ҳали кетиб улгурмаган такси шофёрига: “Аэропортга!” деди ҳаяжон аралаш бақириб. Йигит уйга кириб, ота-онаси билан сўрашди.

– Бу нопокни нима қилиб эргаштириб юрибсан? – деди отаси Собирга. – Сени аралаштирадиган қанақа иши бор экан?

Собир ҳаммасини гапириб берди.

Отаси баттар тутоқиб кетди:

– Номард у, бўлмаса урушга бормай, қинғир йўллар билан инвалидликка чиқиб олармиди? – Кейин баттар жаҳли чиқди. – Номардгина эмас, фронтчиларнинг соясига ҳам арзимайди.

Собир хижолат бўлди:

– Балки ўхшатгандирсиз?

– Ҳеч ўхшатганим йўқ. Илгари мен билан бир жойда яшаган. Урушга чақирилиш арафасида ичиб келиб, уйнинг учинчи қаватидаги зинадан пастга думалаб кетган. Елка суяклари синган. Бир қўлининг ногиронлиги шундан. Энди эса имтиёз талаб қилиб юрибди.

Собир ўйланиб қолди. Қия очик эшикни зичлаб ёпиб келди.

ГУЛЛАЁТГАН ДАРАХТ

Гулжаҳон эрта тонгда сут-қатигини бозорга олиб бориш учун эшикни очса, ё тавба, уйнинг нақ тагида икки туп ўрик дарахти пайдо бўлибди. Ажабки, улар яна куртак очиб, гуллай деб турибди. Қизиқ, осмондан тушганми ёки ердан чиққан, Гулжаҳон билолмай ёқа ушлаб қолди. Кеча оқшомга яқин эшикни тамбалаш олдидан одатича кўчанинг у ёқ, бу ёғига қараганида ҳеч вако йўқ эди. Бугун эса...

– Нормат, ҳой Нормат! – У ҳозир уйғотган ўғлини бақирганча чақирди. – Буни қара, ким эқди бу дарахтларни? – Кейин боласи етиб келгунича сабри чидамай зардали овозда: – Қайси гўрдан келиб қолди булар? – деди кўзларини кўчатлардан узмай.

Нормат ниҳолларни кўрдию, чеҳрасига билинар-билинемас жилмайиш ёйилиб, юзини бурди:

– Қаёқдан билай, ойи? Кеча кун бўйи сиз билан далада эдим-ку.

Гулжаҳон ўғлидан терс ўғирилди-да, сут-қатиқ тўла халтасини ликиллатганича жўнади-кетди.

Йигитча таътилда, лекин бўш ўтирмайди. Эрталаб мол-ҳолга қарайди. Кейин бир пиёла чойини ичиб, битта ёпган нон, қанд-қурс ёки туршак-ёнғоқни оқ рўмолга тугиб, белига боғлаб олади-да, далага жўнайди. Сигир-бузоқларни анҳор бўйларига ҳайдайди. Гоҳида арқон учига уланган қозиқларни ерга қоқиб, қаёққадир ғойиб бўлади. Отаси шаҳарга – қурилишда ишлашга кетган. Уйига ойда бир-икки келиб хабар олади. Онаси эрта тонг ва кечкурун сигир соғади, томорқасидаги экин-тикинга қарайди, ёлғиз боласининг кир-чирини ювади ва вақти етса... рўпарасидаги Жамол ота билан жанжаллашади.

Бу чол тушмагур ҳам сира тинч ўтирмайди. Ўғли йўқ, биттагина асранди қизини узатган. Кампири билан умргузаронлик қилади. Ҳалиям қўл-оёғи лойдан чиқмайди, кўнгли чинни пиёланинг жарангидек нозик. Ҳали у қўшнисига эшиги тагидаги дарахтларни буташни, ҳали бу қўшнисига кўча девори бўйлаб гул экиш ёки сузонғич буқасини кўчада боқмаслик ҳақида жаврагани-жавраган. Айниқса, рўпарасидаги мол-ҳол билан тирикчилик қиладиган Гулжаҳоннинг асабига теккани-теккан. Кўчага сигирларнинг чиқиндисини чиқарама, ҳовли этагига чуқур кавлаб кўмиб қўй, шунда атроф ҳидланмай ўғит бўлади, ахир кўчада тўй ҳам, маърака ҳам бўлиши мумкин, дейди. Гулжаҳон эса қарияга бидир-бидир қилиб гап қайтаради-да, кейин нари кетатуриб афтини бужмайтиради. “Жа-а қонимни ичвординг-ку!”

Қизиқ-да, Гулжаҳон билан Жамол ота, узр, ит-мушук эдилар-ку, лекин аёлнинг ўғли Нормат шу чол билан бува ва невара гўё. Бунинг сабаби шуки, ўспирин вақт топди дегунча онасидан яширинча қариянинг ҳовлисида пайдо бўлади-да, ундан тандир яшаш сирларини ўрганади.

Жамол ота дастлаб йигитчани хушламайгина қарши олди, гўё чолнинг олдида сира ёқтирмайдиган аёлнинг сояси тургандек бўларди. Анчагина ўспиринга қовоқ осиб, кўрслик қилиб юрганди, бир кун туш кўрди: отаси уйи эшиги олдида хафа ҳолда пайдо бўлиб, ерга қараганча тураверибди. Нега келдингиз, ота? – деб сўраса, рўпарасидаги қўшни уй томон бир боқиптиғ-ю ғойиб бўлибди.

Тушини кимга айтарди, албатта, кампирига-да.

У билан биргаликда тупроқ чангитиб катта бўлган, бир вақт шу қишлоқнинг қизи эди. Аниқроғи, собиқ синфдоши. Бир-бирларини Лайли-Мажнундек яхши кўришарди. Йигитча илк кўклам кунлари чучмома-лар чаман очилган кезлари гулларни даста-даста қилиб дастрўмолига ўраб, мактабга олиб борарди-да, қизалоққа пинҳона узатарди. Бу пайтда қизнинг юзлари тонг кўёши мисол бир ёришардию кейин чучмома-ларни матодан тикилган жилд сумкасига авайлаб солиб кўярди.

У пайтлар бундай жасоратли севги изҳорига нафақат бир оддий тандирчининг ўғли, ҳатто қишлоқнинг манаман деган каттаси бўлган раиснинг эркаси ҳам ботина олмасди. Лекин Жамол табиатан шўхшодон, чапани бўлгани учунми бундай “андишасиз” ҳаракатни оддий ҳол деб тушунар ва мабодо бирон кимса буни кўриб ёки билиб унинг ялпоқ қулоғидан чўзиш у ёқда турсин, озгина танбеҳ берсин-чи, ўша одам билан муштлашишга ҳам тайёр эди. Балки унинг авлодлари тандирсозлик қилиш учун лой пишитганларида ана шундай чайир ва ғурурли одамларга айланмишгандир.

Тақдир экан, ниҳоят улар турмуш қуришди ва афсуски, йигирма йилча бирга яшаб ҳам фарзандли бўла олишмади. Ўшанда эр-хотиннинг ёшликдаги ғанимларига ҳеч ўхшамаган гап топилди-қолди: гўёки Жамол олис йигитлик пайтларида қўшнисига табиб бобонинг ўт тушган болохонасидаги хашакни ўчираётганида пушти камари куйиб кетганмиш. Хуллас, шунча йил бирга яшаб қўйишдими, энди нима қилиш керак? Жамол ва Моҳиғул бир қиз асраб олишди. Оқ ювиб, оқ тараб катта қилишди. Ўн беш кунлик ойдек бўлиб етишди. Институтга ўқишга кирди. Бир кун қишлоқнинг кўчасида зулукдек қора машина кўринди-ю, чол-кампирининг пастқамгина уйи олдида тўхтаганида кўни-қўшнилар анграйиб қолишди. Охир-оқибат ўша савлатли машинадаги олифта совчилар сабаб чол-кампири истар-истамай яккаю ягоналарини олис шаҳарга узатишга рози бўлишди. Чунки қарияларнинг ўзлари ҳам ёшликларида бир-бирларини қандай севганликлари ва муҳаббат бир қўшиқда айтилгандек, айрилмас бало бўлишини ҳамон ширин тушдек унутишмаганди.

Тўйдан кейин эса ўзи шундоқ ҳам бўм-бўш уйлари қишқи яйловдаги кимсасиз ўтовдек ҳувиллади-қолди. На шундай ғамгин кезларда эр ва хотин ўзларининг хаёлидан ўтаётган аламли ва андишали ўйлардан ич-этларини кемиришар ва албатта, шундай бўлса-да ҳамон ҳаётларини бир-бирларидан сира айро тасаввур эта олмасдилар. Узатилган асранди қиз эса пўрим эри билан ойда, йилда бир келиб, чол-кампирига қимматбаҳо кийим-кечагу бир дунё рўзғор масаллиқларини ташлаб кетарди. Бироқ буларнинг ҳаммаси кучдан қолиб, кўнгли тобора нозиклашиб бо-раётган чол-кампири учун ёлғон юпанчдек туюлиб, кундалик дийдор ва озгина меҳр олдида сариқ чақачалик қийматга эга эмасди.

Ана шундай кунларнинг бирида кампир эрига тасалли бериб, “Ҳарҳолда бекор яшамадик, чолгинам, - деди аста ерга қараб. – Ёдингиздами, ўшанда онангиз айтиб берган воқеа. Чақалоқлигингизда ўпкангиз қаттиқ

шамоллаб қолган экан, агарда шу рўпарамиздаги кўшнимизнинг табиб бобоси бўлмаганида сиз ва мен шунча йил бирга яшармидик. Шунисига шукр қилинг, чолгинам”.

Шу топда эрининг кўнгли ёришди. Ахир хотини тўғри айтаяпти. Асранди бўлса ҳам боласи, ундан кўрган икки невараси бор. Лекин энди улар шаҳарчи, бу қишлоққа келишмайди, тўғрироғи, келишади, шунчаки, чол-кампирнинг кўнгли, э, бу ёғини айтса ҳаво алмаштириш, сайр учун.

Ҳа, кампирининг ёдида экан. Жамол ўша болалик пайтларида қаттиқ шамоллаганида бу дунёдан кетиши тайин бўлиб қолганди. Жойи жаннатда бўлгур кўшни табиб бобо қандайдир ўт-ўландан дори тайёрлаб, Жамолнинг онасига берди-да, гўдак омон қолди. Тақдирни қарангки, яна табиб бобонинг авлоди билан кўшни. Қайтар дунё экан, бунгача даланинг бир чеккасида унинг отасига кўшни бўлиб яшашар, болохонасига ўт тушганда, у пайтлар азамат, чайир йигит Жамол ловуллаб ёнаётган хашақлар ўрамига ўзини урган, яланг қўл билан ғарамларни кўчага улоқтирганди. Кипригу қошлари куйиб кетганига қарамай даҳшатли оловни енга олганди.

Бу воқеага анча йиллар бўлган, табиб бобонинг ўғли дунёдан ўтган, лекин чамаси ўғли ва келинига бу ҳақда индамаганди. Шу сабаб Гулжаҳон ўша пайтдаги абжир, йигит эндиликда соқоли оппоқ оқарган чолнинг насихатларига ёв қараш билан жавоб қиларди: “Ҳа, майли, – ўйларди чол ажиб таскин топиб, – ҳарҳолда қайнотасининг уйи ёниб кул бўлишидан сақлаб қарзимни узгандим. Энди бу дунёдан... ҳа, начора армонсиз кетарман”. Бироздан сўнг кўнгли яна ғашланарди.

Ана шундай кунларнинг бирида у қайта туш кўрди: отаси унга норози қиёфада қараб турганмиш. Ёнида тандир... Ва ажабки, бирдан рўпара кўшнисини Гулжаҳоннинг Нормат ўғли пайдо бўлибди.

Чол бу сафар тушини кампирига айтмади. Нима қиламан яна ўтмишимизни эслатиб, деб ўйлади. Йигитчанинг тандир тайёрлашга ишқибозлиги, ҳовли этагида уюлиб ётган тупроқни лойга айлантираётгани Жамол отада невараси мисол Норматга меҳрини оширди. Ана энди етти авлоди тандирчи ўтган қариянинг кўнгли жойига тушди.

– Болам, кўлинг анча келиб қолибди, – деди қария эртасига жилмайиб. – Бўш пайтингда чиқавер, биргалашиб ишлайверамиз. Яратганга беадад шукрлар бўлсин, қишлоғимизда донимиз мўл. Демакки, нонимиз мўл бўлиши учун тандиримиз ҳам кўп бўлиши керак.

Шу куни бозордан қайтган Гулжаҳон сигири маъраб безор қилгач ўғлини қарғади:

– Ҳа, қулоғинг қурғур, эрталаб мендан кейин яна уйқуга кетгансан, шекилли, молнинг аҳволини қара. Бор, болохонадан хашақ олиб туш.

Нормат қовоғини уйиб, нарвондан кўтарила бошлади. Қоронғуда охирги зинасига оёқ кўйганди, бир силкинди-ю, болохона устунини тутолмай паст-

га кулади. Ерда эса хашақ майдалайдиган зилзамбил жоди ётарди. Йигитча биқинидаги қаттиқ оғриқдан азобланиб йиғлар, ўрнидан кўзғалиш у ёқда турсин, чўккалаб ўтиришга ҳам мадори келмасди. Бақир-чақирни эшитган Жамол ота кўчага чиқди-ю аҳволни билиб қўл телефонида тез ёрдам чақирди. Докторнинг ҳай-ҳайлашига қарамай мен бувасиман деганча машинадаги Норматнинг ёнига чиқиб олди.

Чол қабулхонада Гулжаҳон билан анча кутиб қолди. Бир пайт унинг рўпарасига оқ халатли хипча киши чиқиб келди.

– Сиз бувасимисиз? – сўради у чолдан, кейин жавобини кутмаёқ давом этди: – Набирангизнинг оёғи синибди. – Майли, тузалиб кетар, лекин... – унинг овози титради. – Битта буйраги ёмон жароҳатланган. Олиб ташлашга тўғри келмаса бўлди.

Гулжаҳон дод солиб йиғлади:

– Вой, болам-а, ёлғизгинам-а! Оллоҳим, нима гуноҳим учун бошимга шундай кулфат солдинг?!

Жамол отанинг серажин пешонасидан муздек тер чиқиб кетди. Қўллари билан шими чўнтақларидаги рўмолчасини ахтарар экан:

– Ўғлим, агар шундай бўлса боламга мана мен буйрагимни бераман, – деди шошиб. – Ичмаганман, чекмаганман, қара, соппа-соғман.

Гулжаҳон бирдан йиғидан тўхтаб, чолга бақирди:

– Вой, сиз қари чолнинг буйраги кимга керак! – Сўнг докторга қаради. – Мана мен онасиман, болам учун жонимни ҳам беришга тайёрман.

Доктор бу гаплардан гарангсиради-да “Кутиб туринглар-чи, аниқ жавобини кейинроқ оласиз”, – деганча хонаси томон йўл олди.

Бир неча кун ўтгач Нормат гипсланган оёқ билан касалхонадан қайтди. Докторлар зўр экан, жароҳатланган буйракни даволашибди.

Жамол ота ва Моҳигул хола Норматни кўргани чиқишди.

– Мана, бу ўзинг ясаган тандирда ёпилган нон, – деди ота уларни хонтахта устига қўяркан. – Туппатузук шогирд бўлиб қолибсан. – Кейин Гулжаҳонга қаради. – Тўғрими, келин?

Келин эса бир пайтдаги ўз ўғлини қарғгани ёдига тушди шекилли, шошиб: “Ҳа, ҳа, сиз фақат дуо қилиб турсангиз бас”, – деди уялганча. Кейин ўйлади: “Онанинг қарғиши ўтмайди дейишарди. Нима, ўғлимнинг нарвондан йиқилиши тасодифми? Уф-ф, барибир яхши ният қилиш керак экан”.

Бу вақтда қариянинг кўзларида ёш милтиллади. Унинг хаёлидан нима ўтганини фақат ўзи биларди: “Ҳа, ота-боболаримиз одамларга яхшилиқни раво кўр деганлари ҳозир ҳам амалда. Э, буёғини айтсам, энди етти авлодимда давом этган тандирсозлик хунари қишлоғимда ҳам яшайверади”.

Кўчага чиқишди. Жамол ота кўшнисининг уйи биқинига тунов куни оқшомда ўзи эккан икки туп ўрик дарахти оппоқ гуллаб бошлаганди.





БОБУР ИЖОДИДА ВАТАН МАДҲИ



Улуғ бобокалонимиз Заҳриддин Муҳаммад Бобур ҳақида сўз борар экан, унинг тарихимизда, адабиёти-мизда беқиёс ўрин тутганига аҳамият қаратиш жоиз. Айниқса, шоирнинг мумтоз шеърятимизда янгича руҳ – Ватан ва унга бўлган ишқ улғуворлиги йўғрилган шеърлари диққатга сазовордир.

Шу ўринда адабиётшунос олим В. Раҳмоновнинг куйидаги фикрларини келтириб ўтишни жоиз деб топдим: „Бадиий маҳорат бобида бирор ўзбек шоири Бобур билан беллаша олмайди. ...унинг мумтоз шеърятга дадил киритган таржимайи ҳоллик хусусияти ҳам Бобур шеърятини алоҳида нурлантириб туради. Ана шу кейинги хусусият шоирнинг ватанпарварлик туйғуларига жон бағишлайди“.

Дарҳақиқат, Бобур ижодига назар ташлар эканмиз, кўпгина шеърлари ҳасби ҳол мазмунида бўлиб, мавзу жиҳатдан ватан ва унга бўлган соғинч асосий ўринга чиқади. Унинг ижодида ўз ҳаёти билан бақамтилик сезилиб туради: шоҳ сифатида бошига тушган қийинчиликларни қоғозга туширади. Зеро, ватандан айролик, ватанига ҳукмдор бўлолмагани шоир наздида ўз „хато“ларидан бири эканлигини ёзади:

*Толёъ йўқи жонимға балолоғ бўлди,
Ҳар ишники айладим, хатолиғ бўлди.
Ўз ерин қўйиб, Ҳинд сори юзландим,
Ё Раб, нетайин, не юз қаролиғ бўлди.*

Тарихий асарларга назар ташлар эканмиз, ўша даврда Мовароуннаҳрдаги ижтимоий-сиёсий муҳит Бобурнинг юртда узок вақт ҳукмдорлик қилишига йўл бермаган. Бобурнинг ўзи хусусидаги юқоридаги айблови эса унинг ўзига нисбатан талабчанлигидан, камтар инсон бўлганидан далолат беради. У бениҳоят азият чекиб, ўзга юртга (аввал Кобулга) кетишга мажбур бўлади. Шоир бу ҳақда куйидаги ғазалда шундай дейди:

*Эл билмаса ҳолатим, билур ёр,
Ҳоломдин эрур Худой озоҳ.
Кобул сори гар азимат этсане,
Қурбон қилай ўзни санга, эй шоҳ!*

*Бобур яна ўтлуқ оҳ чектинг,
Куйдурмасун элни оҳ ногоҳ!*

Кўринадики, Бобур ҳаётидаги турли қийинчиликлар, қарама-қаршилиқлар, гарчи у заковат бобида ҳам муносиб тарбия кўрган бўлса-да, унинг ақл чархини янада ўткирлаб, донишмандга айлантирди, десак муболаға бўлмайди. Зеро, унинг кўпгина ғазалларида файласуфона руҳ яққол намоён бўлади:

*Улуснинг таъну таърифи манга, Бобур, баробардир,
Бу оламда ўзумни чун ямон – яхшидин ўткардим.*

У Мовароуннаҳрни тарк этгач, ижодида Ватан мотиви янада кучайди, алоҳида ҳасратли мазмун касб этди. Эндиликда ватан тушунчаси ҳам, ғурбат ва ғариблик тушунчалари ҳам кенгайди, конкретлашади. Шоирга она юртда қолган дўст-у ёр, хеш-у ақрабolar ва, ҳатто, туғилган ўлка табиати, ноз-у неъматлари Ватанни эслатади, унинг бир бўлаги сифатида соғинч билан орзу этилади, ардоқланади:

*Қовун бирла узумнинг ҳажрида кўнғлимда ғам ҳар сў,
Оқар сувнинг фироқидин кўзимдин ҳар дам оқар сув.*

Маълумки, Бобур адолатли подшоҳ сифатида, ҳукмрон бўлган юртларда ҳам адолатли сиёсат юритди. Халқни маърифатга, бунёдкорликка чорлади. Маънавий ҳаётга салбий таъсир этувчи омиллардан воз кечиб, жамият ҳаётида уларни таъқиқлаб қўйди. Ҳинд халқи ҳаёти ва маданиятининг гуллаб-яшнашига юксак ҳисса қўшди. Ўзининг илм-у ирфони билан маърифатни янада ривожлантирди. Аммо умр бўйи унинг хаёлини Ватан, унга бўлган интилиш банд этди:

*Не ерда бўлсанг, эй гул андадур чун жони Бобурнинг,
Ғарибинга тараҳхум айлагилким, андижонийдир.*

Демак, Бобур ижодида ватан мотиви ғоят юксак аҳамият касб этади. Зеро, у ўзга юртда ошён курган бўлса-да, ўз юртини, ўзлигини унутмаган чин ўзбек фарзандидир.

Нилуфар ЧЎЛИЕВА

1992 йилда Қашқадарё вилоятининг Косон туманида туғилган. Қарши Давлат университети ўзбек филологияси факультети талабаси. Турли нашрларда илмий мақолалари чоп этилган.



Энг ёруғ юлдуз ҳам яшнамас мангу

СОҒИНЧ РАНГЛАРИ

Соғинчинг рангини кўрсатинг менга,
Ва унининг қанақа бўлишин айтинг.
Қўлингиздан келса соғинтирманг сиз,
Соғиниб йиғласам ёшларим артинг.
Соғиндим меҳрли қўлнинг тафтини,
Илиқ бармоқларни сездим бошимда.
Қанийди кипригим кўтарган чоғим,
Сизни кўрсам эди яна қошимда.
Бу истак балки бир умрлик рўё,
Армонли кунимга армон улашар.
Қаранг, бир мавжланиб турган ўрикнинг
Гулини шамоллар қайларга ташир.
У сочиб юборар гулни йўлларга,
Гўё шу йўлдан сиз келадигандек.
Соғинч рангларини кўрсатиб менга,
Яна ичимдагин биладигандек,
Келасиз қулиб.

ТОНГНИ КУТАМАН

Уйқу қочган эмас дунё кўзидан,
Сукутга юз бурар маъсума онлар.
Оқшом гўшаларда мудраган бу дам,
Менинг кўзларимда оқарар тонглар.

Сайроқи қушчалар қўшигин ютиб,
Жимгина туш кўрар юмганича кўз.



Ҳисларим чуғурлар тунни чўчитиб,
Нигоҳим тафтида эрийди юлдуз.

Қоп-қора сочимга ўзни урар тун,
Кўнглимдек ёришар уфқ олами.
Яна висол голиб, кўтарилар Кун,
Поклик фаришасин қутлуғ қадами –
Тонгни кутаман!

ДАРМОН БЎЛАР СЎЗ

Ёниб турган шамдек юмшади кўнглим,
Энг ёруғ юлдуз ҳам яшнамас мангу.
Опажон, сиз менга шундай сўз айтинг,
Боссам юрагимга дармон бўлсин у.

Баҳорни етаклаб келибди кунлар,
Шохларда орзумдек барг ёзди куртак.
Шамолда сочилган ўрик гуллари,
Сизни соғинганим билмаса керак.

Димогимга келар Ургуут ҳавоси,
Тўрт девор ичига келибди йўқлаб.
Кўзимдан қуйилиб келган соғинчим,
Кичкина бағримни кетди-ку чўглаб.

Опажон, сиз менга шундай сўз айтинг,
Боссам юрагимга дармон бўлсин у.

ҲОЛАТ

Қишининг совуқ туни.
Юлдузлар тарс-тарс,
Ёрилган кўсакдек очганда чирой.
Фалак мамлакатин байроғи бўлиб,
Тинмай ҳилтирайди кўк тоқида ой.

Осмонга шиддат-ла бўғриқиб чиқар,
Кўзларни ёшлатиб ачимтир тутун.
Муз каби қисирлаб синар юлдузлар,
Пештоққа бош тираб ўй сураб устун.

Томирида қони югурган эй, дўст,
Қишининг бу захрига демагил, кўндим.
Кўкка умид билан термулар ҳатто,
Менинг бу қайсару девона кўнглим.

ОЙГА

Сокин оқиом. Кўкнинг бағрини
Ёритарди юлдузлар шами.
Оқ юзини буриб бир четга,
Кўрдим ойнинг йиғлаётганин.
Юрагимдан узилди бир тор,
Етмай қолди ўпкамага ҳаво.
Шунча баланд жойда турса ҳам,
Нега йиғлар Ой қиз, айт, момо.
Кўшиқларда, шеърда таърифни,
Бўй қизларни қиёслар унга.
Ё согинчи ортдимми бисёр,
Етмадимми ошиғи – Кўнга.
Маъюсланма, ёшингни тўкма,
Ёлғизман, деб ўйлама зинҳор.
Ҳар кеч кўкка боқиб сен ҳақда,
Ўйлаётган битта қизча бор.



Кел, меҳримни узатайин, ол,
Муҳаббатим кўрсатсин сеҳр.
Йиғлаётган ўша сулувга
Кўзларимдан узатдим меҳр.

КИЙИБ ВИСОЛ КҮЙЛАГИН

Пичирлайди кўчада хазон,
Ниманидир сўзлаб юрибди.
Янги чиққан ой кўк тоқида
Сариқ баргдек титраб турибди.

Кўнгил боғим кезаман, ундан
Келиб тутар сизнинг ҳидингиз.
Атиргулу райҳонларини
Эркалайди, суяди бир қиз.

Ҳижронлардан сўз очманг зинҳор,
Уни баланд дорга осингиз.
Кийиб висол кўйлагин, эй ёр,
Энди йўлга тушиб келингиз.

ФИДОЙИЛИК

Бир тутам кун, бир тутам армон
Юрагимни эза бошлайди.
Дарахтдаги энг сўнги япроқ
Оқиом нурин сеза бошлайди.

Ботиб кетар қуёш бирпасда
Зулумотга чўмади борлиқ.
Япроққа бахт бермоқ-чун эски
Дардим қилдим мен тутантириқ.



Наср Наср
Наср Наср Наср



Бахтиёр НУРИДДИНОВ



У ДУНЁ ХАРИДОРИ

Ҳикоя

Узоқнинг иши қийин-да.

Ҳеч бунақа бўлади деб ўйламаганди. Отасининг сўнги дамларида ёнида туrolмади. Акаси билан укаси ҳар қалай бошида бўлишди. Иссиқ-совуғига қарашди. Охирги сўзларини, насиҳатларини эшитишди. У бўлса... ҳеч киммас, ўзига-ўзи шундай баҳо берарди: кимга керак бунақа обрў... Уйлаган сари юраги эзилади.

– Сизни отам узоқ кутди. Охирги кунлари фақат эшикка термулиб ётди. Бирор нима демоқчи бўлди шекилли. Бизга айтолмади, – деди укаси.

У индамади. Нимаям десин. Шаҳардан туриб ҳаракат қилганини айтсинми ёки улгуриб келолмаганини?.. Ўйлаб ўйининг адоғига етолмаяпти.

– Ярим соат, бир соат илгарироқ қимилласанг бўларди-ю, ука! Олис йўл бўлса. Отамни сенга айтар сўзи боридийкан, – деди акасиам тўнғиллаб.

Нима қилсин, шундай бўлиб қолди. Вақтни ортга қайтариб бўлмаса. У билан ҳеч кимнинг иши йўқ. Шундоғам ич-эти шалвираб бўлди. Энди ҳаммаси кеч. Ўзи билади ўзидан ўтаётганини. Ҳозир дашномнинг пайtimi?..

Ҳолироқ жойга ўтди. Одамларга кўрингиси келмасди. Назарида ҳамма «Садқаи ўғил кет-э», деяётгандек туюларди. Уларнинг нигоҳларига бардош беролмади. Укаси ёнига келди.

– Отамнинг уч ўғли борлигини ҳамма билади. Ўзингизни опқочманг, ака. Қаторда турун.

У укаси айтганидек қилди. Эл оғзига элак тутиб бўларканми. Шуниям гапиришмасин тагин.

Жанозада тумонат одам бўлди. Фотиҳадан сўнг бариси кетма-кет кўнғил сўрай бошлашди. Шу кўйи учовлон шомгача тик туришди. Отаси феъли кенг одам эди. Катта-ю кичикнинг ҳурматини қиларди. Адашмаган бўлса яқин атрофдаги етти қишлоқдан одам ёпирилиб келди. Майитни қабристонга қўйиб қайтган пайти эъти-

борини оппоқ, баҳайбат ит тортди. Одамлар орасидан индамайгина дарвозахонага термулиб турарди. Ҳар бир кишига тикилади. Ҳеч ким унга парво қилмасди. У ҳам бир четда келган-кетганга қараб анча турди. Кейин кўчанинг нариги бетидаги кўшнининг девори тагига бориб, оёғини узатиб ётиб олди.

– Ўша машҳур зотданми, дейман? – одамлар ғалаовурида тоғасининг овози қулоғига чалинди.

– Ҳа, шунақага ўхшайди, – деди амакиси ҳам тасдиқлаб.

– Эшитардим, ҳеч кўрмагандим бунақа итни. Анча ҳайбатли экан.

– Ҳа-а... Қанчалик рост билмадим-ку, мана шу Қорадарё бўйларида қадимда бир дев бўлган дейишадди. У атрофдаги тўқайзорда кун кечирган экан. Ҳар тунда емиш излаб чиқиб наъра тортаркан. Унга ҳеч ким бас кела олмаган экан, – деб гап бошлади амакиси. Тоғаси жимгина эшитиб бош қимирлатиб ўтирарди. – Қишлоқда бир паҳлавон чўпон бўлган. Отини Қораяғир дейишганакан. У одамларнинг чорвасини ана шу девдан асраб боқаркан-у, ҳеч косаси оқармаскан. Унинг худди шунга ўхшаш Оқтой номли баҳайбат ити бўлган эмиш...

Амакисининг гапи чала қолди. Бир тўпда одам фотиҳага келиб қолди. Тоғаси билан амакиси ўрниларидан туриб уларни кутиб олишди. Тиловат бошланди. Қироат оҳанги одамга ўтмишни эслатарди. Ёдига отасининг айвонда эртаси айтиб берган кунлари тушди.

...Бир куни Яғир чўпон одамларга ёлғизлигидан нолибди. Қишлоқ катталари маслаҳатлашиб уни сағир бир қизга уйлантиришибди. Яғирбой қирқ кун хотини билан бўлиб, чўпонлик таёғини деворга суяб қўйибди. Ношукурлик-да. Бу вақт ичида дев одамлардан ҳар кунига бештадан қўй талаб қилибди. Бўлмаса қирон солиши аниқ экан. Қишлоқ кексалари кенгашиб Яғирнинг олдига боришибди. Бор гапни айтишибди. Паҳлавон яна чўпонликка қайтибди. Аммо дев кутургандан-кутурганмиш. Яғирбой у билан курашишга аҳд қилибди.

Бахтиёр НУРИДДИНОВ

1972 йилда Андижон вилоятининг Жалақудуқ туманида туғилган. Тошкент Давлат университетини (ҳозирги ЎзМУ)нинг ўзбек филологияси факультетини тамомлаган. Ҳозирда Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг Телерадиодастурларни мониторинг ва таҳлил қилиш бўлимида бош мутахассис лавозимида фаолият юритиб келяпти.

Ҳикоя ва мақолалари матбуотда чоп этилган.



Аммо хотини қаршилиқ кўрсатибди. Шунда ҳарчанд кўнмаса ҳам Оқтойни дарахтга боғлаб ёри билан қолдирибди ва ёнига катта идишда сув қўйиб:

– Агар Оқтой сувишишга қарамай қўйса, ундаги сув айний бошласа билгинки, менга бирон қор-қол бўлган. Шунда итни қўйиб юбор, – деб тайинлабди.

Кунлар кетидан кунлар ўтибди. Яғир чўпондан дарак бўлмабди. Оқтой кечалари увлаб чиқармиш. Келин сувишишдаги сувга қараса айний бошлабди. Итнинг ёнига бориб, бўшатиб юборишга қўрқибди. Шунда Оқтойнинг ўзи олдинга ташланиб, тупроқ тимдалабди. Жон жаҳди билан занжирни ғажиб, ниҳоят узибди. Елдек учи бориб эгасини топибди. Қараса дев чўпонни банди қилганмиш. Оқтой махлуққа ташланиб олишибди. Девни енгиб Яғир чўпонни озод қилибди.

Итнинг вафодорлиги ҳақида кўп ўқиганди. Болалигида отасидан эшитган бу эртани эслаб итга қараб қўйди. Зотдорлиги ростга ўхшайди. Бу ҳикояни отасига

бобоси айтиб берган бўлиши керак, амакиси ҳам худди ўзи эшитганидек ҳикоя қила бошлаганди.

Одам кўп эди. Келди-кетди тинмасди. Баъзилар итдан чўчигандек ўзларини четга торта бошлашди. У ҳатто пинагини бузмасди. Олд оёқлари устига бошини қўйиб, атрофга аланг-жаланг қарарди. Кимнинг ити экан, ҳалидан ўтказди у. Ҳеч кимга эргашмайди ҳам. Бу ёғи қизиқ бўлди-ку. Уч кун деганда ҳам яна ўша оқ ит пайдо бўлди. Энди одамларга яқинлашмасди-ю, узоқдан – четкўча бошида туриб кузатарди. У қўшнилardan сўрашга ийманди. Унга эрмак топилганди. Аҳён-аҳён итга қараб чалғирди. Ҳатто отасининг биринчи пайшанбаси, якшанбаси, еттиси, йигирмасида ҳам жонивор келди. Фақат бугун – қирқда кўринмади. Ўрганиб қолган экан. Зимдан у ёқ-бу ёқни қидирди. Кўринмади. Шомгача кутди. Келмади. Бирон қор-қол бўлдимикин?.. Хаёлига келган ўйдан алланечук бўлиб кетди. Нега бунчалик қайғурмаса. Эгаси боғлаб қўйгандир-да. Қаровсиз бўлмаса керак ҳойнаҳой. Бироз тинчланди. Жон куйдиришга арзимайди. Ахир бир жонивор бўлса.

...Одам ўтгандан кейин маросимлари жуда кўп бўларкан. Олдинлари аҳамият бермаганмиди, аранг қирқгача чидади. Эртага кетади.

Бугун кечки йўлга чиқмоқчи эди:

– Қирқига чидадинг, қирқ бирига ҳам чида! – дейишди аммалари.

Яна эллик иккисиям яқин. Бу маросимга болалари билан қайтиб келади. Эллик иккинчи кун майитнинг товони ёриларкан. Унга шундай дейишди. Бу осон бўлиши учун арвоҳга йўқлов керак. Пахтадан пилик ясалади. Сўнг мойга ботириб олиб, чироқ ёқишади. Ёнига беҳи новдаларидан қўйилади. Арвоҳ келиб унга ўтиради ва пилик шуъласида ўйноқлаб, хурсанд бўлади. Одамнинг руҳи шундай йўқланади. Ҳар тугул шунақа-да!.. Тирик вақтларида йўқлашга вақт тополмайсан. Ҳолидан хабар олишга эрисанан. Дунёнинг ишлари, бола-чақа дейсан, яна ошна-оғайни... Лекин бу удумларни ўтказиш шарт. Бир тарафдан тўғри. Шундай қилинмаса, эсдан чиқариб юборилиши аниқ. Ўлдинг – ўчдинг!..

Оғасиям, инисиям ҳамон дакки беришдан чарчашмасди. У бўлса жониворни қидиришдан. Қаёқда қолдикин. Ростданам кўниқиб қопти шекилли. Ўтган кунлар давомида буни сезмабдиям. Майли, тирик бўлса келар...

Кечки овқатга ҳаммалари жам бўлишди. Худди болалик чоғларидагидек. Акаси, укаси, синглиси, ўзи, онаси... Фақат қаторда отаси йўқ, холос. Шу ҳол унга озор берарди. Юрагининг бир четини нимадир пастга қараб тортқилайди. Бир кам дунё-да. Ўзича тасалли излайди. Йўқ. Ичидаги кемтикни ёпадиган ҳеч нарса йўқ, тополмайди. Ўтган ўтиб кетди. Йиғи-сиғи фойдасиз. Ҳеч кимни ортга қайтариб бўлмайди. Хоҳ кўзёшлар дарё бўлиб оқсин. Барибир... Валломатларининг ҳам бунга қурби етмайди. Фақат Яратгандан бошқа. Бироқ Тангри таоло буни истамайди. Ҳаёт қонунларини ўзгартирмайди. Бу тошга ўйилган битик. Тақдири азал дейишади буни.

...Томоғидан таом зўрға ўтяпти. Аммо ейиш керак. Эрталабдан бери туз тотмади. Лекин қандоқ?.. Мажбурлаб, фақат мажбурлаб ютарди ҳар бир луқмани. Худди шундай. Бунча тансиқ бўлмаса бу таом. Шу бўлса керакда унинг ризқи, туз-насибаси. Ҳали у учун ҳаёт олдинда. Базўр бўлса ҳам томоғидан ош-овқат ўтяптими, демак ейиш керак. Ҳа-ҳа! Яшаш учун ейди.

Унга нима бўлди. Бугун ҳатто йиғламадиям. Одамнинг бардоши метин бўларкан. Чидаркан. Ҳамма нарсага кўникаркан-да. Бироқ барисининг чегараси бор.

Қаҳри қанчалик қаттиқ бўлмасин, отасининг ўрни билина бошлади. Ўзини танҳо сезяпти. Эсида, чайлада кутиб ўтиришни сўраганда қирга кетиб қолгани. Ўшанда отаси ярим кун қидирган. Қаттиқ шамол бўлганди. Тулкилар инидан чиқиб, изғий бошлаган. Тўқ қизил жониворни шунда яқиндан кўрганди. Ёнгинасидан чопиб ўтган. Юраги ёрилаёзганди. Отасини узоқдан таниган. Елкасига пиджагини ташлаб юрарди. Кучоқ очиб, чопиб борувди олди. Аввалига қаттиқ уришди. Ерга қараб милт-милт кўзёш тўкканди. Сўнг иккаловлари туяни ўркачига ўхшаш адирликнинг илонизи йўлидан анчагача индамай юриб боришган. Отаси чидаёлмай, маҳкам бағрига босиб эркалаганди. Бошидан чақаларни айлан-тириб, ерга сочганди.

– Бундан кейин қулоқсизлик қилмагин, – деб пичирловди.

Эркалашларини соғиняпти. Меҳрини кўмсаепти. Наҳот ўзини дунёга келтирган зот йўқ энди. У ёлғиз... Жигарлари-чи, оға-инилари-чи?!.. Уларга бир-бир зимдан разм солди. Овқат ейшяпти. Ҳаммалари очикқан. Билмади. Унга шундай туюляпти.

Онаси:

– Ол! – деб овқатга ундади.

Унинг бўлса иштаҳаси йўқ. Бир қошиқ овқатни у лунжидан бу лунжигача олиб узоқ чайнаб ўтирарди. Яқинлари қатори мажбур еди. Кўнгли хира тортганди. Ҳеч ёришмасди. Қандай ёришсин.

Ҳаммалари овқатланиб бўлиб, қўлларини сочиққа артишди. Онаси дуо қилди. Яратгандан оиласига хотир-жамлик сўради. Кейин:

– Энди уй-уйларингга боринглар! Қирқ кун аза тутдинглар. Етар. Эшик-элга ҳам қаранглар, – деди вазмин овозида, ўзи истамаса ҳам.

Бироздан кейин кўни-қўшниларни чақиртирди. Улардан битта-битта ҳамроҳ қилиб ҳаммаларини кузатди. Таомил шундай-да. Онаси ҳам толиққанди. Ҳар кунги маросимлар чарчатган кўринади, туришга ҳам мажол тополмади. Ҳамма кетди. Фақат у қолди.

* * *

Узоқнинг иши қийин-да.

Унга ҳеч ким ҳамроҳлик қилолмайди. Эрта бўлса ўзи кетади. Якка-ёлғиз. Ҳамроҳсиз. Дара, довон ошиб... Тонг сахар йўлга чиқади. Ишқилиб шу тунни тинч ўтказиб олса бўлгани. Юраги ғаш.

Онаси билан ёлғиз қолишди. Гаплашишга ҳоллари йўқ эди. Фақат бир-бирларига термулиб ўтиришарди. Анчадан кейин акаси билан укаси қайтиб келишди.

– Укам кетмай гаплашволсак дегандим, – деди онасига акаси.

У ҳайрон бўлди. Даккилардан қулоқлари энди тинганди. Онаси ҳам «Нима бўлди?» дегандек киприк қокди. У елка қисиб, индамай ўтираверди.

– Боғни сотмоқчимиз, – деди укаси ҳам.

Онаси бир қалқиб тушди.

У ҳам буни кутмаганди. Қулоқларига ишонмади. Тўғри эшитдимми ўзи?!.. Қулоқлари остида укасининг гапи шанғиллай бошлади. Сотишмоқчимми?.. Ота боғини-я. Етимқирда катта боғлари бор эди. Отаси парваришларди. Ростданам қондошлари шу ишни қилишадими?!

– Нима учун? – қатъий овозда сўради онаси.

– Ким қарайди бўлмасам? – саволга савол билан жавоб берди акаси.

– Сс... сизлар-чи?! Ахир, отанг..

У ёғини айтолмади онаси. Қирқ кун эзгиланган юракка бу гаплар оғир эди. «Нима бу, синовми ё чилининг бу дунёда чала қолган ишларими?! Фарзандлари охирига етказиб қўймоқчидир балки. Оталарининг сўнгги тилаги шудир-да», ўйларди муштипар она.

Ҳаммаси қоронғи ва мавҳум. Тушунмаяптими ёки тушунишни хоҳламаяптими?.. Шундай бўлиши керакдир. Онаси ростданам толиққанга ўхшайди. Нажот билан унга термулди. У ҳамон жим ўтирарди. Нимаям дерди. Қарор айтилди-ку.

– Боғ отамдан мерос. Ҳаммамизга асқотади ҳали, – деди анчадан сўнг аранг акаси билан укасига қараб.

– Кўчиб кел унда! – кескин жавоб қилди акаси.

У яна жимиб қолди.

Гапга онаси аралашди.

– Катта боққа отангни меҳнати сингган. Ҳеч бўлмасам йили ўтсин, – деди чорасиз алфозда.

– Унгача ҳамма дарахтлар қуриб битади, – деди укаси кескин, гапни чўрт кесиб. – Менинг... қарашга вақтим йўқ.

– Мениям ишим бошимдан ошиб-тошиб ётибди, – қўшилди акаси. Сўнг кинояомуз тикилди унга. – Сен келиб қаролмасанг керак?

Бу аниқ эди. Оға-инисининг режаси пухта. Қаршилиқ қилишнинг иложи йўқ. Бир томондан улар ҳақ. Боққа қаров керак. Парвариш қилинмаса дарахтлар қурийдилар. Уволи бор. Ҳеч кимга керакмас бу. Ҳозир битта гап ҳам ортиқча. Сўнгги сўзни онаси айтади. Лекин жим. Нимаям десин бечора онаси. Бошига тушган дардни эндигина унута бошлаган эди. Орадан ҳеч қанча ўтмай яна бу ғавго.

Онаси ўрнидан кўзғалди. Секин юриб, ичкари уйга кириб кетди. Чироқни ёқиб дераза ёнига ўтириб олди. Ўғиллари ортидан тикилиб турарди. Онаси қўлига тасбеҳ олиб, бирма-бир ўгира бошлади. Акаси билан укаси ўрнидан даст туриб, чиқиб кетишди. Сукутни розилик аломати, деб билишди. Ўзи ҳам шундай эди. На илож. Уларни йўлдан қайтаришга ҳеч кимда куч ҳам, истак ҳам йўқ эди. Шу аснода ўтирган ўрнида кўзи илинди. Анча мизғибди. Бироз дам олгандек бўлди. Ташқаридаги ғала-ғовурдан чўчиб уйғонди. Вақт ҳам алламаҳал. Тун ярим бўлишига қарамай онаси ҳануз тасбеҳ ўгириб, бир нималарни пичирлаб ўтирарди. Айвондан ҳовлига қаради. Ишқом тагидаги сўрида акаси билан укаси, яна аллакимлардир бир-бирлари билан баҳслашишарди. Ҳойнаҳой боғ савдосига ўхшайди. Уйқутираган кўйи жим кузатиб турди. Онасининг нигоҳлари ҳам икки дераза оша уларга қадалганди. Борган сари кўзларидан реза-реза ёш сизарди. У онасининг олдида кирди. Ёнига тиз чўкиб маҳкам кучди. Қўлларини юзларига босди. Болаларча суйқалиб ёлвориб тушди.

– Ҳўп десангиз сизни ўзим билан олиб кетаман, – деди.

Онаси лом-мим демади. Кўрпасининг қатларини тимирскилаб, қинли пичоқни олиб унга узатди.

– Шуни отангдан ёдгорлик деб бил, доим ёнида олиб юрарди. Йигит кишининг кўрки, ҳамини ҳамроҳ, дерди.

Бироздан сўнг:

– Сенга бошқа ҳеч нима беролмайман, – деб қўшимча қилиб қўйди айбдордек ерга боқиб.

Нима керак яна. Шунинг ўзи кифоя-ку!..

– Кулала-кулала! Мени ўғлим кула-а-лаа...а! – отасининг овози эшитилгандек бўлди қулоқлари остида. Укасининг тўйи кунни кўрпага шундай ётқизишганди. Отаси чалғитишга улгурмасданоқ уста ишини бажариб бўлганди. Укаси чинқириб йиғлаб юборувди. Ҳаммалари бирин-кетин олдига киришганди юпатишга. Сўнг амма-холалари ширинликлар сочишувди. Ур-тўполон қилиб териб олишган ўртоқлари билан. Отаси бўлса, укасига тухум билан мана шу пичоғини тутқазганди. Одат шунақа шекилли. Йигит бўлганига ишора бўлса керакда.

Пичоқни қинидан суғуриб бироз томоша қилди. Худди ўзи. Отасининг пичоғи. Безаклари кўзни қамаштиради. Болалик чоғларида шунга ҳавас қиларди. «Ҳай-ҳай, тиғи ўткир-а. Қўлингни кесволасан», деганди бир кун боғларидан катта бир олмани узиб, арчимоқчи бўлиб қўлга олганда отаси. Бахтиёр дамлар эди... Пичоқнинг сопига тикилиб анча турди. Сўнг қинига тикиб, чўнтагига солиб қўйди.

Бироздан кейин:

– Бирга кетақолинг, илтимос. Невараларингиз ҳам хурсанд бўлади, – деди яна онасига суйқаниб.

Онаси индамади. Пинагини ҳам бузмади. Нигоҳини ташқарига қадаб, жим ўтирарди.

– Отангни чироғини ким ёқади мен кетсам, – деди бирпасдан кейин ғамгин товушда.

– Акам, қолаверса укам бор-у, – деди у беихтиёр.

Онаси бошини сарак-сарак қилди. Тасбеҳнинг тез-тез шиқиллаган овози эшитила бошлади.

– Йўқ, – деди онаси қатъий. Яна нималардир демоқчи бўлиб оғиз жуфтлади-ю, аммо айтолмади. Бу пайт ташқаридаги ғала-ғовур тинди.

– Ҳаммаларинг ҳам мени болаларимсан. Ўла ўлгунимча шундай бўлиб қолади. Барингизниям яхши кўраман. Шундан бошқа нарса кўлимдан келмайди, болам.

Онасининг овозида титроқ бор эди. Лунжлари пастга осилиб, ўзини тутолмай қолди. Кўзёшлари томчилаб, пиқиллаб йиғлаб юборди. У ғазабдан қўлларини мушт қилди. Шу топда нима қилишини билмасди. Бу дунёнинг барча азобларидан халос бўлишни истади. Аммо бунга журъат қаёқда. Ақлу хуши ўзида эмасди. Важоҳат билан ташқарига отилди. Сўрида ҳеч кимса кўринмасди. Қийиқча устида бир даста пул сочилиб ётарди. Бу унинг улуши эди. Шу чоқда одам зотининг барчасидан нафратланиб кетди. Кулишини ҳам, йиғлашини ҳам билмади. Яна ичкарига қаради. Онаси кўзларида ёш билан ташқарига тикилиб ўтирарди. У кўчага чиқди. Гарангсиб анча юрди. Қаёққа борарини билмасди. Йўл отасининг боғи сари етаклади.

Ҳаммаёқ зим-зиё. Бирон шарпа кўринмасди. Хаёлида ёлғиз қолган онаси.

– Оҳ онам-а. Менинг муштипар онажоним-а. Дунёга келтириб, ювиб-тараб, вояга етказган меҳрибоним онам-а, – деярди пичирлаб.

Дарахтларнинг шитир-шитиридан боққа келиб қолганини англади. Барглар шабадада шивирларди. Қулоғига ёқимли эшитилди. У боғ ўртасидаги катта ўрик дарахти тагига бориб чўккалади. Танасини қучиб, бирикки бошини урди ва:

– О, Етимқир! – деди маҳзун.

Шу зарб билан тепадан беш олтита оқ ўриклар

оёқлари остига потирлаб тушди. Биттасини олиб оғзига солди. Тоза етилибди. Отасига раҳмат айтди. Яна бирини олиб еди. Танасига қувват кирганга ўхшади. Бироз дадиллашди. Таскин топгандек бўлди. Шу пайт оёқларнинг дупур-дупур товушидан чўчиб тушди. Одамникига ўхшамасди. Ортига қараса тунов кунги ит. Ўзи томон чопиб келяпти. Қувониб кетди. Тирик экан. Думини ликиллатиб олди келди. Баҳайбат бу маҳлуқ, худди кадрдонлардек оёқларига суйқалди. Шундагина тушунди унинг бегона эмаслигини. Ҳа-ҳа. У отасининг ҳамроҳи, боғнинг кўрувчиси... Бу аниқ. У итни бўйнидан маҳкам кучоқлаб олди. Шу тахлит анча турди. Ит қимир этмади. Қаршилиқ ҳам қилмади. У қоронғу тунда ўзига ҳамроҳ топилганидан хурсанд бўлди. Юнглиридан силаб эркалади. Икков боғ айланишди. Сўнг чайлага борди. Устунда осиглиқ турган халтадан бир бўлак қуритилган гўшти олиб итга ташлади. Анчадан бери овқат емагани кўриниб турарди. Озиб-тўзиб кетганди. У ҳам бир ямлашда ҳаммасини паққос тушириб, яна умидвор қаради. Халтадаги бари гўшти итнинг ёнига отди.

Шу пайт чайлага нуроний, оппоқ соқоллари селкиллаб, ўзига ярашиб турган саксон ёшлар чамасидаги мўйсафид кириб келди. Ит билан бўлиб сезмабдиям.

– Хуш келибсан ўғлим, – деди ёшига хос вазминлик билан.

– Хушвақт бўлинг, – деди у ҳам.

– Қайтыпсанми?... – сўради яна худди эски танишлардек.

– ...

– Мен қўшни боғданман. Отанг билан кадрдон эдик. Мана бу ҳужжатларни олиб қўй. Боғники. Отанг раҳматли қачонлардир боғ сотилса харидор бўлишни тайинлаганди. Кайвони одам эди раҳматли. Аввалдан билган чоғи. Мен дўстим айтгандай қилдим. Асли пуллар ҳам отангники. Боғдан бўлса вавотир олма. Мен кунда шу ерданман. Қаровсиз қолмас.

У хижолат бўлиб ўрнидан кўзгалди. Қўлидаги қоғозларга узоқ термулди. Ёзувларга кўз югуртирди. Бошини кўтарганда мўйсафид йўқ эди. Нима бўлганига тушунолмади. Тушмасмикин деб юзини чимчилаб кўрди. Ким эди бу?... Худди ҳазрати Хизрбувага ўхшайди-я. Боғни сотиб олиб ўзларига қайтаргани учун отасига яна раҳмат айтди. Отасининг тадбиридан кўнгли куёшдек ёришиб кетди.

Тонг шамоли эса бошлади. Дарахтлар бир хилда чайқаларди. Узоқдан шафақ кўринди. У ташқарига чиқди. Кетмоқчи бўлди. Ит билан хайрлашиб йўлга тушди. Жонивор жилғагача ортидан эргашиб борди. Фақат адирликка чиқа бошлаганда тўхтаб қолди. Қаёқдандир кучли шамол кўтарилди. Жилғадаги чархпалак гийқиллаб ҳаракатга келди. Шундагина билди боққа сув чиқмаётганини. Бирданига ҳаммаёқни чанг-тўзон қоплади. Ит вовиллаб у ёқдан-бу ёққа чопа бошлади. Гўёки жилға у учун чегарадек эди. Етимқирда боғ ястаниб ётарди. Бепоён адирликлар алланечук гўзал бўлиб кўринди кўзига. Тепаликка етиб пастга эниб бошлаганда итнинг узун-узун улиши эшитилди...

Ув-вв...

Ҳамма нарса ортда қолганди. Уй, қишлоқ, қир-адир, ит ва яна дераза ортидан ёлғиз мўлтиллаб термулиб турган онаизори, оппоқ соқолли мўйсафид... бари бариси хотиралар тубига чўкаётганди.



Назми Назми
Назми Назми Назми
Назми



Ғайрат МАЖИД



Сенинг хаёлларинг сўли атиргул

САМАРҚАНДИМ

Дейман, ўз-ўзимга бу тупроқ олтин,
Ҳар бир заррасини кўзинга сурт сан.
Шубҳасиз, қанчалаб улуг зотларнинг,
Бешигини тебратган муқаддас юртсан.
Қанча навқиронсан, шунча қадимсан,
Жонимдайин азиз Самарқандимсан.

Иймон юракларга кўрк бўлган азал,
Ҳақ йўлга бошлагай фозил мударрис,
Сен фақат ўзинга интилгил, одам,
Сен фақат ўзиндан кетмагил олис.
Менинг энг мусаффо, тоза бахтимсан,
Жонимдайин азиз Самарқандимсан.

Кўкда жимир-жимир юлдузларга боқ,
Сенга термулади келиб ҳаваси,
Уйғотиб юборар тош дилларни ҳам,
Бухорий бобонинг масиҳ нафаси.
Буткул эзгуликка бошлар одимсан,
Жонимдайин азиз Самарқандимсан.

Ёруғ мақсадларинг сабаб дунёга,
Довруғ солиб ўтди Соҳибқироним.
Меҳрибон онасан – Бибихонимсан,
Ҳамиша айлабон дуойи жоним,
Кўнглим ипларига туташ бандимсан,
Жонимдайин азиз Самарқандимсан.



Умидвор кўзларин фалакка тикиб,
Улугбек юлдузлар билан сирлашган,
Ҳатто ганимларинг меҳрингдан эриб,
Сенга сингиб кетган, сенга бирлашган.
Сен мангу букилмас чинор қаддимсан,
Жонимдайин азиз Самарқандимсан.

Ҳазрат Алишернинг тоза қалбига
Абуллайс бўлибон синдиргансан нур,
Ҳазрати Бобурнинг шоир кўнглига,
Бағшилаб тургансан илоҳий сурур.
Сен шундай сарвару содиқ надимсан,
Жонимдайин азиз Самарқандимсан.

Минорлар шавкату шонингдан ёниб,
Бутун борлиқ узра янграган хитоб,
Шунчалар сирларга тўлиқсан, гўё
Қанча ўқиса ҳам тугамас китоб.
Дил ичра адоқсиз сўлмас байтимсан,
Жонимдайин азиз Самарқандимсан.

Ёғдулар таралар Шоҳизиндадан,
Дуо-ю умидлар кавсардек зилол,
Сенга қанот бўлгай шу озод Ватан,
Сени асраб тургай Қодир зул-жалол.
Азалсан, абадсан, бахту тахтимсан,
Жонимдайин азиз Самарқандимсан.

Ғайрат МАЖИД

1976 йилда Қашқадарё вилоятининг Китоб туманидаги Хўжаилмкони қишлоғида туғилган. (ТошДУ) ЎзМУнинг журналистика факультетини тамомлаган. "Гулсанам", "Ҳеч кимга ўхшамайсан", "Кўзларингни соғиндим", "Кўксимдаги юлдузлар", "Ишққа борар йўл", "Боболарим юрти" каби шеърӣй китоблари чоп этилган.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси.

* * *

Кўнглим, нима кўрдинг,
Бевафо дунё,
Диллар диллар комин қилдим ҳосил.
Қалбим, бирор қалбни кашф этдингми ё,
Ёки топган борми сени, эй кўнгил.

Бунда садоқат йўқ, ишқ йўқдир, алам,
Кучсак дарду армон қучамиз, кўнгил.
Хумоми, оққушига айланиб бир дам,
Кел, бирга қуёшга учамиз, кўнгил.

* * *

Синглим,
Омонмисан,
Юрибсанми тинч,
Мен ҳамон йўлдаман, тугамайди йўл.
Қийналсам ичимга ютаман дардни,
Қийналган кишига узатаман қўл.

Тилин биласизми гулу тошларни,
Ёруғ саволларга кўмардинг буткул.
Менинг ўйларимга нима бўлдийкин,
Сенинг хаёлларинг сўлим атиргул.

Отам оқ халатни устига ташлаб,
Умид бағишларди ҳар хаста жонга.
Уни ўхшатардик ўзи сўйлаган
Эртақларидаги зўр қахрамонга.

Онамни эслайман, оппоқ саҳарда –
Қаймоқмас, оқ тонгни берарди бизга,
Қанийди шундайин пок бўлса олам,
Аммо хаёл ўзга,
Бу ҳаёт ўзга.

Дунё ишларига тушунмай гоҳо
Юракка кўмилган қанча ҳасрат, доғ.
Чин дўст орзулари кўнглимда мудом,
Мушукул иш бўлса ҳам дўст топиши, бироқ.

Дунё эски қўшиқ, гариб қўшиқдир,
Шартми уни такрор қилмоқ овоза.
Синглим, губорларга тўлиқ бу олам,
Сенинг ўйларингдан олсин андоза.

Синглим,
Омонмисан,
Юрибсанми тинч,
Мен ҳамон йўлдаман, тугамайди йўл.
Қийналсам ичимга ютаман дардни,
Қийналган кишига узатаман қўл.

* * *

Кетма,
Шу оламнинг ҳаққи-ҳурмати,
Сенингсиз жудаям қашшоқдир очун.
Сенингсиз малика, дилдор баҳорлар,
Барибир гарибдир,
Барибир юпун.

Кетма,
Шу қаламнинг ҳаққи-ҳурмати,
Сенингсиз розидан ул норозидир.
Ўйингсиз ёзилган ҳар калом – дилнинг
Фақат мағлублиги, инқирозидир.

Кетма,
Кўзларимнинг ҳаққи-ҳурмати,
Кўрқмадим дунёнинг қаҳру захридан,
Менга олам нима,
Менга қалам не,
Сен учун барчасин ўтдим баҳридан.

Кетма...


* * *

Кўнглим тўлиб кетди,
Тўлиблар кетди,
Қалбим тирнайверар
Ғамлар, аламлар.
Менинг бор қувончим
Бошига етди,
Менинг ҳаётимга
Яқин одамлар.
Сира ишонмайман
Ёлгончи дунё,
Шунча алдоқларинг
Етар энди, бас!
Қалбимга интилиб
Яшайман, илло
Дилни дилдан ўзга
Ҳеч ким тушунмас.





Хулио КОРТАСАР



АКСОЛОТЛ

Ҳикоя

Аксолотлар тўғрисида обдон ўйлаган вақтларим кўп бўлган. Ботаника боғидаги аквариумга борар ва уларнинг сезилар-сезилмас ҳаракатларидан, қотиб туришидан кўз узмай, соатлаб тикилиб турардим. Энди ўзим ҳам аксолотлман.

Уларни учратиб қолишим бир тасодиф билан боғлиқ бўлиб, узоқ чўзилган қишдан кейин Парижнинг бамисоли товусдек товлана бошлаган пайтига тўғри келди. Мен Пор-Рояль булваридан ўтиб, Сен-Марсель ва Л'Опти-маль булварларини орта қолдирарканман, кулранг текисликлар ўртасидаги яшилликка кўзим тушди ва хаёлимга арслонлар келди. Менга арслонлар ва сиртлонлар ёқар, аммо шу пайтгача ҳали бирор марта ҳам аквариумнинг зах ва намчил биносига қадам босмагандим. Велосипедимни четан тўсиққа суяб қўйиб лолаларни томоша қила бошладим. Арслонлар тасқара ва ғамгин, менинг сиртлоним эса уйқуда. Аквариумга киришга қарор қилдим. Росмана балиқларга шунчаки кўз қиримни ташлар эканман, қутилмаганда аксолотларга тўқнаш келдим. Бир соат давомида уларни кузатиб далага чиққанимда аллақачон аксолотлардан бошқа ҳеч нарсани ўйлашга қодир эмасдим.

Илоҳий Женевьев кутубхонасида луғат варақлаб ўтириб англадимки, аксолотлар – амблостомлар турига мансуб бўлган жабрала йўлбарс амблостомлари экан. Уларнинг Мексикага мансублигини эса кичкинагина қизғиш башараларидан ҳамда аквариум тепасидаги ёзувдан билиб олдим. Африкадан уларнинг қурғоқчилик бўлганда қуруқликда ва ёмғирлар мавсумида сувда яшай оладиган тури ҳам топилганлигини луғатдан ўқидим. Уларнинг испанча номини ҳам топдим, "охолоте" экан, луғатда эслатилишича бу жониворлар истеъмолга яроқли ва уларнинг ёғидан балиқ мойи ўрнида (менимча ҳозир ишлатилмаса керак) фойдаланиларкан.

Бошқа мақолаларни ўқигим келмади, шундай бўлса-да, эртаси кун яна Ботаника боғига йўл олдим. У ерга ҳар куни эрталаб, баъзида ҳам эрталаб, ҳам кечқурун борадиган бўлдим. Аквариум фарроши энсаси қотган куйи илжайиб йиртарди менинг паттамни. Мен эса шиша деворларни муҳофаза этиб турган темир тўсиққа суянганча уларга қарардим. Бунинг ҳеч қандай ажабланадиган жойи бўлмаса-да, уларга илк дафъа кўзим тушгандаёқ англадимки, биз бир-биримизга боғлиқмиз, қандайдир чексиз узоқларда қолган ва унутилган бир нарса ҳамон бизни туташтириб туришда давом этарди. Бунинг англаш учун ўша куни эрталаб шиша девор олдида бир дам тўхташ ва сув бўйлаб юқорига кўтарилаётган пуфакларга бир қарашнинг ўзи етарли бўлганди. Аквариумнинг жирканч ва диққинафас (фақат мен билардим у қанчалар хунук ва диққинафаслигини) таглигида қотиб ётган шиламшиқ тошлар орасида тўпланиб туришарди аксолотлар. Улар жами тўққиз дона бўлиб, ҳаммаси тумшукларини шиша деворга тираганча, олтинранг кўзлари билан томошабинларни кузатардилар. Сукут сақлаётган ва аквариум тубида тартибсиз тарзда қотиб қолган бу жонзотлар олдида кеккайиб турганимдан хижолат чекар ва ўсал ҳолатга тушиб қолгандим. Хаёлан улардан бирини, бироз ўнгда, бошқаларидан ажралиброқ турганини танлаб олдим-да, диққат билан ўрганишга киришдим. Унинг қизғиш ва шаффоф танасида (худди сутранг шишадан ясалган Хитой ҳайкалчаларига ўхшаш) биз – аксолотларнинг энг сезгир қисмимиз бўлган, балиқларникига монанд, аммо айни пайтда ўн беш сантиметрли калтакесакникидай мурт думи бор эди. Қирорқаси бўйлаб ўтган шаффоф сузгичи думига туташиб кетган бўлиб, нозик, бежирим кичкинагина панжалари, инсонларникидай тирноқчаларидан тамом ҳайратда эдим. Шунда унинг

Хулио КОРТАСАР

Улкан адиб, Латин Америкаси адабиётининг йирик намоёниси. У 1914 йилда Брюсселда таваллуд топган. Аргентина пойтахти Буэнос-Айресда униб-ўсган. Кўплаб асарлар муаллифи. Хулио Кортасар 1983 йилда вафот этган.

кўзи ва юзи эътиборимни тортди. Олтин каби ялтироқ, аммо ҳар қандай маънодан мосуво, шундай бўлса-да, кўришга қобил игна тўғнагич бошидай келадиган бир жуфт тиллоранг нуқтадан сизиб ўтган нигоҳим сирли ва ҳарир бўшлиқ ичра жо бўлди. Кўзлар теграсини ўраб турган жуда нафис қора нур гардиш унинг гулоби гавдаси ва шу рангдаги учбурчак, суйрисимон ва вақтлар ўтиши билан емирила бошлаган бошига жуда монанд эди. Учбурчак оғзи юз қисмининг тугаган жойида, яъни нақ иягида жойлашган, ён томондан қараганда бир нав кўринса-да, олдидан жонсиз тош устига тортилган ингичка чизикдай туюларди. Бошининг ҳар иккала томонида қулоқлари ўрнида – жабраси бўлса керак – сувости маржонларига ўхшаш уч донадан қизил бутуқча ўсиб чиққан эди.

Ҳар ўн-ўн беш сонияда бутуқчалар кескин бир силкиниб кўтарилар ва яна ётар, фақат ана шуларга қарабгина унинг тирик мавжудот эканлигини англаш мумкин эди.

Вақти-вақти билан оёқчаларидан бири билинар-билимас ҳаракатга келарди, мен унинг мўъжазгина панжалари сувости ўтлари устига оҳистагина босилганини кўрдим. Биз умуман тепса тебранмас махлуқлармиз, кўп ҳаракат қилишни ёқтирмаймиз, бунинг устига аквариум ҳам жуда тор, ўрнингдан қўзғалишинг билан кимнингдир думига ёки бошига тегиб кетасан, бу эса норозиликлар ва жанжалларга сабаб бўлади, пировардида – толиқасан. Ҳаракатсиз турсанг вақт ўтганини сезмайсан.

Мен илк марта аквариумга қараганимда айнан ана шу ҳаракатсизликдан сеҳрланиб қолгандим. Назаримда, унинг чексизлики ва вақтни ана шундай бефарқ ҳаракатсизлик билан сувга фарқ қилишдек сирли истаги борлигини ғира-шира пайқаб қолгандим. Кейин мен тушундим: жабралар ҳаракати, нозик оёқчаларнинг тошга оҳиста босилиши, тўсатдан бўладиган силкинишлар (улардан айримлари гавдасини тўлқинсимон ҳаракатлантирганча суза олардилар) шуни англа-тардики, улар гоҳида соатлаб жонсиздек қотиб туриш ҳолатидан уйғона олишлари ҳам мумкин эди. Ҳаммасидан кўра уларнинг кўзлари мени кўпроқ ҳаяжонга солди. Улар билан бақамти турган бошқа аквариумлардаги балиқларнинг бизниқига монанд кўзларида маъносизликдан бошқа ҳеч нарса зуҳур этмасди. Аксолотларнинг кўзлари эса менга бу ҳаётдан бошқа ҳаёт ҳам борлигини, дунёга бошқачароқ назар солиш ҳам мумкинлигини англашиб турарди.

Юзимни шишага маҳкам босиб (гоҳида фаррош хавфсираб йўталиб кўярди) чексиз сокинликка ва поёни йўқ дунёга олиб кирувчи кичкина олтинранг соққачаларга тикилардим. Улар юзини тақаб турган шишани бармоқ билан чертиш фойда бермас, бари бир ҳеч қандай ҳаракат сезилмасди. Олтинранг кўзлар ўзидан гўёки нафис ва қўрқинчли нурлар таратиб менга тикилиб туришар ва бу ҳудудсиз чуқурликдан бошим айланарди.

Барибир улар бизга нақадар ўхшаш! Шундайлигини мен анча аввал, ҳали аксолотлга айланиб улгурмасимдан пайқаган эдим. Мен буни ўша кун, уларнинг олдига яқинлашган онимда билгандим. Маймунларнинг одамларга ўхшаб кетиши тўғрисидаги фикрлар қай даражада кенг тарқалган бўлмасин, уларни биздан

жуда узоқ масофалар ажратиб туради. Инсон билан аксолотл ўртасида ҳеч қандай ўхшашлик йўқлиги менинг фикрим тўғрилигини, мен оддий таҳлилга асосланиш билан чекланмаганимни кўрсатди. Фақат кафтлари, қўллари... лекин калтакесакнинг панжалари ҳам шундай, аммо улар бизниқига ҳеч ҳам ўхшамайди. Ўйлайманки, ҳамма гап аксолотларнинг олтин кўзли учбурчак шаклидаги ниқобдор бошларида. Бу англа-тиб, кўрсатиб турарди. Бу даъват этиб туради. Улар ҳайвон эмаслар.

Бу ҳолатда афсоналарга мурожаат этиш маъқул ва ўнғай. Мен аксолотларнинг кескин ўзгаришга дучор этилгани, аммо улардаги сирли инсоний моҳиятни маҳв этиш имкони бўлмаганини англадим.

Менинг назаримда, ўз вужудларининг қўллари бўлган – бу жонзотлар сувости сукунатига ва ададсиз мулоҳазага ҳамда иложсиз тушкунликка мангу ҳукм қилингандирлар. Уларнинг шабқўр нигоҳи ҳеч қандай маъно англамайдиган, айна пайтда юракка ҳарорат солишга қодир ақлли олтин соққасимон кўзлари менинг қалбимга чуқур ботиб борар ва мана бундай даъват этарди: "Қутқар бизни, бизни қутқар".

Ноғоҳ уларга қараб умидбахш сўзларни шивирлаётганимни ва болаларча орзуларга ишонтирмоқчи бўлаётганимни пайқаб қолдим. Улар қилт этмай менга қараб туришаркан, жабраларининг пуштиранг новдалари ҳаракатга келди. Шу лаҳзада мавҳум бир оғриқ вужудимни сирқиратиб ўтди, улар мени кўришди, ўзларининг англаб бўлмас ҳаётларига кириб олишга уринаётганимни балки тушунишди. Шубҳасиз улар инсон зотига мансуб эмасдилар, лекин мен бошқа бирорта жонзотда ўзимга бу қадар яқинликни кўрган эмасман. Аксолотлар гўё нимадандир хабардордай, гоҳида ваҳимали ҳакамдай туришарди. Ўзимни гуноҳкор ҳис этдим, уларнинг тиниқ кўзларида этни жунжиқтириб юборадиган беғуборлик намоён. Улар ғумбак эдилар, лекин ғумбак, бу ниқобни англади, шу билан бирга шарпани билдиради. Бу ниқоб серифода ва айна пайтда қатъиятли. Унинг ортида қандай башара ўзини намоён этаркин?

Мен улардан қўрқардим. Ўйлайманки, агар атрофимда томошабинлар ва фаррош бўлмаса, улар билан ёлғиз қололмасдим. "Сиз уларга еб кўйгудек тикиляпсиз" деди фаррош кулиб, афтидан мени бироз телбатабиат ҳисоблаб. Аксинча, улар ўзларининг олтинранг одамхўр кўзлари билан мени еётганларини тушунмасди у.

Аквариум олдидан қанча узоққа кетмай, бари бир улар тўғрисида ўйлардим, гўё улар узоқ масофадан туриб ҳам менга таъсир ўтказмоқда эдилар. Мен у ерга ҳар кун борадиган бўлдим, кечалари уларнинг қоронғуликда қилт этмай муаллақ туришларини тасаввур қилар, бир-бирларига шошилмасдан қўл узатаётганларини ва дабдурустдан ўзга қўлни тутиб олаётганларини гўёки кўриб турардим. Балки уларнинг кўзлари қоронғуликда ҳам илғар, шундай бўлгач аксолотларнинг қовоқдан маҳрум кўзлари учун ҳаммиша кундуз.

Энди менга маълум, бу ерда ҳеч қандай ғайритабиийлик йўқ, ўзи шундай бўлиши керак эди. Ҳар кун эрталаб аквариум устига энгашарканман, уларни кўпроқ англай бошладим. Улар изтиробда – ва мен вужудимнинг ҳар бир ҳужайраси билан уларнинг тилсиз

изтиробларини, сув қаватларида қотиб қолган азобларини ҳис этдим. Улар гўёки қандайдир бой берилган озодликка, дунё аксолотлларга мансуб бўлган замонларга тикилиб қолган эдилар. Бундай ваҳимангиз нигоҳларнинг тош қотган юзлардаги мажбурий ҳаракатсизликни мадҳ этиши ишончсиздай кўринар, бу қайғули хабарни англантишга, улар яшаётган суяқ дўзахнинг гувоҳи бўла олишига ишониб бўлмасди. Ҳиссиётларим шу қадар ўткирлашиб кетгандики, мен аксолотлларнинг ақли бор деб ўзимни ишонтирмоқчи бўлардим. Буни улар ҳам, мен ҳам билардик. Ҳеч қандай ғайритабиий воқеа юз бермаганлиги ҳам шуни англайди. Менинг юзларим аквариум шишасига тақалиб турар, нигоҳим рангдор пардалардан мосуво олтинсимон қорачўғсиз кўзларга тикилиб уларнинг сирини англашга интиларди.

Мен шиша девор орқали аксолотлнинг ҳаракатсиз юзини жуда яқиндан кўриб турардим. Ундан нигоҳимни олмасдан, ажабланмасдан шиша ортида ўз юзимни кўрдим, аксолотлнинг юзи ўрнида меники турарди. Аквариумнинг ичида эмас, аквариум шишасининг бошқа томонида турарди. Кейин менинг юзим ўрнидан кўзгалди ва мен гап нимадалигини тушундим.

Фақат бир нарса ажаблантирарди: ўйлашни аввалгидай давом эттириш керак. Буни англаш ногаҳонда ўзига келиб ўзининг тириклай кўмилганлигини англашдек вужудни музлатиб юборарди. Мен яна юзимни шишанинг ташқи томонига босдим, лаблардан иборат ўз оғзимга қарадим. Аксолотлларни англаб олиш мақсадида маҳкам жуфтлашиб турган лаблардангина иборат ўз оғзимга қарадим. Мен аксолотллимни англадим ва шу лаҳзанинг ўзида тушундимки, бошқа ҳеч нарсага идроким етмайди.

Аксолотл аквариумдан ташқарида ва унинг уйлари ҳам аквариум ичида эмасди. Буни билла туриб ва айнан аксолотл эканимни англай туриб, мен энди ўз оламинда зоҳирлимни ҳис этдим. Қўрқиб кетдим, ўзимни аксолотлнинг вужудига қамаб қўйилганлимни, тириклай аксолотл ичига ўз инсоний шуурим билан кўчиб ўтганлимни, унинг ичига тириклай кўмилганимни,

онгсиз жониворлар орасида ўз онгим билан яшашга маҳкумлигимни бирдан англаб қолдим ва баттар қўрқиб кетдим. Лекин бу ҳолат чекинди, ўзимни бирозгина ён томонга оларканман, кимнингдир панжаси юзимга теғди, менга тикилиб турган аксолотлни кўрдим, у ҳам ҳаммасини тушунар, ҳаммасини аниқравшан билиб турар, аммо буни сўз билан ифодалай олмасди.

Ёки мен унинг ичида эдим ёки биз ҳаммамиз олтинранг кўзларимиз ёғдусини, аквариум шишасига босиб турган кишига тикиб турганимиз сабабли ўз фикрини сўз билан ифодалашга ожиз одамларга ўхшардик.

У кўп марта олдимишга келди, аниқроғи камнамо. Гоҳида ҳафталаб ўзини кўрсатмайди. Бир гал уни кўрдим. Мендан узоқ кўз узмади, кейин ортга кескин бурилди-да, кетворди. Назаримда, энди унинг бизга қизиқиши сўнган, шунчаки одатланиб қолгани учунгина келади. Модомики шундай экан, кўлимдан келадигани фақат ўйлаш, мен уни ҳар кун ўйлайман. Бошимга шундай бир фикр келди, назаримда, биз авваллари бир тану бир жон эдик ва у ўзининг муқаррар бир сир билан боғлиқлигини ҳис этарди. Энди унинг аксолотлга айланиши ва инсонларга бегона бўлиб қолиши натижасида юз берган тошқин туфайли уларни боғлаб турган кўприк бузилди. Дастлаб мен маълум даражада аксолотлларга айланиб қолишим мумкинлигини, аҳ, маълум даражада, ва бизни яхшироқ англаш учун унга мададкор бўлиб туришни ўйлардим. Энди бўлса, тамоман аксолотлга айланганман. Ва агар инсонлардек фикрлаётган бўлсам бунинг сабаби шундаки, барча аксолотллар ўзларининг пуштиранг тош ғумбаклари ичида ётиб худди инсонлардек фикрлай оладилар. Назаримда бор қилган ишим ўша дастлабки кунлар, ҳали инсонлик пайтимда, унга айрим нарсалар тўғрисида хабар етказганим бўлди. Ва энди бу танҳоликда – модомики у қайтиб келмас экан – балки у биз тўғримишда бирор нарса ёзар, аксолотллар ҳақида ҳикоя ўйлаб топар деган фикргина менга тасалли берарди.

Рус тилидан Неъмат АРСЛОН таржимаси.





Уй шифтита жўжа очган қалдирғочча меҳри йўқ

Яқинда Миришкор туман туғруқхонасида ўша ерлик чўпонлар онаси ташлаб кетган дўмбоккина чакалокни келтириб беришганининг гувоҳи бўлдим. Ҳамширалар эса уни ювиб-тараб, Демир деб исм қўйдилар.

АФСУС

Ўғил эди ўша гўдак, тамшанарди тил қотиб,
Онаси-чи парво қилмас, овлоқда ўзин сотиб.
“Она” деган улуг номни булгади-ей, отди у,
Боласини ташлаб чўлга, биров билан кетди у.
Уй шифтита жўжа очган қалдирғочча меҳри йўқ,
Бундайларга қадалсин-ей барча нафрат, газаб – ўқ!

Қарғишлардан қора бўлсин меҳрсизнинг юзлари,
Кўр бўлсин-ей “нон увогин” кўролмаган кўзлари,
Ичи ёниб, томоғидан чиқмасин-ей сўзлари,
Хазон бўлсин, ўз умрининг баҳор ҳамда ёзлари.
Уй шифтита жўжа очган қалдирғочча меҳри йўқ,
Бундайларга қадалсин-ей барча нафрат, газаб – ўқ!

Мушук туғиб, тишлаб, чотиб, уя излар аёзда,
Жўжалари елкасида, гозлар сузар ҳар ёз-да,
Бўрилар ҳам жигарбандин эъозлайди қиш-кузда,
Тоғ кийиги болаларин сафга тизиши соз-да...
Уй шифтита жўжа очган қалдирғочча меҳри йўқ,
Бундайларга қадалсин-ей барча нафрат, газаб – ўқ!

Замин узра ягонаимиз, олий хилқат, ақлан бой,
Ҳайвонлару қуш олдида шулар виждонда гадоёй,
Бир кун “она”, “ота” дейди ўша гўдак ҳойнаҳой,
“Тирикликда ўлик бўлган” оналарга энди вой.
Уй шифтита жўжа очган қалдирғочча меҳри йўқ,
Бундайларга қадалсин-ей барча нафрат, газаб – ўқ!

Мен ҳам сенга шифокордек узоқ умр тилайман,
Умрингни деб дуолардан сени шаънга бেলাйман.
Аммо, лекин юрагимга чўғни солдинг, Болажон!
Ўлмай туриб “ерга кирган” онанг учун йиғлайман.
Уй шифтита жўжа очган қалдирғочча меҳри йўқ,
Бундайларга қадалсин-ей барча нафрат, газаб – ўқ!

Ватан сенга берар энди бор бисотин, меҳрини,
Улғайиб, сен оралайсан барча қишлоқ-шаҳрини.
Олим бўлиб, қозғозларга соғинчлардан тўкиб ёш,
Бу Ватанни “Она!” дейсан, “Ой” дейсан, “нурли Қуёш”.
Уй шифтита жўжа очган қалдирғочча меҳри йўқ,
Бундайларга қадалсин-ей барча нафрат, газаб – ўқ!



Ўроқ САИД


Яккабоғ туманининг Зармаст қишлоғида туғилган. Шоирнинг “Тоғ лоласи”, “Кийикда-ра”, “Икки халқда ўлим йўқ”, “Гўзал васфи”, “Қашқадарёмсан” каби китоблари чоп этилган. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси.



Назми Назми
Назми Назми Назми
Назми



Шермурод СУБҲОН



Бир жуфт сўз кабилмиз гўё иккилимиз

бир мен биламан
бир Аллоҳ
қалбимдан кечганларни
ҳажринг ўтида

фақат сен томон одим
отганини кўрсатар юрагимнинг
кордиограмма чизиқлари

илк учрашувимиз тасодиф эди балки
аммо сўнгра си
тақдирнинг ажиб жилваси

бир жуфт сўз кабилмиз гўё иккимиз
ўз ҳолида мустақил
маъно ифода этмаган

сен учун зеб эрур
қошу кўзга қора тортмоқ
мен учун эса ҳусн
васлинг васфида
шеър қораламоқ

қандай ёзилса шундай ўқилиши лозим бўлган
сўзлар кабидир
ҳар икки юзим
у юзимдан урганга валлоҳ



тутиб бермасман асло бу юзим
ҳа буни билсин дўсту ганим

баъзи саволларнинг жавоби қисқа бўлар
ҳа ёки йўқ
узун бўлар умри

нимадан дарак
тонгнинг отиши
англатар нени
ваё бу ботиши
толиқдим-ку соя
етакламоқдан

бу дунё у дунёнинг қораламаси
мисоли кўзгу...

ҳа не қипти ахир
осилсам мен ҳам
Исо каби
ҳақиқатнинг
баланд дорига

севасанми сўрайман
уқмай мен содда
севгидан сўз очган
сукунатингни



Шермурод СУБҲОН

1966 йилда туғилган. Тошкент Давлат университети ҳамда Истанбул Университетида таҳсил олган.

“Ўзбек модерн шеърляти” баёзи (ҳаммуаллифликда), “Сокин сўз суврати” шеърый тўплами, “Шеърлят иқлими” илмий мақолалар ва таржималар китоби чоп этилган. Ҳозирги кунда “Гулистон” журналида фаолият олиб боради.

* * *

тиним билмай
билмай ниҳоя
вақт аригидан
оқар экан сув
кечган умр
кечмаган нима

* * *

кунга боқасан
ялт этиб қўяр қуёш
тунга боқасан
нигоҳингда ой қотар сенинг

қўзларингга гоҳ кун қўнар
гоҳ кеча

* * *

вақт қайчиси қияркан
тобора умринг
билмайсанки
вақтми сенинг
ё сен вақтнинг қўлида

* * *

сўз зарби-чи тўп
зарбига тенгдир
қай бири тегар
нишонга бориб
қай бири кетар зое

* * *

тонг қотмоқ йўқ
отмоқ бор
кун ибтидосида
мисоли шафақ

* * *

гарчи бугун сен бошқаю
мен бошқа гулим
моҳият ўша: севгилим...



* * *

дарвоқе
нима ҳақда эди
сукунатимиз
севги эмасми?!

* * *

бир кам дунё бу
бир яхшининг бир ёмони бор
бирда
бир ёмоннинг бир яхшиси...

* * *

кўз тикдим неча
висол йўлига
“йўқ”лар чиқди фолимга
чиқди-ку “ул севмас”лар

* * *

айни вақтни кўрсатар
соатларимиз
айни йўлни йўлчи
юлдузларимиз-да

* * *

майли мени қолдир
дард ила ёлғиз
гарқ бўлай шеърда

* * *

филсирот кўпригидан
ўтарчами гуноҳинг
қайтарча ёхуд

* * *

уйқуда уйгоқу
рўёда ухлоқсан
бўлар энди тушида кўрганинг

* * *

висол ё сен сагирсан
ва ё мен басир



ХИЗР ТАШЛАГАН ҚАНОТ

Ҳикоя

Кўча бўйлаб жажжи оёқчалар у ён-бу ён югуриш-япти. Тўрт ёшлар чамасидаги қизчани ундан икки ёш катта бўлган акаси гўёки кучи борича қувлар, синглиси ҳам жон-жаҳди билан қочарди. Улар ота-оналари чақириб қолгунга қадар шу зайлда ўйнашарди. Дарахтлар ва гуллар эса уларнинг бу зерикилмас ўйинларини мароқ билан томоша қилишар, гоҳида барглар бу жажжи одамчаларнинг ўйинига берилиб, қарсак чалганча қўллаб-қувватлашарди. Эҳтимол, улар ҳаётнинг югур-югурдан иборатлигини ўзлари билмаган ҳолда исбот қилишмоқчидир.

Иккалалари ҳам тўхтаб чуқур-чуқур нафас олишди. Қизча акасига қараб кулди-да, яна югуриб кетди. Ака ўрнидан турди-ю бор кучи билан синглисини яна қувалай бошлади. Ана, етай-етай деб қолди. Югураве-риб сабри тугаган ака қочаётган синглисини тўхтатиш мақсадида кўйлагидан тортди. Уларнинг ўйинини томоша қилаётган гуллар тўсатдан “ув” тортиб юборишди. Сабаби қизча орқасига қараб йиқилиб тушган, тақдир чизиклари битилган кичкинагина кафтчалари ва тирсаги салгина шилиниб, оз-моз қон силқиб турарди. Болалик қонунига мувофиқ қизча “дод” дея бақириб йиғлай бошлади. Оғриқдан кўра қўлларидаги қизил ранг унга кўпроқ таъсир қилганди. Акаси овутишга урингани сари сингил йиғининг авж нуқтасини оларди. Қизча хўнграр экан, яна қўлларига қаради ва яна қонни кўрди. Бу сафар биратўласи ерга ётволиб, оёқларини тапиллатганча йиғлашда давом этди. Аканинг кўзи ҳам сизиб чиққан қонга тушди-ю синглисига қўшилиб йиғлай бошлади. Сўнг онасини чақириб кераклиги ёдига келди ва югургилаб кетди. Болакайлар бир томчи қонни ўлим деб ўйлашарди, чоғи.

Шамол кўзларидан шашқатор ёш оқаётган қизчанинг у ёғидан, бу ёғидан айланиб овутишга ҳаракат қилар, дарахтлар ҳам уни йиғидан тўхтатиш илинжида ўз эртақларини бошлаб юборганди. Энди Қизча акасини ташлаб кетган гумон қилиб, лабларини

чўччайтирганча бақириб хўнграй бошлади. Аммо шу пайт бирданига йиғи овозидан атрофнинг кулоғи тинди. Қизча ёш томчилари ҳаракатдан тўхтаган мунчоқдай кўзлари билан осмонга тикилган кўйи ерда жимгина ётарди. У ахён-ахёнда бурнини тортиб кўяр, ёшлардан суғорилган киприкларини пирпиратиб осмондан кўзини узмасди. Осмон денгизиде эса оппоқ елканларини кўтарганча булутлар изма-из сузиб юрарди. Улар шу қадар оқликка бурканган, шу қадар майин, шу қадар ажойиб эдики, Қизча беихтиёр қўлларини юқорига чўзди. Сўнг ўрнидан аста кўтарилиб, қўлчаларини яна кўкка узатди. Йўқ, етмаяпти. Ҳа, сакраш керак. Сакраса, албатта, қўллари билан булутларни ушлаб кўради, эҳтимол, уларнинг устига чиқиб осмонни сайр қилар. Шу мақсадда қизча қўллари ва кўзларини осмонга тикканча оғриғу қўрқувни унутиб қайта-қайта сакраб кўрди. Эҳ, озгина етмаяпти. Нигоҳларини осмондан узмаган кўйи ерга қайтиб ўтирди. Унинг бутун руҳи, бутун вужуди, барча хаёллари ана шу оппоқкина булутларга айланиб бораётган эди. Узоқдан йиғлаётган ўғлини судраб келаётган онасининг товуши қизча айланаётган булутларни гўёки қуёшдек эритиб юборди. Қизча сергак тортди ва онасини кўрди-ю ўзи негалигини англамаган ҳолда яна йиғлаб юборди. Ҳа, бу вақтда у тўрт ёшда эди...

Кеча онаси билан бирга ёзган сўзлари қаторлашиб турган дафтарларини олиб, эринибгина портфелига жойлади. Онасининг қистови билан нонушта ҳам қилиб олди. Шу пайт нимадир ёдига тушди-ю дарҳол дераза олдига югурди. Деразадан ўз чексизлигини ёйиб мақтанаётган осмонга бир муддат қараб турди. Аммо онаси дарсга кеч қолаётганини айтиб огоҳлантиргандан сўнг орқасига портфелини илганча мактабига қараб жўнади. Йўлда кетар экан, ўша – йиқилиб тушган кундан бери унинг нигоҳлари осмон билан кўришиб туришга келишиб олгандек эди гўё. Ҳарҳолда осмон бунга ишонарди. Қизалоқ бир муддат осмонга қараб юрди-да,

Биби Робиаъ Саидова

1991 йилда туғилган. Ўзбекистон Миллий университетининг ўзбек филологияси факультети 4-босқич талабаси. Ҳикоя ва публицистик мақолалари республика матбуотида мунтазам чоп этиб келинади.

тўхтади ва қўлларини қаттиқ-қаттиқ силкитиб оёқларини ердан кўтарди. Қизалоқ назарида, у оз-моз баландлагандай бўлди. Югуриш керак. Йўл бўйлаб орқасидаги портфелини силкитиб-силкитиб, қўлларини тепадан пастга тез-тез ҳаракатлантириб югурди-ю “Ҳозир учиб кетаман” деган хаёл билан кучи борича сакради. Афсус, ўхшамади. “Эҳ, портфелим халақит беряпти-да, – хаёлидан ўтди қизалоқнинг. – Ҳа, майли, уйга қайтганимда яна бир уриниб кўраман”. Мактаб кўнғироғининг жаранги қизалоқни бу сафар “қанот”ларини қоқмасдан югуриб кетишига мажбур қилди. Етти ёш ҳам у билан бирга югуришдан чарчамас эди...

– Онажон, қаранг, ака, сиз ҳам қаранг, қаранглар! Осмондан бувим айтган ўша оппоқ фаришталар тушяпти, ҳа фаришталар! – қувонганча қичқирарди қизалоқ ёғаетган лайлакқорга ишора қилиб.

– Кўп валдирайвермасанг-чи! – жиғибийрондан матоларни қирқиб ўлчамни чиқара олмаётган она. Ёзмаётган ручка пастасининг учига тинмай пуфлаётган ака эса қақирқни эшитмаганликка олди.

– Эҳ, қанийди, уча олсам! Бу фаришталарни қаердан тушаётганини кўриб келар, ёки улар билан қувлашмачоқми, қорбўронми ўйнардим, қаранг, улар уча олади-да. Кейин улардан-чи, онажон, дадам айтиб берган ўша шайтон ҳақидаям сўрардим. Сизлар йўғлигингизда у фаришталар билан бирга яшаган-ку. Сизлар бу ерга кўчиб келганингиздан сўнг шайтон сизларнинг олдингизга келган-ку, а? Кейин сизлар...

Қулоқларига фақат аллақандай ғўнғир-ғўнғир товуш кираётган аёл қайчисини столга қаттиқ урдида, қошини чимирганча қизига қаради. Қизалоқнинг тўсатдан юмилиб олган лабларида тўсиққа учраган сўзлар ортига қайтиб кетишга мажбур бўлди. Бир оз муддатдан сўнг калласига келган бир фикр ифодаси юзида ярқ этди-ю, яна сўнди ва ўзига:

– Эртага Ҳайит байрами. Бугун Хизр бободан ёстиғимнинг остига қанотлар ташлаб кетишини сўрайман, – деб ғўлдирганча кўчага чиқиб кетди. У ерда кўзларини осмонга қадаб, кимгадир нималардир ҳақида гапирди. Тўққиз ёш ана шу оппоқ фаришталар каби қизалоқнинг бармоқчаларига оҳиста кўниб эриб кетаётган эди...

“Тақ, тақ, тақ...” Қиз тахтанинг устида турган бармоқлари орасидаги михни болта билан урарди. “Тақ, тақ...”

Кеча онасининг таъбири билан айтганда “Ҳадеб супуришга мажбур қилаётган” тут дарахтини чопиб ташлашди. Бир пайтлар устига чиқариб учишига ёрдам берадиган тут дарахтининг гурсиллаб тушган товушидан қизнинг юраги алланечук бўлиб кетди. Эсида, тутнинг йирик шохига чиқиб, парвоз этиш умидида қўлларини пириллатиб сакраганида оёғи синишига бир баҳя қолганди. Қиз кеча отаси билан акаси арралаб қўйган тутнинг ёғочларини бир-бирига улаб қоқаркан, шуларни эслади. Аммо, мана, тут ўзини қурбон қилиб бўлса-да, қизнинг учини учун яна, фақат сўнги мартаба ўз ёрдамини аямаяпти. “Ана, тайёр бўлди, – ўйлади Қиз. – Энди бу матони тахтанинг мана бу ерларига қоқсам бўлди”. Уйдагиларнинг бозорга кетганидан фойдаланаётган қиз ўз мақсадини амалга ошириш учун иложи борича тезроқ ҳаракат қилишга шошиларди. “Уйимиз томидаги тарнов четига ин қурган мусичанинг ҳам қанотлари деярли ана шундай шаклда. Ниҳоят, қушлар билан бирга



парвоз этадиган бўлдим!” Қиз учбурчак қилиб ясалган икки бўлақдан иборат қанотларнинг уланган жойини елкасига қўйди. Қанотининг остки қисмидаги махсус ушлагичлардан ушлади. “Дарвоқе, аввал томга нарвонни қўйишим керак”. Шоша-пиша нарвонни судраб келди. Ўзи кутганидан бир мунча оғирроқ қанотларини тақди. Аввалига томнинг пастроқ қисмидан учиб тажриба қилиб кўриш керак. Мана, чиқиб ҳам олди. У юқоридан туриб ҳовлисининг ичига нигоҳ ташлади ва ҳайрон қараб турган кучугига қаердандир ёдлаб олган “Мени кутгил ва мен қайтарман! жумласини айтди ва “Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм” деди. Ота-онаси ҳар бир ишни “Бисмилло”дан бошласа, хайрли бўлишини ўқтиришганди. Мана, базўр-базўр қанотларини силкитганча томдан кўча томонга қараб сакради. Бу пайтда у ўн икки ёшда эди. Қаттиқ чинқирқдан кўшни ҳовлидаги аёл қўллари унга беланганча югуриб чиқди...

– Нега энди рухсат бермайсизлар? Ахир, бор йўғи дугонамнинг туғилган куни-ку. Кечқурун чақирган бўлса нима қилибди, уйи узоқ бўлса таксида бориб,

таксида келаман. Нима, мен сизларга ёш боламанми?! Ҳамма ишимга аралашаверасиз! Дарсдан қачон қайтишимни ҳам, қачон кетишимни ҳам гапираверасиз, бундан кейин билганимни қиламан! Жонимга тегиб кетди бундай ҳаёт! Эй Худо, қанот берсанг бўлмасмиди, ҳамма-ҳаммани ташлаб учиб кетардим! – Қиз онасига шундай деб қичқирар экан, бир неча йиллар олдин “қанот қоқаман” деб оёғи чиқиб кетгани ва Мош табибга солдириб келишгани ана шу лаҳзаларда ёдига тушмади.

Қизнинг бу гаплари онасининг қалбидаги узилмас нозик торларни чертиб-чертиб ўтар экан, қизига хавотирли тусда назар ташлаб қўйди. Аммо Қизининг ўн олти ёшдалиги ва бу даврнинг ўткинчи эканлиги борасидаги фикрлар онасига тасалли берди. Қизнинг ўзи ҳам айтишни у даражада истамаган гаплари оғзидан чиқиб кетганига ўқсинди ва қандайдир шахд билан деразанинг олдига келди-да ёш мўралаб турган кўзларини осмонга тикди. Беихтиёр оёқларини кўтарди...

– Ота, ўқсинманг, ўзингизни айблайвермасангизчи. Она, сиз ҳам кўп йиғламанг. Худо хоҳласа, албатта, кейинги йили кираман, мана кўрасиз. Энди қўшимча дарсларга бормай, фақат ишлайман, ҳа ишлайман! Кейин қарабсизки, тўплаган пулларим мени бюджетга етаклаб турибди.

Қиз уйдагиларини тинчлантиргач, дўкондан нон олиб келиш баҳонасида ўзини кўчага урди. Кўчада чўзилиб ётган йўл бу қадамларнинг анча оғир эканлигини ҳис қилди. У узоқ юрди. Дўкон ҳам ортда қолди. Сўнг йўлини кўп вақтдан буён қаровсиз қолган далага қараб бурди. Булутлар бир-бирларидан аразлашгандек қўнғир тўнларини тескари кийиб олишган. Дала бағри кенг бўлиб, унда турли хил ўсимликлар, гуллар ўз ҳолича ўсиб ётибди, одамларнинг қораси эса кўзга ташланмайди. Қиз арзини кўзида ёш билан айтмоқчи бўлиб турган майсаларга ҳам, оёқларига чирмашиб уни тўхтатмоқчи бўлган чирмовуқларга ҳам, этагига суйкалиб эркаланмоқчи бўлган гулларга ҳам қарамай даланинг ўртасига келиб юришдан тўхтади. Нигоҳларини осмонга тикди ва чиқишини кутиб бўғзида тикилиб турган сўзларни йиғи аралаш ҳайқирди:

– Нега?.. Нимага ахир...

Аммо йиғи Қизнинг яна оғиз жуфтлашига йўл қўймади. Қиз майсалар устига ўтирди. Юзларини дувдуд ёш ювар экан, кўзларини унга қўшилиб йиғлаб юбориш арафасида лунжини осилтириб турган булутларни ўз бағрига олган самога яна қадади. Сўнг, бирдан нига ўрнидан сапчиб турди-да дала бўйлаб қўлларини силкита-силкита югура бошлади. У жон-жаҳди билан чопар, қўлларини ҳам қаттиқ-қаттиқ силкитарди. Йўқ, дала бўйлаб югураётган бу йигирма яшар Қиз қанча уринмасин, ердан баландлай олмади...

– Ойижон, ойижон, мана бу мушичани қаянг. Қаясайиз-чи, э, учиб кетди – деди жажжи қизча йигирма олти яшарлик Қиз – онасига қараб. – Тўхта, мушича, менам сен билан учаман.

Қизча ҳовли бўйлаб қўлчаларини тепага кўтарганча югургилади. Умидлари пучга чиққач, онасининг олдига келди-да:

– Ойижон, манам катта бўсам, айтиб беядиган эйтагиздаги қизга ўхшаб учиб кетаман-а? Чиёйли қанотлайимам бўладими?

Нимадир “жиз” этди. Она жилмайганча бош ирғади-да осмонга узоқ тикилиб турди ва анча мустаҳкамланиб қолган иродаси билан кўзидан думаламоқчи бўлиб турган ёшларини базўр тўхтатди...

Қизлари билан дастурхонни тузаётган қирқ олти ёшли Қиз бугун қувончдан ўзига сиғмасди. Ахир, бугун ўғли хориждан учиб келади. Шиппагини илдириб, нимадир олиш мақсадида қўшни хонага ўтиб кетаётган она тепадан гувиллаган овозни эшитди. Кўзларини осмонга қаратди. Аниқроғи, пастлаб учиб кетаётганми, келаётганми самолётга қаради. “Ҳа, шунинг ичида ўғлим бўлса керак. Эҳ, унинг ҳидини бирам соғиндимки!” – хаёлидан ўтди онанинг. Аммо, шу пайт, Қизнинг нигоҳи беихтиёр елканлари оппоқ булутларни ўз бағрига олган самога тушди. Ҳа, у анча вақтдан бери осмонга қарамаган, у ҳақда деярли унутаёзган эди. Само ва Қизнинг нигоҳлари ана шу вақтда тирикчиликнинг айирмачилиги натижасида узоқ муддатдан сўнг яна кўришиб туришганди. Осмон, эҳтимол Қиз ҳам нимадир демоқчи эдики, аммо Қизнинг қайнаётган қозони ёдига тушиб қолди ва шошганча ёхуд нимадандир қочганча ўзини ичкарига олди...

Бугун Ҳайит арафаси. Мана шу куни Қизча қўлини дуога очиб, хоҳлаётган бирор бир нарсасини Хизр бободан сўрар ва аксарият вақтларда истаги Хизр бобога айланган отаси томонидан амалга ошарди.

Уйдагиларнинг ҳеч бирида эртанги байрам кайфиятидан асар ҳам йўқ. Уларнинг руҳиятини чуқур бир қайғу асир олганди. Ҳаммалари кўрпада ётган етмишдан ошган Қиз-камбирнинг атрофини ўраб олишган. Қиз шу ердаги ҳамманинг юзига ризолик аломати сифатида бир-бир сассиз қараб чиқди. Бутун танасини аста-секин қамал қилаётган совуқлик биргина “Оҳ”га айланиш учун бир жойга йиғилаётганди. Кўзларида нам билан кўпчилик Қизнинг оғзидан қандайдир васиятлар кутишарди. Мана, ниҳоят, Қиз оғиз жуфтлади. Нафақат ўтирганларнинг, балки сукутнинг ҳам бутун вужуди қулоққа айланди. У:

– Деразани очинглар, – деди оҳиста. Тезда пардалар кўтарилиб деразалар ланг очилди. Боядан бери ичкарига киришнинг иложини қила олмаётган майин шамол очиқ деразадан югургилаб хавотирланганча қадрдонининг олдига келди. Қиз деразадан ўзи истаганидай сўнги кузатувчиси бўлмиш осмонни кўрди. Кўрди-ю кўзидан бутун орзулари бир томчи ёшга айланиб оқиб тушди. Осмонда бир пайтлар ўзига мафтун қилганча парвозга чорлаган ва ҳозир ҳам чорлаётган ўша, ўша оппоқ булутлар турарди. Қиз лаблари оҳиста жилмайиб: “Ана энди, уча оламан!” деди пичирлаб...

Ниҳоят, Қизча анча вақтгача сўраган нарсасини бугун Хизр бобо ёстиғининг остига қўйиб кетганди.



Яхшиларга қўшил, олдга қараб юр



ВАТАН БЎЛМАСА

Толеинг сўқирдир, бахт кулиб боқмас,
Мавж урган дарёлар сен томон оқмас.
Энг ажиб наволар, созлар ҳам ёқмас,
Пешонангга битган Ватан бўлмаса.

Қасрлар кулбадир, боғлар тиканзор,
Ҳар қадамда ўкинч, ҳар ерда хор-зор.
Бойлигинг, давлатинг ҳаммаси бекор,
Пешонангга битган Ватан бўлмаса.

Бағрингга босолмайсан чинорини сен,
Кўзингга суртолмайсан минорини сен,
Бўйинингга осолмайсан туморини сен,
Пешонангга битган Ватан бўлмаса.

Тунларинг хавотир, ухлашинг нотинч,
Юракда минг алам ва шунча ўкинч,
Кунларинг ўтмагай осуда ва тинч,
Пешонангга битган Ватан бўлмаса.

Ватандош деб сенга узатмаслар чой,
Беватаннинг доим битта қўли лой.
Ҳатто қабристондан бермагайлар жой,
Пешонангга битган Ватан бўлмаса.

Аламдан юрагинг тошади тўлиб,
Қаримасдан бурун қоларсан сўлиб.
Минг марта яхшидир кетмоқлик ўлиб,
Яшагандан кўра Ватансиз бўлиб.



НОШУКУРЛИК ҚИЛМА

Кўзларинг оламни кўриб турганда,
Юрагинг ҳапқириб уриб турганда,
Бахт-иқбол сенга юз буриб турганда,
Айт, яна сен нимани истайсан ўзи,
Шунчалар сўқирми қалбингнинг кўзи?

Кечаю бугунни қиёслаб қара,
Орада осмону ерча фарқ бор-а,
Ниҳоят битди-ку қалбдаги яра,
Айт, яна сен нимани истайсан ўзи,
Шунчалар сўқирми қалбингнинг кўзи?

Кичкина кулбада яшаб юрдинг сен,
Шунда ҳам индамай шукур қилдинг сен,
Бугун-чи, ҳайҳотдай қаср қурдинг сен,
Айт, яна сен нимани истайсан ўзи,
Шунчалар сўқирми қалбингнинг кўзи?

Бир пайтлар хор эдик, эсиз ва эсиз,
Умрлар ўтганди номсиз ва изсиз,
Бугун дунё биркам Ўзбекистонсиз,
Айт, яна сен нимани истайсан ўзи,
Шунчалар сўқирми қалбингнинг кўзи?

Нолишини йиғиштир тез, ўрнингдан тур,
Яхшиларга қўшил, олдга қараб юр,
Тавба эт Аллоҳга ва қилгин шукур,
Айт, яна сен нимани истайсан ўзи,
Шунчалар сўқирми қалбингнинг кўзи?

Шербой ШЕРОВ

1962 йилда Нишон туманида туғилган. Шифокор. Адабиёт ва санъат ихлосманди. Шоирнинг "Инсон азиз" деб номланган тўплами чоп этилган.



Назми Назми
Назми Назми Назми
Назми



Фароғат ХУДОЙҚУЛОВА



Ёмғир куйин тинглагайман жим

КЕТДИНГ

Бефарқ ўтиб кетдинг неча бор,
Сендай бефарқ ўтиб кетди ой.
Сен ва ой боқмаган кўзларга,
Ҳатто баҳор беролмас чирой.

Капалакдай яшил кўйлакда,
Осмонингда учардим сассиз.
Ўн саккизда чиққандим йўлга,
Ўттизда ҳам турибман ёлғиз.

Майли, боқма кўзларимга тик,
Мен томонга топсанг агар йўл.
Келганингни айтмоқчи бўлсанг,
Остонамга сочиб кетгин гул.

СИЗДАН ОЛИСДА

Йўлингизга чиқмадим пешвоз,
Билолмадим нима қилишни.
Ахир сиздан олисда минг йил,
Орзу қилдим бахтли бўлишни.

Бахтсизликдан қўрқиб яшадим,
Сизни кўрмай эрта сўлишдан.
Не учундир бугун азизим,
Қўрқаяпман бахтли бўлишдан.



ВАҚТ

Сочларимга оқ тушиб бир кун,
Хайрлашмай кетар ёшлигим.
Илк бор тунда шеър айтмай хаста,
Ёмғир куйин тинглагайман жим.

Юзларимга тушар – гул, ажин,
Арз қилолмам шунда ҳеч кимга.
Не қилса ҳам қилар-ку вақт, лек
Раҳна сололмайди севгимга.

САВОЛ

Минг шукур, тил бериб сўзлатиб кўйдинг,
Ўзимни ўзимдан излатиб кўйдинг.
Мен гумроҳ ўзимни топдим деганда,
Кўнглимни кимларга юзлатиб кўйдинг?

КЕТСАНГИЗ...

Кўнглима оловлар ёқиб келдингиз,
Пойима дарёдай оқиб келдингиз,
Бошимда булутдай боқиб келдингиз,
Баҳорда гулламас бог бўлиб қолдим.

Булутни бошимдан кўчириб кетинг,
Дарёни шамолга ичириб кетинг,
Кетсангиз оловни ўчириб кетинг,
Кулнинг тагидаги чўғ бўлиб қолмай.



Фароғат ХУДОЙҚУЛОВА

1975 йилда туғилган. Ўзбекистон Миллий университетининг журналистика факультетини тамомлаган. “Куй дилим, суйгулим”, “Айтолмаган сўзларим”, “Ойдинлик” номли китоблари чоп этилган.

ИШОНЧ

Бир куни биласиз,
Ёгаётган ёмғир эмаслигини,
Тўхтамаганини кўзимдаги ёш.

Бир куни биласиз,
Ботаётган қуёш эмаслигини,
Қаттиқ эмаслигин кўксимдаги тош.

ФАРИШТА АЁЛ

Мағрур турган қишги боғларнинг,
Кўксин ёрди пишқирган шамол.
Бир аёлнинг маҳзун севгиси,
Тун бағрига келганда малол.

Сочларида ёмғир томчиси,
Гуноҳларин ювиб куйлади.
Ўзиники эмас гами ҳам,
Шамолники эди кўйлаги.

Булут бўлиб кўкда кезди у,
Кўлида сув, кўксида олов.
Унинг ёнишлари олдида,
Қақнуслар ҳам беролмади дов.

Тоғлар боши эгилиб қолди,
Дарё тўлди аёл сабрига.
У гул экиб қайтиб кетди жим,
Муҳаббатнинг очиқ қабрига.

ҚАЛБ КЎЗИМ

Ҳали сендан умидларим кўп,
Бахт ёғилар бошингдан тўп-тўп,
Яшайдирман мен ҳам кўнглим тўқ,
Яссавийлар тугиб бер, синглим.

Тилин тишлаб қолсин гайрлар,
Одам сотиб, отиб – бойирлар,

Бошини тик тутсин шоирлар,
Мир Алишер тугиб бер, синглим.

Ўзак томир – нурли тупроғда,
Чингизхонни қолдирди доғда,
Чўқтирса-да онаизорин,
Жалолиддин тугиб бер, синглим.

Бойчиборим, сен ҳам ўксима,
Қолиб кетдик кимлар нуқсига?
Шамол тегсин Барчин кўксига,
Алпомишлар тугиб бер, синглим.

Имонимга берар зеб, оро,
Сувларидан жаннатдир саҳро,
Ҳар бир гишти тилло Бухоро,
Ибн Сино тугиб бер, синглим.

Равшан тортсин мудом қалб кўзим,
Ёруғ бўлсин, эй Худо, юзим,
Доя бўлай сенга мен ўзим,
Тўмарисни тугиб бер, синглим.

Ҳали сендан умидларим кўп...

* * *

Зўр шоир бўлмасман, балки азизим,
Ёлгонлар, бўҳтонлар, ёвлардан безиб.
Лек сенинг олдингда қиламан таъзим,
Тайёрман чиқшига дунёни кезиб.

Зўр шоир бўлмасман, балки азизим,
Ҳар ерда шаҳди зўр бўлганга қийин.
Лек шиқинг осмони қуёши бўлиб,
Бедор юракларга ботмоғим тайин.

Зўр шоир бўлмасман, балки азизим,
Дардимни тишимда тишлай оламан.
Лек билсанг сўнги дам, кетар чоғда ҳам,
Кўлингдан қаттиқроқ ушлай оламан.





Ғас Ғаср
Ғаср Ғаср Ғаср



Акмал САЙИД



ҚАВМДОШЛАР

Ҳикоя

Бугун ҳам одатдагидай бошланди...

Аввалига қушларнинг чағир-чуғури бутун касалхонани бошга кўтарган бўлса, ҳаял ўтмай, улкан хум ичига тушиб қолганиндай жимлик ҳукмрон бўлади. Тепада лак-лак қушларнинг тинмай чарх уриб айланаётгани-ю улардан пастроқда етишиб олиш илинжида бошқаларининг баланглаётганини кўриб, беихтиёр ҳаяжонга тушасан. Албатта, пастдагиларнинг ортда қолмасликлари учун бўлса керак, тепадагилари уларга гўё таҳдид ҳам солаётганини кўрасан баъзан. Дарахт қўналғаларида қолган қушлар эса дам ўтмай, учиш тараддудига тушади. Уларнинг бу ҳолати чўл тўзонининг гирдоб ҳосил қилишига ўхшайди. Гўё улкан сим чамбарак ҳавода пайдо бўлади-да, охириги тортилмай қолган сим учларини ҳам кўшиб олиб кетади. Ёки уларнинг барчаси бир ип, бир ришта бўйлаб боғланиб қолгану ипнинг учини шундоқ тортсангиз охириги тутами олдингизга йиғилиб келадиандай туюлади.

* * *

Мен ётган палатанинг дераза орти ҳар гал эртаю кеч шундай “қуш бозор”га айланади. Бозор бўлганда ҳам чинакам “бозор”. Буни бир мавсум, деса ҳам бўлади. Уч қаватли корпус билан бўйлашай-бўйлашай деб қолган мирзатеракларда куёш ботиши билан тўда-тўда қарғалар пайдо бўлади. Уларнинг учиб келиши бир майдон ваҳима билан бошланади-да, то дарахтларга ўрнашгунлари қадар бир муддат тинмайди. Назар солсангиз, дунёнинг бор ваҳимаси-ю, асъасаси шу ерда дейсиз. Шунақа ғала-ғовур, чағур-чуғурга айланадики, асти қўяверасиз. Бу ҳолат ҳар қандай хаёлпарастман, деганнинг ҳам хаёлини тўзғитиб, диққатини ўзига тортмасдан қолмайди. Агар айтиш жоиз, десангиз, осмон ўпар мирзатераклар, чинорлар-да бу ғала-ғовурдан безордек туюлади менга.



Акмал САЙИД

1962 йилда Ғузур туманида туғилган. “Жаннати аёллар”, “Молберт кўзлари”, “Илҳом азоби”, “Ой тўлган тунда”, “Таважжух они” каби китоблар муаллифи.

Дарахт учларига жойлашиб олмиш қанотлилар, бир қараганда, ажабтовур манзара касб этади. Касалхона ҳовлисидаги терак, қайрағоч, чинор ва бошқа дов-дарахт шохлари ёппасига қоп-қора бўёқлар билан чаплагандай, худди нўноқ мусавирнинг илк асарлари кўргазмасига ўхшаб кетади. Аммо бу кўргазма ўзининг “жонлилиги”, табиийлиги ва яна нимаси биландир кишига завқ бағишлайди. Тирик кўргазма! Лекин ҳали дарахт шохларида омонатгина осилиб турган ва ёмғирлардан, кузак шамолларидан омон қолган яккам-дуккам муваққат барглари бу бўёқларга негандир, мос келмасди. Мен-ку расом эмасман, мабодо расом бўлганимда ҳам мана шу ажабтовур манзарани, барибир, мўйқалам ёрдамида тасвирлаган бўлардим. Билмадим, нима учун? Балки бундай манзарани ҳеч қаердан излаб ҳам, буюртма қилиб ҳам тополмасман...

Қарғаларнинг сўфи азон урмай, “гурр” этиб осмону фалакка ғойиб бўлиши-ю, оқшом чоғи қайтиб келиши, бутун бошли полкнинг эрталаб, тонг азондан кўшиқ айтиб казармадан чиқиб кетишию ва кеч арафаси тагин баралла куйлашган кўйи кириб келишига жуда-жуда ўхшайди. Яна ўхшашликни қарангки, тонг ғира-ширасида бирорта ҳам аскар казармада қолмай, тўлиқ машғулотларга чиқиб кетганидай, бу ерда қарғаларнинг ҳам бирортаси дарахт шохларида, яъни кўноқларида қолмасдан учиб кетиши – ҳайратомуз ўхшашлик! Аммо бир ўхшамайдиган томони борки, у ҳам бўлса, қарғалар кўналғаларида бирорта ҳам навбатчи қолдирмайди, қолдирса ҳам узоқ туриб қолмайди, одатдагидек, яна биродарларининг ортидан ғойиб бўлади. Табиийки, боя эслатиб ўтганимиз, битта яримта-ялқов, танбал ва ишёқмасларини ҳисобга олмаса, албатта. Яна бир гап, уларнинг “гурр” этиб кўтарилиши аскарларникидек бир саф бўлиб эмас, балки пала-партиш ва тўс-тўполон.

Бугун ҳам худди шундай кечди. Тонг ғира-ширасида касалхона ҳовлисини чорак соатча бошларига кўтаришди-ю, сўнг турли томонларга бош олиб кетдилар. Ҳовли саҳни ва дов-дарахт шохлари одатдагича, сув куйгандек жим-жит бўлди-қолди. Ташқарида кузак шамоллари сарғайган барглари шитирлатиб кезинар, яп-яланғоч мирзатераклар, чинорлар сўппайиб туришарди.

Ташқаридан кўз узолмайман. Кузак шамоллари уйган ва уват кунжакларига тиқиб ташланган ўша сарғайган барглари тикиламану, узоқ хаёлларга ботаман. Бир воқеа ёдимга тушди...

Ўша куни каллаи саҳарлаб қушлар кўноқларини тарк этар маҳал, яна улар бутун касалхонани бошларига кўтардилар-да, кейин одатдагидек, аллақайларга ғойиб бўлишди. Ҳаммаёқ бирдан тинчиди-қолди. Аммо бироздан сўнг, пастда ўн-ўн бештача қарғаларнинг фавқуллодда тўс-тўполони бошланди. Улар ўз биродарларидан бирини ўртага олиб, роса чўқилаётган эдилар. Аввал кўзларимга ишонмадим. Наҳотки, ўз қавмдошини ўзлари ўлдираётган бўлсалар? Унинг гуноҳи нима? Ёки, бу зўрликнинг ожизлик устидан тантанасими? Йўқ, эшитганим бор. Айтишларича, бундай тўдани санитар қушлар, ҳам дейишади. Санитар қушлар ораларида касал бўлиб қолган ўз қавмларини ўзлари ўлдиради. Сабабки, бутун қавм ўртасида касаллик тарқаб кетмасин. Бу ақида қанчалик тўғри

бўлмасин, барибир, у бир қавм аъзоси-ку, у ўз биродари-ку, у ожиздир, нотавондир, у ҳам яшашни истайди, деган ола-қуроқ уйлар бошимда ғуж айланаверади, айланаверади.

Бечора ўртага олаётган қушлардан анча кичик кўринса ҳам, ўз жонини сақламоқ учун жонҳолатда қарши турар, гоҳ тўдадан чиқиб қочишга уринар, гоҳ майиб бўлиб қолган иккала қанотини зўрға ерга судраб учишга чоғланар, аммо шафқатсиз тўда уни ҳеч қайёққа кўйиб юбормас, аксинча, ўртага олиб, баттар патларини юлқиб-юлқиб тортишар, абгор қилар эдилар. У бўлса, атрофдаги хазонлар остига ўзини яширишга уринар, оломон тўда эса уюм-уюм хазонларни атрофга телбавор сочар ва ўша уюмлар остидан уни топиб олар, қолаверса, дарахт шохларида диққат билан, муттассил кузатиб турган қолган қарғалар вақт ўтказмай, бечоранинг устига мўру малаҳдай ёпирилиб, яна чўқилашни давом эттирар, у эса бошқа қочадиган жой тополмай, охир мажолсиз ва иложсиз ўзини уларга мутлоқ топшириб кўйишга мажбур бўларди. Қарангки, бироздан сўнг, қарғалар ҳар томонга тарқалишди. Кўпчилиги яна дарахтлар тепасида кўним топдилар. Жабрдийда эса, хазонларга қоришиб, қимир этмай ётарди. Аммо сал ўтмай, унга қайта жон киргандай, бир-икки силкиндида, бедана юриш қилиб, иккала қанотини ҳам судраб, дуч келган томонга қоча бошлади. Тепадан бу ҳолатни кузатиб турган ўша қарғалар яна бало-қазодай ёпирдилар. Бу дафъа узоқ жанг бўлди. У курашдан ҳам, қаршилиқ кўрсатишдан ҳам ва яшашдан ҳам бутунлай чарчаган, умид узган эди. Қутурган тўда ичида фақат унинг қонталаш ва лойга қоришган танасигина аҳён-аҳён кўриниб қолар, абгор танани яна тўданинг бирор аъзоси зарб билан тортиб кетар, аксар ҳолларда эса иложсиз тана қутурган тўданинг оёқлари остига тушиб қоларди.

Мен унинг олдига қандай етиб келдим, буни билмайман. Учинчи қаватдан то пастки зиналарга тушиб, улар олдига етиб келганимга қадар бечоранинг жони узилиб бўлган эди. Қўлимга дуч келган нарсани олиб, жон аччиғида тўдани ҳайдаган, уни халос этган бўлдим, лекин, барибир, кечиккан эдим. Унинг афт-ангорини кўриб ҳам, таниб ҳам бўлмасди. Боши, танасининг юлинмаган жойи қолмаган. Атрофда эса бечоранинг патлари тўзиб қолган, ер гўё отлар кўпкари чопгандай, қушларнинг темиртак панжалари остида роса шудгорланган. Мана шу шудгор ичида эса унинг жажжигина жасади тупроққа қоришиб ётарди. Кўзлари ўйилган, оёқлари синган, қанотлари ёзиқ бир ҳолатда...

Ҳаётда ҳали яшаши учун жон ҳолатда интилаётган, ҳамон ўзини у ёқдан бу ёққа уриб, азоблар қуршовида қолган танасини қутқазмоқ азмида бўлган қарға бугун ўз қавмдошлари орасида йўқ. Балки унинг чўқилган кўзлари дастлаб, атрофга сўнгги марта нажот истаб қараркан, фавқуллодда менга кўзи тушган бўлса ҳам ажабмас. “Мени бу ёвузлар қўлидан қутқаз”, дея охирги марта илтижоси, умиди балки мен бўлгандирман?

Мен эса, уни тақдир ҳукмидан қутқазолмадим! Нима, ўшанда кўрққан эдимми? Нимадан? Кимдан? Йўқ, ундаймас, улгуролмадим, холос. Дастлаб, нима бўлаётганига ақлим етмай турди... кейин эса...кеч...

Эшик аста очилиб, енгил қадам товушлари хаёлимни бўлди.

– Ассалому алайкум, яхшимисиз? – деди навбатчи ҳамшира. Сўнг қўшиб қўйди: – Мана бу кечки дориларингиз, ичишингиз мумкин.

Мен дераза олдидан қайтганимда у аллақачон кетиб бўлган эди.

Қирралари емирилиб, эшик зулфи, ошиқ-мошиқларидан хиёл ажраб, бир ёнга оғиб қолган ва анча ранги унниқиб бўлган тумбочка устидаги кафтдеккина ғоғоз парчасида икки дона дори ётарди: бири перецитам, иккинчиси эса ценнаризин. Ҳапдорилардан бирини, гарчи кўнглим тусамай, ичдим-да, қайтиб симлари деярли полга тегай-тегай, деб қолган каравотга чўқдим.

Айтганча, ҳозир қушлар қаерларда экан? Ажабо, улар ҳам одам боласидай эрталаб уйдан чиқиб кетадилар-да, яна кечқурун кун ботиш арафасида таниш қўноғига қайтиб келадилар. Боз устига, ўз йўлларида адашмай келишади. Ахир бошқа қўноққа бориб қолишлари ҳам мумкин-ку? Уларнинг шовқин-сурони-ю, чуғур-чуғурларида ҳам қандайдир маъно муҷассам.

Қизиқ, ана пастда беш-олтитача қарға бир қарғани илк бор учирма қилмоқ учун куймаланишмоқда чоғи. У қанотларини кенг ёзмоқ бўлади-да, уч-тўрт газ юқорига нари учиб кўради. Ёнидагилари у кўнган жойгача югургилаб боришади-да, гўё бир нималар деётгандай “қағ-қағ”, “қағ-қағ” дея бир-бирларига ёпирилиб, уни “гурра” ўртага олишади. Бу гал у анча жойгача учиб борди. Қавмдошлар эса уни изма-из таъқиб этмоқдан ўзларини тиймасдилар. Шу алфозда қушлар галаси кўздан ғойиб бўлишди. Энг қизиғи бумас, энг қизиғи, қушча ўз қавмлари томонидан нобуд қилинган ўша қушга жуда-жуда ўхшаб кетарди. Кўрсангиз, уни сиз ҳам иккиланмай, ўша қушча ўлмай қолган экан-да, дейишингиз тайин эди. Ранги ҳам, туси ҳам, қанотлари ҳам бир хил... Аммо жуссаси ўша қушга қараганда кичикроқ, холос! Чиндан ҳам у қайтиб келган бўлса-я? Негадир унинг ўлмай қолишини жуда-жуда истайман. Унинг ўлмаслиги учун қўлимдан нима келса, шуни қилардим!

Ўйлаб қоласан киши, наҳотки, инсоний хислатларга хос бўлган бундайин аъмол қушларга ҳам хос бўлса? Инсон боласи ҳали англаб етмаган ўзга бир хилқат ҳам бор эканки, мен тушунмаган нарсани қушлар тушунса? Қушларчалик ақлим етмаса? Эртадан кечгача вағир-вуғур қилишиб қўноқларидан чиқиб кетишлари, яна кечқурун вағир-вуғур билан қайтиб келишларининг маъноси нима? Тўғри, олам – муқаммал. Биз тушунган нарсани улар билмайдилар, улар тушунган нарсани биз билмаймиз. Ҳали биз билмаган ёки тўла англаб етмаган қанча-қанча сиру синоатлар бор эканки, уларнинг пою-поёнига етиб бўлса? Қушларнинг бир-бирларига нечоғлик биродар, бир қавм ёки биродарқушлиги орасидаги фарқ қанчалик яқин бўлмасин, биз одамлар орасидаги яхшилик ва ёмонлик, ҳавас ва ҳасад, меҳр-оқибат ва биродарқушлик орасидаги фарқ ҳам унчалик катта эмас. Нега шундай?

Оқшом сукунати яна бутун касалхона бўйлаб аста-секин ёйила бошлади. Энг баланд жойларда, қуёшни илк бора қарши оладиган азим теракларнинг учларида осилиб қолган сўнгги қизиллик ҳам тамом йўқолди. Сокин оқшом ҳаловатидан баҳра олишни истаган айрим беморлар бирин-кетин йўлаклар узра узун-қисқа бўлиб кўрина бошладилар. Улар бепарво қушлар қўноқлари остидан ўтиб йўлакка чиқадилар. Наридан борса, қушларга бир қараб қўядилар, холос! Зотан, бу сукунат узоққа чўзилмади. Ҳар галгидай, осмону фалақдан қушлар галаси пайдо бўлади-да, яна бутун касалхона бўйлаб чағур-чуғур кўнади. Яна мен ётган касалхона корпусига бўйлашай-бўйлашай деб қолган дарахтлар, кўз олдимда нўноқ мусаввирнинг қоп-қора бўёқлар билан чапланган илк асари каби ажиб манзара касб эта бошлади.

Дилим оқшом рутубати каби яна хуфтон тортади.

Мен дераза олдидан нари кетман...

Ўз қавмлари орасида омонлик ва атрофдан нажот истаб, қутурган тўдага қаршилиқ кўрсатаётган ҳамда сўнгги дамларда жон таслим қилаётган ўша қушча кўз олдимдан ҳеч нари кетмайди. У ҳаётга келиб нима кўрди? Наҳотки уни ўлдириш шунчалик керак бўлса? Ўзи, нега у қушлар қавми орасига сиғмади?

Ечими топилмас жумбоқлар асирига айланиб оҳиста ўрнимга чўзиламан...





Ой кўкдан заминга тушолса эди



ЯШАГИСИ КЕЛАР ОДАМНИНГ

Яшагиси келар одамнинг,
Юртга баҳор келганда яйраб.
Яшагиси келар одамнинг,
Ёмғир торин киприк-ла тараб.


Яшагиси келар одамнинг,
Майсаларни силаб, ҳидлаб гул.
Оппоқ гуллаб турган бодомнинг
Кучоғига сингади кўнгул.

Яшагиси келар одамнинг,
Кўк япроқлар шитирлаганда.
Яшагиси келар одамнинг,
Шаббодалар шивирлаганда.

Яшагиси келар одамнинг,
Қанча тўсиқ бўлса қасдма-қасд.
Яшагиси келар одамнинг,
Қанча рақиб келса басма-бас.

Яшагиси келар одамнинг,
Чумолидек, майли, серзахмат.
Яшагиси келар одамнинг,
Сен учун ҳам топди бахт фурсит.

Дарахтлардан гуллар тўкилган,
Дард тиз чўккан кунларга пешвоз.
Йўл бошига чиқади инсон,
Кўнгли аро соғинч ва эъзоз.



МЕНГА СЕН КЕРАКСАН

“Менга сен кераксан, сенга мен керак”.
(Халқ қўшиғидан)

Ёнма-ён йўл юрсак, тугамаса йўл,
Сўзлашсак, кўнгилдан сув ичса кўнгил,
Ёмғир ёгса, бўлса қароғимиз хўл,
Менга сен кераксан, сенга мен керак.

Ёлғиз қўл ушлашиб тоғларга чиқсак,
Олмалар узмоққа боғларга чиқсак,
Булоқлари қайнар ёқларга чиқсак,
Менга сен кераксан, сенга мен керак.

Ғийбат чангалидан бўлсак йироқда,
Ташилаган гулимиз оқса ирмоқда,
Бош узра тўрғайлар сайраган чоғда,
Менга сен кераксан, сенга мен керак.

Йўлимиз тўсмаса нигоҳлар ҳатто,
Аҳдимиз, бахтимиз бўлмаса хато,
Мен сенга, сен менга бўлсак мубтало,
Менга сен кераксан, сенга мен керак.

Қалбимнинг орзуси ушалса эди,
Ой кўкдан заминга тушолса эди,
Кўзларим кўзингдан нур олса эди,
Менга сен кераксан, сенга мен керак.

Мақсуда ЭГАМБЕРДИЕВА

1955 йилда Қўқон яқинидаги Данғара туманида туғилган. ЎзМУнинг филология факультетини тамомлаган. “Гулбарг”, “Мактуб”, “Насиба”, “Осмон соҳилида” каби шеъррий тўпламлари чоп этилган.



АНТИҚА АХБОРОТЛАР

“Кеча фидойи маҳалла посбонлари томонидан уч нафар жиноятчи қўлга олинди. Бу номард, ноинсоф шахслар Мамараим аканинг тўққизта боласи бўла туриб, яккаю ягона сигирини ўғирлаб кетишибди...”

“Диққат, ўз стадионимиздан тўғридан-тўғри репортаж олиб боряпмиз... Маълуму машҳур футбол жамоамизнинг мавсум бошидан буён омади чопмай, кетма-кет мағлубиятга учраб келаётганидан хабарингиз бор, албатта. Мана, бугун улар бошқача, жанговар ўйин кўрсатиб, ўзларининг азалий рақиблари устидан йирик ғалабани қўлга киритишга ва ўз мухлисларини хушнуд этишга астойдил бел боғлаган кўринишади. Мана, ўйин қизгин давом этаяпти... Севимли командамиз ҳужумда... Алиев шиддат билан олдга интилди. У чап қанотдаги Валиевга моҳирона тўп узатди. Валиев дарвозабон билан яккама якка қолди! Уни алдаб ўтди! Зарба! Го-ол! Қандай яхши, ҳисоб биру нол! Стадион қийқириқларга тўлди. Биринчи гол шак-шубҳасиз йигитларимизни руҳлантириб юборди. Ана, улар яна ҳужумда! Бу сафар Алиевнинг ўзи қаршисидаги барча ўйинчилардан ўзиб кетди! Ана, у дарвозанинг нақ марказидан яқинлашиб борди, зарба! Го-ол! Дарвозабон яна доғда қолди. Ҳисоб иккию нол! Аммо севимли жамоамиз бу билангина чекланиб қоладиганга ўхшамаяпти! Ҳойнаҳой, улар бутун мавсум бошидан буён қўлга киритилган жамики мағлубиятлар аламини олишга бел боғлаган кўринишади. Ана, улар яна олға интилишмоқда! Чап қанот ҳужумчиси Валиев тўпни ўнг қанотдаги Салиевга оширди. Салиев тўпни тўхтатмасдан, ғоят моҳирлик билан дарвозага тепди. Дарвозабон шак-шубҳасиз бундай кучли зарба олдида ожиз қолди. Го-ол! Ҳисоб учу нол! Ура! Ва... ниҳоят... рақиб ўйинчилари аста-секин майдонга тушиб кела бошлашди...”

Тадбиркор Эшмат Тошматовнинг кичик корхонасида ишлаб чиқарилаётган пардоз-андоз бўёқлари шарму ҳаёдан қизармайдиган юзларни бемалол қизартиришига юз фоиз ишонамиз.

Диққат, эълон! Россиянинг энг зўр губернияларидан бирига хоҳиш-истаги бор кишиларни ўзим билан бирга олиб кетишим мумкин. У ерда бепул овқатланиш, даволаниш, дам олиш, шунингдек, ишлаш кафолатланади.

Шаҳарга тушган Мамараим ака йўналиш бўйича қатнайдиغان таксилардан бирига ўтирмакчи бўлдию, аммо унинг орқасидаги “Лицензиясиз йўловчиларни ташиш қонунга хилоф!” деган ёзувларга кўзи тушиб, хафсаласи пир бўлди. Чунки унинг йўловчилик лицензияси йўқ эди-да!

